

СИДДХАРТХА

Турмуш ўртоғим Ненонга бағишланади.

Ҳинд қиссаси

БИРИНЧИ ҚИСМ

Брахман ўғли

Чароғон қуёшнинг нурлари акс этган дарё бўйида, қадрдон уйи, анжирзору палма дарахтларининг соясида ёш лочин брахманзода Сиддхартха дўсти брахман ўғли Говинда билан бирга улғайди. У дарёда чўмилган вақтда ёки муқаддас покланиш чоғида, ёхуд қурбонлик келтираётган дамда қуёш унинг оппоқ елкаларида олтиндек товланарди. Унинг болалик чоғлари қуюқ мангозорларнинг тим қора соясидан завқланиш, муқаддас қурбонликлар келтириш, онасининг майин аллаларини, олийжаноб отасининг ўғитларини ва донишманд брахманнинг салобатли нутқини тинглаш билан ўтди. Сиддхартха аллақачонлароқ донишмандларнинг суҳбатида бўлишни одат қилган, дўсти Говинда билан бирга нотикликни, мушоҳада қилиш санъатини ва ўзининг ички оламининг яширин сирларини эгаллаганди. У аллақачонлароқ каломлар каломни аумни сўзсиз айта олишни, уни сўзсиз нафас билан ичга олишни ҳамда сўзсиз нафас билан ташга чиқаришни ўрганган, руҳи бир нуқтага жамланиб, ўткир зеҳли қалб нури нигоҳларида порларди. У аллақачонлароқ олам билан яхлит ўз фитратидаги яширин, қудратли Атманни англаганди. Ўғлининг билимга чанқоқлигини ва қобилиятини кўрган отасининг қалби қувончга тўлар, у келажакда Сиддхартхада брахманларнинг эътирофига муносиб буюк устоз ва қоҳинни кўрарди. Онаси унга муҳаббат ила боқаркан, унинг қадам ташлаши, тик қомаги, кўркамлиги, жасурлиги, ўтириб-туришлари, ҳар бир ҳаракати, одамларнинг уни иззат билан қарши олиши қалбига хузур бахш этарди. Сиддхартха қадди-қомаги расо, худди шахзодалардек виқорли нигоҳ ташлаб ўтаркан, ёш брахман қизларининг кўксига муҳаббат уйғонар, бироқ уни ҳаммадан кўра кўпроқ дўсти брахманзода Говинда севарди. У Сиддхартханинг кўзларини, овозини, юришларини, унинг олийжаноб хатти-ҳаракатини, Сиддхартха нима демасин, нима қилмасин – бари-барини севар, айниқса, унинг ақлини, оташин фикрларини, алангали иродасини ва юксак қисматини суярди. Говинда уни келажакда оддий брахман, ялқов қоҳин, очкўз савдогар, шуҳратпараст сафсатабоз, ёвуз ва маккор руҳоний ёки катта бир пода ичра қўй каби содда одам бўлмаслигини яхши билар, зотан Говинданинг ўзи ҳам атрофда шундоқ ҳам тўлиб-тошган брахманларнинг сонини кўпайтиришни истамасди. У суюклиги, дўсти Сиддхартханинг изидан қолишни истамас, агар кун келиб Сиддхартха худолардан бирига айланса,

агар кун келиб у олий нурга қовушса, унда Говинда унинг ортидан бир дўст, йўлдош, содиқ кул, қуролбардор ёхуд бир соядек эргашиб боради.

Ҳамма Сиддхартхани севар, у ҳамма учун бирдек қувонч келтирар, барчага бирдек ёқимли эди. Фақат унинг ўзи ўзи учун шодлик келтирмасди. Хурмо боғларининг пушти йўлаклариди сайр этиб, бутазорларнинг қуюқ соясида ўйга толаркан, одатдаги покланиш учун сувга шўнғиганда ҳам, мангозорларнинг қоронғи ўрмонида қурбонликлар келтирганда ҳам, чиройли хулқи ва гўзал ҳаракатлари ила атрофдагиларни мафтун этган, ҳаммага севинч ва шодлик улашган бу йигит ўз қалбида ҳеч бир шодлик ҳис қилмасди. Дарё сувларининг чайқалиши, олис юлдузларнинг ёғдуси, жазирама қуёшнинг нурлари унда чексиз ўй ва орзуларни пайдо қиларди. Бу орзулар қурбонгоҳлардан ўрлаган тутунларда, ригведа куйларининг хушбўй нафасида, кекса брахманларнинг ўғитларида бўлиб, унинг қалбидаги ҳузур-ҳаловатни ўғирларди. Сиддхартханинг ўз-ўзидан қоникмаслиги уни янги билимларга бошларди. У ота-онасининг ва дўсти Говинданинг муҳаббати унга узоқ ҳарорат бера олмаслигини, унга узоқ осудалик, ҳуррамлик, севинч манбайи бўла олмаслигини, кун келиб бу манбалар муқаррар сўнишини тушуна бошлади. У отаси ва бошқа устозлари ўзлари эга бўлган энг зарурий, энг бебаҳо билимларни бериб бўлганини, улар ўз донишмандликларини унинг умид жомига тўкиб бўлганини, аммо бу жом ҳали тўлмаганини ҳис қилди. Ҳали ақл қонмаган, руҳ осойиш топмаган, юрак зарблари эса сокинлашмаган эди. Сув ила покланиш ҳузурбахш эди, бироқ сув гуноҳларни ювмас, ақл чанқоғини қондирмас, кўнгил ғашлигини аритмасди. Худоларга ибодат ва қурбонликлар ажойиб эди, лекин булар етарли эмасди, зотан қурбонликлар бахт келтирармиди? Худолар-чи? Ҳақиқатдан ҳам, Проджападжи борлиқнинг яратувчисимиди? Ҳамма яккаш нарсаларнинг яккаси Атман уларда мавжудми? Балки худолар ҳам худди сену-мен каби келиб-кетувчи вақтнинг ҳукми остидадир, балки улар ҳам яратилган ёхуд шаклдир. Агар шундай экан, келтирилган қурбонликлар кимга керак? Бу идрокнинг, ибодатнинг олий кўриниши бўла оладими? Кимга қурбонлик қилмоқ керак, кимга сиғинмоқ керак? Яккаю-ягона Атмангами? Атманни қаердан топмоқ зарур? У қаерни макон этган? Унинг мангу юраги қаерда уради? Агар уни ҳар бир жонда мавжуд яширин, йўқ қилиб бўлмас Мендан топмаса, яна қаердан излаш мумкин? Лекин у яширин, барча чегараларнинг сўнги Мен қаерда? Бу донишмандлар уқдирганидек жисм ҳам, қон ҳам, тафаккур ҳам, онг ҳам эмас. Қаерда у? Қаерда? Яширин Менга, ўзингга, ўз Атманингга кириш йўли борми? Ёхуд бундан ўзга йўл борми? Оҳ, ҳеч ким бу йўлни билмайди. На отам, на устозларим, на донишмандлар, на қурбонлик дуолари бу йўлни кўрсата олмайди. Улар, брахманлар, барча муқаддас китобларни билади, улар ҳамма нарсага керагидан ортиқ қайғуради, оламнинг яралиши, нутқнинг, озуқаларнинг пайдо бўлишини, сезгиларнинг тартибини, худоларнинг фаолиятини, яна жуда кўп нарсаларни билади. Зарурдан зарур илмни билмай, бошқа нарсаларни билишнинг қиймати кимга керак?!

Албатта, муқаддас китобларда, айниқса, ведаларнинг Упанишада кўшиқларида энг сўнгги, энг яширин хилқат ҳақида куйланар ва бу кўшиқлар ҳаловат бахш этарди. “Бутун олам сенинг руҳингда” деб куйланарди уларда. Яна одам уйқудалигида ўз хилқатининг тўсиқларидан ўтиб, Атманда бўлиши ҳақида ҳам айтиларди. Буларнинг бари ғаройиб бўлиб, донишмандларнинг хикматлари минглаб асаларилар йиққан соф асал каби ўзида сеҳрли каломни мужассам этарди. Йўқ, беҳисоб брахманларнинг аждодлари тўплаган, ўз бағрида аллалаб улғайтирган бебаҳо билимларни рад этиб бўлмасди. Бироқ бу ҳадсиз билимга нафақат тушунувчи, балки бошидан кечирувчи, амал қилувчи, ўзининг ҳақиқий меросига айлантирувчи брахманлар, руҳонийлар, донишмандлар ёки чин дилдан тавба қилувчи гуноҳкорлар қани? Қани бу илмга ўзни бахш этувчи, уйғоқликда ҳам Атманда қолувчи, бу ҳолни тушда ҳам, ўнгда ҳам, ҳаётда, сўзда, амалда зухур этувчи?!

Сиддхартха жуда кўп авлиё брахманларни биларди. Унинг отаси ҳам брахманлар орасида энг муносиб олим одам эди. Унинг сўзи, амали олийжаноб, камтар ва эзгу эди. Унинг ҳаёти мусаффо, сўзларида донолик барқ урар, нигоҳларида эса юксак ақл яшириниб турар, бироқ у шу илми билан олий манзилга, руҳий ҳаловатга эришдимиз?! Зотан у нечун муқаддас чашмаларга, қурбонгоҳларга, ҳар куни такрорланувчи брахманларнинг дуоларига қайта-қайта талпинади?! Нечун у баркамол бўлса-да, ҳар куни муқаддас сув ила гуноҳларини ювади, ҳар куни такрор-такрор покланиш тўғрисида ўйлайди. Наҳот унда Атман йўқ, наҳот унинг қалбида азалий манба бўлмаса?! Айнан уни топмоқ зарур! Меннинг азалий манбасини топмоқ керак, унга эришмоқ керак, зеро, қолган бошқа нарсалар беҳуда, янглиш ва нотўғри йўлдир.

Сиддхартха ўйларининг, изтиробларининг, қонмас ташналигининг сабаби шундай эди. Утез-тез Упанишадаларнинг Чихандогиясидаги “Брахманнинг ҳақиқий исми Сатямдир. Буни чиндан билгувчи ҳар куни само оламида жилваланади” деган сўзларни такрорлар ва ҳар гал бу оламга яқин тургандек бўлар, бироқ унга эришиш, ташналигини қондириш насиб этмаганди. У билган ва эътироф этган донишмандлар, авлиёлар орасида ҳам бу самовий оламга етишган, унда мангу чанқоғини қондирган киши йўқ эди.

–Говинда, – деди Сиддхартха бир кун дўстига мурожаат қилиб, – Говинда, қадрдоним, кел, банян дарахти ёнига бориб, ўз руҳимизга сайр этишни машқ қиламиз!

Улар банян дарахтининг ёнига боришди. Бир-бирларидан йигирма қадам нарида тўхтаб ерга ўтиришди. Говинда эндигина ерга ўтириб, илоҳий сўз аумни айтиб улгурмаган ҳам эдики, Сиддхартха шивирлаб деди: “Аум– бу камон, руҳ –пайкон, брахман– бу пайконнинг нишони, қандай бўлмасин, уни ярадор этмоқ керак!”

Муқорабанинг одатдаги вақти яқунлангач, Говинда ўрнидан турди. Қош қорайганди. Ҳали кечки покланиш ибодатини бажариш керак эди. Говинда

Сиддхартхани чақирди, бироқ жавоб бўлмади. Сиддхартха чуқур ўйга ботганча ҳаракатсиз ҳолда ўтирар, унинг олис нуқтага тикилган кўзлари, ҳатто лабининг четида кўринган тилининг учи ҳам қимир этмас, у гўё нафас олмаётгандек эди. У Аумни мушоҳада этаркан, ўз қалбини пайкон мисоли брахманга йўллаб, узлатда шу кўйи ҳаракатсиз ўтирарди.

Кунларнинг бирида шаҳардан ёш ҳам, қари ҳам бўлмаган, озиб кетган, буришган ва сўниқ юзли, қонталаш елкалари ва яланғоч бадани жазирама офтобнинг тиғида куйган, учта эркак жаҳонгашта зоҳид саманлар ўтди. Уларнинг учови ҳам ёлғизлик қуршовида, одамларга ҳузур бахш этувчи дунёга душман ва бегона, қоқсуяк шоқолларга ўхшарди. Улардан ҳатто узок шафқатсиз узлатни ҳам барбод этувчи, гўё босқон олови каби оташин сўзсиз эҳтирос ёғиларди. Кеч кириб, мушоҳада онлари битгач, Сиддхартха Говиндага деди:

–Дўстим, эртага тонг ёришгач, Сиддхартха саманлар сари йўл олади. У улардан бирига айланади!

Бу сўзни эшитган Говинданинг рангидан қон қочди. Чунки дўстининг юзидаги қотиб қолган ифодада камондан узилган ўқ каби ортга йўл йўқ эди. Говинда шу ондаёқ бу ибтидо Сиддхартханинг йўли эканлигини англади.

–Мана, унинг тақдир куртаклари. Демак, меники ҳам шу эрур.

Унинг юзи бананнинг қуруқ пўстлоғи каби оқариб кетди.

–ОСиддхартха, отанг бу қарорга кўнадими? – деди у.

Сиддхартха унга чўчиб уйғонгандек қаради. У чақмоқ тезлигида Говинданинг кўнглидаги кўркув ва мутеликни ўқиди.

–ОГовинда, – деди у астагина, – сўзларни беҳуда исроф этмайлик. Эртага қуёшнинг илк нурлари билан мен саманлик ҳаётини бошлайман. Бу ҳақда бошқа бирор сўз дема!

Сиддхартха поҳол бўйрада ўтирган отасининг ҳузурига астагина кирди ва унинг ортига келиб тўхтади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, отаси унинг ўткир нигоҳларини пайқайди.

–Бу сенмисан, Сиддхартха? Гапир, нима учун келдинг?

–Ижозат берсанг, айтмоқчиманки, ота, – жавоб берди Сиддхартха, – эртага тонг отгач, мен сенинг уйингни тарк этиб, зоҳидлар томон йўл оламан. Мен, албатта, саман бўлмоғим шарт. Ўтинаман, истагимни рад этма!

Брахман жавоб бермади. У шу қадар узок сукут сақладикки, оқибат кулба туйнугидан самода юлдузлар кўринди. То сукут бузилгунга қадар улар янада ёркин нур сочди. Кўксига кўлини қовуштирганча қимир этмай сукутда ўғил

жим турар, ота ҳам похол бўйрада қимир этмай сукут ичра жим ўтирар, юлдузлар эса осмон узра сайр этарди. Ниҳоят, ота деди:

–Брахманга қаҳр ярашмайди. Бироқ кўксим ҳасратга тўла, мен бошқа бу каби сўзни сенинг тилингдан эшитишни истамайман!

Брахман аста ўрнидан турди. Сиддхартха кўлларини кўксига қовуштириб жим турарди.

–Нимани кутяпсан?– сўради ота.

–Ўзинг биласан! –жавоб берди Сиддхартха.

Хафа бўлган ота кулбадан чиқди ва ўрнига бориб ётди. Орадан бир соат ўтди ҳамки, отанинг кўзига уйқу келмади. У ўрнидан туриб хона ичра у ёқдан буёққа юрди ва ташқарига чиқди. У кулба туйнугидан кўксига кўлларини қовуштириб, ўша жойда қимир этмай турган ўғлини кўрди. Унинг ёрқин кўйлаги тун қоронғисида оқариб кўринарди. Хавотирланган ота ўз ўрнига қайтди.

Орадан бир соат ўтди. Ҳали-ҳамон уйқуси келмаган брахман ўрнидан турди. Бзовталиқ ила хона ичра юрди ва ташқари чиқди. Ой самода тик кўтарилганди. У туйнукка қараб, Сиддхартхани ўша жойда ва ўша ҳолда кўрди. Унинг яланғоч оёқларига ой нури тушиб турарди. Бзовталанган ота ўз ўрнига қайтди. У яна бир соат-икки соат ўтиб, ташқари чиқди. Туйнукдан қаради. Сиддхартха тундаги юлдузлар ёғдуси ва ой нурида турарди. У тун бўйи такрор-такрор хонадан чиқар, жимгина кулба туйнугига боқар ва унинг юраги ғазабга, хавотирга, қўрқувга, оғриққа тўларди.

У сўнгибор кун чиқмай туриб, тонг отар чоғда яна келди. У хонага кирди ва бир кунда улғайиб, бегонага айланган йигитни кўрди.

–Сиддхартха, – деди у, –нимани кутяпсан?

–Буни яхши биласан.

–Сен яна тонг отиб кун ботгунча шу ҳолда турмоқчимисан?

–Мен шу ҳолда туриб кутаман.

–Ахир толиқасан, Сиддхартха!

–Ҳа, толиқаман.

–Ахир ухлаб қоласан!

–Йўқ, мен ухламайман.

–Ахир ўлиб қоласан!

–Ҳа, мен ўламан.

–Сен отангга итоат қилишдан кўра ўлимни афзал биласанми?

–Сиддхартха ҳамиша отасига итоат этган!

–Демак, қарорингдан қайтасанми?

–Сиддхартха отаси нима айтса, шуни бажаради!

Хонага қуёшнинг илк нурлари тушди. Брахман Сиддхартханинг тиззалари қалтираётганлигини сизди. Бироқ унинг юзида чарчоқдан асар ҳам йўқ эди. Унинг нигоҳи олис, жуда олисларга қадалганди. Шунда отаси Сиддхартха уни аллақачонлар тарк этганини, ҳозир у ўғли билан бирга эмаслигини англади. Ота Сиддхартханинг елкасидан оҳиста ушлади ва:

–Сен ўрмонга борасан ҳамда саман бўласан. Агар ўрмонда олий бахтга эришсанг, келиб менга таълим бергин. Агар мақсадингга эриша олмасанг, унда уйга қайт: бирга худоларгақурбонлик қиламиз. Борақол, онангни ўпиб қўй ва унга қаерга кетаётганини айт. Мен эса дарёга бориб тонгги покланишни бажо келтираман! – деди.

У ўғлининг елкасидан қўлини астагина олди ва эшик томонга юрди. Сиддхартха кадам ташларкан қалқиб кетди. У оёқларидаги оғриқни енгиш учун эгилди ва ўрнидан туриб, отаси буюрганидек онаси қошига йўл олди.

У тонгнинг заиф нурлари остида ниҳоятда толиққан ва қалтираётган оёқларини судраб, шаҳарни тарк этаркан, сўнгги кулба ёнида бир соя ёлғиз йўловчига ҳамроҳ бўлди.

–Келдингми? – деди Сиддхартха жилмайиб.

–Мен келдим!–деди Говинда.

Зоҳидлар орасида

Улар кечки томон учта озғин зоҳид саманларни қувиб етишди ва итоат қилишга ваъда бериб, зоҳидлар сафига киришга изн сўрашди. Саманлар йигитнинг итоатли сўровига розилик билдирди. Сиддхартха ўз либосини йўлда учраган фақир бир брахманга ҳадя этди. Энди унинг уст-боши уникқан кулранг енгсиз ёпинчиқ ва лунгидан иборат эди. У бир кунда бир маҳал овқат ер ва қайнатилган емаклардан ўзини тиярди. У ўн беш кун рўза тутди, у йигирма саккиз кун рўзада бўлди. Унинг ранги шаффоф тус олди, унинг ҳақиқатни қарши олиш учун очилган катта кўзларида гўё аланганинг ўткир тили каби қайноқ учкун сачрар, озғин, узун бармоқларидаги тирноқлари ўсиб кетган, иягини эса қоп-қора беўхшов соқол қоплаганди. Унинг аёлларга тушган нигоҳи муз каби совуқ эди. Шаҳарларни оралаб ўтаркан, ҳашамдор либосларни кийган одамларни кўрганда лабининг четида нафрат аралаш истеҳзоли кулги кўринарди. У бозорларда савдогарларни, ов билан машғул корчалонларни, ўликларга кўзёш тўкаётган мотамсароларни, ўзини таклиф қилаётган фоҳишаларни, беморларни даволаётган ҳақимларни, экин-тикин

пайтини аниқлаётган коҳинларни, ошиқ-маъшукларни, болаларини эмизаётган аёлларни кўрди. Буларнинг ҳаммаси унинг нигоҳларида паст, чиркин, ёлғон, қўланса кўринар, гўзаллик ва бахт ниқоблари сидирилганбарча нарсада риё анқир, барча нарсада ўлим ва фано яширин эди. Бу дунёнинг таъми тахир, яшаш эса жуда оғир эди. Сиддхартха қаршисида биргина, ягона мақсад бор эди. Буларнинг баридан ҳоли бўлиш, истак ва хоҳишларни йўқ қилиш, қалбдан қувонч ва оғриқни сиқиб чиқариш, ўз-ўзи учун қурбон бўлиб, худбинликни йўқотиш, бўшаган юрагида осойишталик топиш, фидойилик билан мўъжизага интилиш – булар Сиддхартханинг эзгу мақсади эди. Қачонки нафс мағлуб бўларкан, қачонки юрагидаги сўнгги эҳтирос, иштиёқ сўнаркан, шундагина нафс эгалик қилолмайдиган, барча асосларнинг асоси, яширин, буюк сир ошкор бўлади.

Сиддхартха жазирама қуёшнинг ўткир нурлари оқимига танасини тутиб, очликка, оғриққа сабр қилиб турар, шунда на оғриқ, на ташналик сезилмайдиган бир он, бир хис келарди. У ёмғирлар мавсумида танасини жалага тутиб, қимир этмай турар, жала унинг соч-соқолларидан, белидан, музлаган оёқларидан қуйилар, у шу ҳолда то совуқни ва ўз танасини сезмагунча жим тураверарди. У қуюқ ўсган тиканзорлар орасида қимир этмай ўтирар, танаси ловиллар, ярасидан қон ва йиринг отилар, Сиддхартха ҳаракатсизликдан чангак бўлиб қолган қўл-оёқларига парво қилмай жим ўтирар, баданидан оқаётган қон тўхтаб, оқибат унинг танаси ҳеч қандай оғриқ сезмай кўярди.

Сиддхартха ўрnidан туриб, қайта ўтираркан, у нафас ушлаш санъатини эгаллашга киришди. Оз миқдордаги ҳаво билан кифояланишга, олаётган нафасини тўхтатишга ўрганди. У нафас олишни секинлаштириш ила юрак зарбларини то тинмагунча ушлаб туришни ўрганди. Сиддхартха кекса саманлардан зухду-зикрни, янги қоидаларда, саманлар қоидасига кўра машқ қилишни ўрганди.

Бамбукзорга бир қарқара учиб келди. Сиддхартха уни ўз руҳига қабул этди ва ўзи ҳам қарқарага айланди. У ўрмон ва тоғлардан учиб ўтди, балиқ овлаб еди, қарқара бўлиб очликни ҳис этди, қарқаралар тилида сўзлашди, қарқара бўлиб ўлди. Қирғоқ бўйида шоқол жасади ётарди ва Сиддхартханинг руҳи у томонга интилди ҳамда ўлик жасадга кириб, шоқолнинг мурдасига айланди. У қум узра шишиб, уфунат таратиб ётар, қашқирлар ҳамда қурт-қумурсқаларга ем бўлар, суякларга дўниб, хокка айланиб, шамоллар ила адирларга сочиларди. Ва яна узлуксиз олам чархпалагининг қайғули қисматини кўриб, ўлим ва фанони ҳис этган Сиддхартханинг руҳи ўзига қайтар, қалбини яна бир ташналик қийнар, гўё пайт пойлаган овчидек бир тирқиш орқали туғилиш занжиридан халос бўлсаю, сабабларнинг ибтидоси ва интиҳоси томон, изтироблари йўқ мангулик томон учса. У сезгиларини, хотиротларини ўлдирди. Ўз Менидан чиқиб юз минг шаклга кирди. У хайвон, қуш, тош, дарахт бўлиб кўрди, бироқ ҳар гал қуёш ёхуд ой нур

сочаркан, олам чархпалагидан халос бўлаолмай, ташналикни ҳис этиб, уни енгар ва яна янги чанқоқни ўзида туярди.

Сиддхартха саманлардан кўп нарсаларни ўрганди. У турли йўллар билан Мендан чиқишни таълим олди. У зуҳд ила нафсни қурбон қилиб, оғриқни, ташналикни, чарчоқни, очликни маҳв этди. У зуҳд ила зикр этишни, тафаккурни турли дунёвий ва хаёлий истаклардан халос этишни ўрганди. Сиддхартха турли йўллар билан ўз мақсадига интилар, минг бор ўз Менини тарк этиб, соатлаб, ҳатто кунлаб ўз Менидан холи бўларди. Бироқ Мендан элтувчи ҳар бир йўл муқаррар тарзда яна Менга қайтарди. Ҳаргал Мендан қочишнинг муқаррар манзили у йўқликка, ҳайвонга, тошга дўнганда ҳам, тун чўмиб, ой нур сочиб, қуёш чароғон бўлганда ҳам, шафқатсиз тарзда ортга қайтиш бўлар, яна Сиддхартхага айланиб, доғули олам чархпалагининг домига тушарди.

Сояси Говинда у билан бирга шу йўллардан ўтиб, шу синовларни баҳам кўриб, шу мақсадни кўзлаб яшарди. Улар ўзларининг мажбуриятлари ва машғулотларига оид бўлмаган нарсалар ҳақида жуда кам суҳбатлашишарди. Улар баъзан қишлоқларни айланиб, ўзлари ва устозлари учун кам миқдорда тавозеъ билан егулик сўрашарди.

– Нима деб ўйлайсан, Говинда, – деди Сиддхартха улар назру-ниёз учун қишлоққа отланган кунларнинг бирида, – нима деб ўйлайсан, Говинда, биз муваффақиятга эришиб, мақсадимизга етдикми?

Говинда жавоб берди:

– Биз жуда кўп нарсаларни ўргандик ва ўрганишда давом этамиз. Сен буюк саман бўласан, Сиддхартха, машғулотларни тез ва осон ўзлаштирдинг. Бундан кекса саманлар ҳайратланиб, сенга тасанно айтмоқда. О Сиддхартха, кун келиб сен албатта валий бўласан!

Сиддхартха деди:

– Мен бундай деб ўйламайман, дўстим. О Говинда, мен саманлардан ўрганган нарсаларимни бошқа бир жойда ҳам тез ва осон ўрганаолардим. Қовоқхоналару-фоҳишалар, маст-аластлар ҳамда қиморбозлар орасида ҳам буларни ўрганиш мумкин!

Говинда деди:

– Сиддхартха мени мазах қилмоқчими? Сен у бахти қаролар орасида руҳга сайр қилишни, нафас олиш машқларини, очлик ва оғриқларга сабр этишни қандай ўрганган бўлардинг?!

Сиддхартха гўё ўз-ўзи билан гаплашаётгандек секин деди:

– Руҳга сайр этишнинг ўзи нима? Танани бир муддат тарк этишнинг нима қиймати бор? Нафсни енгиш нима деган гап? Нафасни ушлаб туриш

нима? Буларнинг бари Меннинг қаршисидаги кўрқув, ўз Менининг оғир юкидан халос бўлиб, бир муддат озод бўлишга интилиш, умрнинг бемаъни эканлигини бир зум унутишдир. Бундай унутиш ва бундай эркинликни қишлоқ майхонасида бир пиёла май ёки какос сути ичиб, кайфи тароқ бўлган аравакаш ҳам топа олади. У ҳам ўз-ўзини унутиб, жисмоний оғриқларни сезмайди, у ҳам ҳаёт ташвишларини эсидан чиқараркан, қадахдаги майга тикилиб, Сиддхартха ва Говинда Мендан ташқарида нима топса, шуни топади. Бу худди шундай, о Говинда.

Говинда жавоб берди:

– Сен бу сўзларни айтаркансан, Сиддхартха аравакаш, саманэса майпараст эмаслигини унутяпсан. Майли, майпарастлар бир зум ўзлигини унутиб, ҳаловат топсин. Майли, ўз Менидан ҳам халос бўлишга урунсин, аммо улар иркит майхоналарда уйғонгач, ҳеч нарса ўзгармаганини, ақллари мисқолча ҳам кўпаймай, ўз ҳолида қолганини, ўз даражаларидан бир поғона ҳам кўтарилмаганларини биладилар.

Сиддхартха жилмайиб деди:

– Мен бу ҳолни билмайман, чунки ҳеч қачон маст бўлмаганман. Бироқ шуни биламанки, мен Сиддхартха ўз зухду-таквойим билан Менни тарк этиб, бир он унутишни ҳис этарканман, худди онам қорнидалигимдагидек ҳозир ҳам донишмандлик ва буткул халос бўлишдан жуда йироқман. Мен буни биламан, о Говинда, мен буни жуда яхши биламан!

Улар яна ўзлари ва биродарларига емак сўраш учун ўрмонни тарк этганларида Сиддхартха Говиндага деди:

– Нима деб ўйлайсан, о Говинда, биз тўғри йўлдамизми? Ҳақиқатга яқинмизми? Халос бўлиш онларига оз қолдимми? Олам чархпалагидан озод бўлишни мақсад қилиб, балки доира ичра айланаётгандирмиз?!

Говинда жавоб берди:

– Биз кўп нарсани ўргандик, Сиддхартха ва олдинда ҳали кўп билимлар бор. Биз айлана ичрамас, юқорига қараб кетяпмиз. Бу худди спиралга ўхшайди. Ортда қанча зиналар қолди.

– Нима деб ўйлайсан, – деди Сиддхартха, – саманларнинг улуғи донишманд устознинг ёши нечада?

Говинда жавоб берди:

– Менимча, улуғ саман устознинг ёшлари олтмишдан кам эмас.

– У олтмиш йил яшаган бўлса ҳам, Нерванага эришмаган. У етмиш, саксонга кирганда ҳам ёки бизлар шу ёшга етсак ҳам, рўза тутиб, рухни мушоҳада қилишимиз мумкин, аммона у, на биз барибир Нерванага

эришаолмаймиз. Ўйлайманки, о Говинда, атрофимиздаги бирор зоҳид Нерванага эришаолмайди. Биз овунишни, унутишни, ўз-ўзимизнигина алдашни ўрганамиз, йўлларнинг йўли бўлган асосий мақсадга эса биз ета олмаймиз.

– Қандай қилиб бу каби даҳшатли сўзларни айтяпсан? – деди Говинда.– Наҳотки шунча улуғ брахманлар эранлар ичида?! Наҳотки шунчаталабчан, фахрли саманлар, эртаю-кеч ибодатда бўлган обитлару-орифлар орасида ҳақ йўлни топган одам бўлмаса?!

Сиддхартха бирмунча қайғули ва истехзоли ғамгин оҳангда кулиб деди:

– Говинда, тез кунда дўстинг сен билан бирга узок кезган саманлар йўлкасини тарк этади. Мен ташналиқдан қайғуряпман, о Говинда, бу узун йўлда менинг ташналигим заррача қонмади. Мен ҳамиша илмга интилдим ва бу қалбим саволларга тўла бўлди. Йилдан йилга мен брахманлардан, муқаддас ведалардан жавоб изладим. Балки, мен бу саволларни, о Говинда, қушлардан, маймунлардан, ҳўкизлардан сўраганим аълороқ ва авлороқ бўларди. Менга ҳали-ҳамон тинчлик бермайдиган оддий ҳақиқатни, оддий нарсаларни билишим учун жуда кўп вақт керак бўлди, о Говинда. Менимча, бу оламда ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Менимча, таълимот деган нарсанинг ўзи йўқ. Фақат биргина илм бор: дўстим, бу сенда, менда ва бутун мавжудотда бор Атмандир. Ва шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу илмга илмни излаш истаги ҳамда бирор таълимот билан етиб бўлмайди.

Говинда тўхтаб, қўлларини самога чўзиб деди:

– О Сиддхартха, бундай сўзларинг билан Говиндани кўрқитма, ҳақиқатдан ҳам, сўзларинг қалбимда ваҳима уйғотяпти. Ўзинг ўйла, брахманлар зикр этадиган муқаддас сўзлар қаердан яралди, агар сен айтгандек бўлса, агар ҳеч қандай таълимот бўлмаса, унда саманларнинг илоҳий каломлари қандай пайдо бўлди?! О Сиддхартха, агар сен айтгандек бўлса, оламдаги муқаддас, илоҳий эъзозли нарсалар нима бўлади?!

Ва Говинда Упанишадаларнинг бир қўшиғини минғирлаб деди:

– Кимдаким ақл ила покланган ҳолда Атманга сингса, беқиёс калом ила унинг руҳи ҳаловатдадир!

Сиддхартха жим кетар, у Говинданинг сўзларини туб моҳиятига етмагунча ўйлашда давом этарди.

– Ҳа... – деди у бошини қуйи солиб. – Биз илоҳий деб атайдиган нарсалардан яна нима қолди?! Нима мутлақдир?! Нимага ишонмоқ керак?!

Ва у бошини чайқади.

Йигитларнинг саманлар орасида ҳаёт бошлаганидан уч йил ўтиб, кунларнинг бирида кўплаб олис ва яқин йўллардан дунё уқубатларини енгиб, ўзида эврилиш жараёнини бартараф этган Говутама исмли буюк Будда, яъни нурланган кишининг пайдо бўлгани ҳақида хабарлар етиб келди. У ўз таълимотини шогирдлари орасида ёркан, мол-дунёсиз, оиласиз, ватансиз, зоҳидона сариқ либосда юрт кезар, бироқ нигоҳлари улуғвор ва илоҳий бўлиб, уни кўрган шоҳлар, брахманлар таъзим қилар ҳамда шогирдларини ҳам эъзозларди. Бу афсона, бу хабар, бу эртак ифор таратиб жаранглар, ўрмон зоҳидларию-брахманларни у ҳақида гапиришга мажбур этарди. Будда Говутаманинг номи ўзида яхши ва ёмон, мақтов ва иғво гапларни тарқатиб, одамлар қулоғига такрор ва такрор чалинарди. Гўё вабо таркаган ўлкада бўлганидек мишмишлар пайдо бўлар, қаердадир донишманд авлиё бор эмиш, унинг бир каломи ёхуд биргина қўл теккизиши энг оғир ва бедаво хасталарга ҳам даво берармиш, деган сўзлар ёйиларди. Бу хабар кимда ишонч, кимдадир шубҳа уйғотар, баъзилар эса донишманд халоскорни излаб йўлга отланарди. Шакия қабиласининг донишманди Говутама Будда ҳақидаги нажоткор хабарлар мамлакатнинг барча учмоқларига шу тарзда ёйилди. Айтишларича, унга олий ҳақиқат аён бўлган бўлиб, у аввалги ҳаётини эслай олар, Нерванага етишган, олам чархпалагидан халос бўлган ва шаклларнинг лойқа оқимига бошқа қайтмасди. У ҳақда кўплаб гўзал ва ҳайратомуз нарсалар айтилар, у гўё ёвуз иблисни енгиб, маъбудлар билан суҳбатлашганмиш ва бисёр мўъжизалар кўрсатганмиш. Говутаманинг душманлари эса уни умрининг лаззатли онларини ўтказаяётган, қурбонлик, зухду-маърифатни ёмон кўрувчи, сафсатабоз, олчоқ, йўлдан оздиргувчи, шуҳратпараст деб таъкидлашарди. Будда ҳақидаги бу эртак тотли бўлиб, ундан мўъжиза ва сеҳр ёйиларди. Умр хасталик ва ожизликда, ҳаёт эса жуда оғир эди. Шунда бир соф чашма, умид ва ишонч ваъда қилувчи мулойим бир овоз янграгандай бўлди. Будда ҳақидаги афсоналар бутун Ҳиндистон бўйлаб тараларкан, бу афсонани эшитган ёшларнинг қалбида соғинч ва умид ҳапқирар, ҳар бир йўловчи, ҳар бир мусофир бу умид, бу эзгуликни таратаркан, улар мамлакатнинг олис кишлоқ ҳамда шаҳарларидаги брахман хонадонларига азиз меҳмон бўларди.

Бу афсона Сиддхартха ва Говинда истиқомат қилувчи ўрмон саманлари орасига ҳам гўё ёмғир томчиларидек сачради ва ҳар бир томчида умид қандай барқ урса, шубҳа ҳам шундай яширин эди. Йигитлар бу афсона ҳақида кам суҳбатлашарди, чунки кекса саманлар Будда таълимотини кўпда ёқламасди. Кекса саман Говутама исмли кишининг қачонлардир зоҳид бўлиб, ўрмонда яшаган, кейинчалик дунё лаззатларига берилиб кетган деб эшитганди ва бу исм билан боғлиқ ҳамма нарсага нафрат кўзи ила боқарди.

– Сиддхартха, – деди кунларнинг бирида Говинда. – Мен бугун шаҳарда бўлдим ва бир брахман мени уйига таклиф этди. Брахманнинг уйида Магатхадан келган бир меҳмон бўлиб, у Буддани ўз кўзи билан кўрган, ўғитларини тинглаган киши экан. Унинг сўзларини эшитиб юрагим ҳапқириб кетди ва ўйлаб қолдим: мен ҳам сену-мен иккимизни қачонлардир бу авлиё

зотнинг таълимотини ўз оғзидан эшитишимизни жуда-жуда хоҳладим. Айт-чи, дўстим, унинг ҳузурига отлансак, қандоқ бўларкин?

Сиддхартха жавоб берди:

– Мен ҳамиша Говинда бу ерда саманлар орасида қолади, бу унинг мақсади, у саманларни улуғ қилиб кўрсатган барча сифатларни бекаму-кўст эгаллайди, деб ўйлардим. Бироқ энди гувоҳ бўлсам, мен Говиндани яхши билмас эканман, унинг катта қалбини кичик кўрарканман. Шундай қилиб, кадрдоним, сен Будда ўз маслагига даъват этаётган ерга отланмоқчимисан?

Говинда деди:

– Сиддхартха, майли, кўнглингга сиққанча кулақол, бироқ айт-чи, ўзингнинг юрагингда ҳам унинг даъватини эшитишга майл уйғонмадими? Ахир бир вақтлар менга “Тез кунда саманлар йўлагини тарк этаман”, деб айтмаганмидинг?!

Сиддхартха истехзо ва қайғу аралаш ўзига хос кулги билан деди:

– Дарҳақиқат, Говинда, дарҳақиқат, айтганларимни эслатиб ҳақ сўзни айтдинг. Бироқ айтган бошқа гапларимни ҳам эсла, мен таълимотлардан чарчадим ва ҳар қандай таълимот менда шубҳа уйғотади. Менинг устозларнинг ўғитларию-билимларига ихлосим баландмас, аммо, майли, сен истагандек бўлсин. Мен биз мевасини тотиб улгурган илмни эшитишга тайёрман.

Говинда деди:

– Сенинг бу сўзларинг мени қувонтирди. Лекин айт-чи, биз Говутаманинг сўзларидан баҳраманд бўлмай унинг меваларини қандай тотиб кўрамыз?!

Сиддхартха жавоб берди:

– О Говинда, ҳозирча шу билан қаноатланайлик, қолганлари ҳали олдинда. Биз тотиб улгурган мева шундаки, у бизни саманлардан халос этди. У бизга хайрлими-йўқми, олдинда буни вақт кўрсатади. Хотиржамлик ила буни вақт ҳукмига қолдирамыз.

Шу куниёқ Сиддхартха кекса саманга уни тарк этмоқчилигини айтди. У бу хабарни саманга устоз-шогирд одобига хос тарзда тавозеъ ва босиқлик ила айтди. Аммо кекса саман қаҳр отига минди. У йигитга бақириб, уни кўпол сўзлар билан ҳақорат қилди. Кўрқиб кетган Говинда қаттиқ безовталанди. Шунда Сиддхартха унинг қулоғига шивирлаб деди:

– Ҳозир мен қарияга ундан ўрганган илмимни кўрсатаман.

У саманга яқин туриб унинг кўзларига қаттиқ нигоҳ солди ва уни турган ўрнига ҳаракатсиз ҳолда михлаб қўйди. Унинг бор қувватини

синдириб, ўз иродасига бўйсундирди ҳамда ўзи истаган хоҳишларни бажаришга сўзсиз мажбур этди. Кекса саман жимиб қолди, кўзлари эса бир нуқтада қотган, иродаси синдирилган, кўллари икки ёнга шалвираб тушганди. Сиддхартханинг қудратли сеҳри уни маҳв этганди. Сиддхартханинг иродаси саманни бошқарар, у йигитлар нимани истаса, шуни сўзсиз бажарарди. Кекса саман уларга қайта-қайта таъзим этди, кўлларини гўё ярлақагандек дуога очди, сўнгра хайрли сўзлар айтиб, оқ йўл тилади. Йигитлар ҳам эзгу дуолар учун миннатдорчилик билдириб таъзим қилди ва йўлга отланди. Улар йўлда бораркан, Говинда дўстига деди:

– О Сиддхартха, сен саманлардан мен ўйлагандан кўра кўпроқ нарса ўрганибсан. Кекса саманни ўз иродасига бўйсундириш бу жуда мушкул иш. Ҳаққи рост, агар сен ўрмонда яна озроқ қолганинда борми, сув устида бемалол туришни ўрганган бўлардинг.

– Ниятим сув устида туриш эмас! – жавоб берди Сиддхартха. – Бундай мўъжизалар билан кекса саманлар шуғулланақолсин!

Говутама

Улуғ Будданинг номи Саватха шаҳридаги ҳар бир болага таниш ва ҳар бир хонадон Говутама сомеъларининг назру-ниёз учун тавозеъ билан узатилган эҳсон жомларини тўлдириб берарди. Говутаманинг сеvimли ерларидан бири шаҳар яқинида қулоч ёйган Жатавана ўрмони бўлиб, бу ўрмонни унинг ҳамда шогирдларининг ихтиёрига Будданинг ихлосмандларидан бири, бадавлат савдогар Анатха Пиндика берганди. Сиддхартха ва Говинда Говутаманинг маконини сўроқлаб юрган пайтларида бу ўрмон номи уларнинг қулоқларига тез-тез чалинганди. Мана, узоқ йўл юргач, улар Саватха шаҳрига етиб келдилар. Улар ўзларига дуч келган биринчи эшикни хайри эҳсон тилаб қоқаркан, очлигини қондирган Сиддхартха емак таклиф қилган аёлдан сўради:

– О раҳмдил аёл, бизга айт-чи, улуғ Буддани қаердан топишимиз мумкин? Биз, ўрмон зоҳидлари, у муборак зотни зиёрат қилиб, даъватларига сомеъ бўлгани келдик.

Аёл жавоб берди:

– Эй саманлар, сиз тўғри йўлдасиз. Анатха Пиндиканинг Жатавана боғидан у муборак зотни топасиз. Сиз у ерда тунда қолишингиз ҳам мумкин, чунки Жатаванада сиз каби олис юртлардан Будда ўғитларини тинглаш учун келган зиёратчиларга жой топилади.

Қувониб кетган Говинда ҳайқирди:

– О қандай бахт, мақсадимизга етдик, сафаримиз қариди. О мусофирлар онаси, айт-чи, сен Буддани танийсанми? Уни ўз кўзинг билан кўрганмисан?

Аёл жавоб берди:

– Мен у муборак зотни жуда кўп марта кўрганман. Мен уни сариқ либосда йўлак бўйлаб кетаётганини, уйларнинг эшигига жимгина эҳсон жомини тутганини, одамлар унинг жомини хайр-садақага тўлдириб берганини ҳам кўрганман.

Говинда бу сўзларни чуқур хайрат ичра тинглади. Агар Сиддхартха уни шоширмаганда у аёлдан яна кўп нарсаларни сўраб, кўп нарсаларни тинглаган бўларди. Улар миннатдорчилик билдириб, аёл билан хайрлашди. Будда хузурига келган руҳонийлар, зиёратчилар билан бирга Жатавана ўрмонига йўл олишди. Кеч бўлишига қарамай, ўрмон одамлар билан тўла эди. Олиси-яқиндан келган йўловчилар шовкин-сурон, ғала-ғовур кўтариб, ётоққа ҳозирланишарди. Ўрмон ҳаётига кўниккан икки зоҳидлар жимгина ўзларига қулай жой топиб уйқуга кетишди.

Улар тонг отиб уйғонгач, бу ўрмондан кўплаб ихлосмандлар, қизиқувчилар, зиёратчилар бошпана топганлигидан хайрон қолишди. Сариқ либос кийган руҳонийлар серҳашам боғ йўлакларида сайр қилар ёхуд дарахт соясида илоҳиётдан суҳбат қуриб ва ёки зикр айтиб ўтирарди. Кишиларнинг ғала-ғовурига чўмган бу серсоя боғ улкан асалари уясини эслатарди. Кўпгина руҳонийлар одатдаги кунда бир маҳал емаклик учун эҳсон жомларини кўтарганча шаҳар томон отланишарди ва улуғ устоз Будда ҳам ўз одатига кўра кунда бир маҳал бу ғарибона одатни бажо келтирарди.

Сиддхартха Буддани кўрган заҳотиёқ гўё унга Парвардигорнинг ўзи ишорат этгандек уни таниди. Сариқ либосдаги оддийгина руҳоний кўлида эҳсон жомини тутганча йўлак бўйлаб жим кетарди. “Қара, – деди Сиддхартха шивирлаган кўйи Говиндага, – мана, у Будда!”

Говинда юзлаб руҳонийлардан сира ҳам фарқ этмайдиган, сариқ увада кийган оддий йўловчига диққат ила қаради. Ниҳоят, у ҳам уни таниб: “Ҳа, худди ўзи”, – деди. Йигитлар Буддадан кўз узмаган ҳолда унга эргашишди.

Будда эса ўйга толганча ўз йўлида давом этар, унинг юзида на ғам, на шодлик акс этарди. У гўё ичида мулойимгина кулиб тургандек таассурот уйғотарди. Будда соф, беғубор гўдак каби сирли табассум қилганча, сокин ва осуда борар, у бошқа руҳонийлардан фарқ қилмас, ўшандай либосда, муқаддас китобларда ёзилгандек, ўшандай қадам ташлар, бироқ унинг юзи, одимлари, тавозеъ ила пастга қараган кўзлари, икки ёнга беихтиёр тушган кўллари, бу кўлдаги бармоқлар безовталиқ ҳамда турли изланишлардан холи мутлақлик ва осудалиқдан гувоҳлик берар, боқий ҳамда сўнмас, самовий ҳаловатга чўмганди. Говутама назру-ниёз учун шаҳарда шу тарзда бораркан, икки саман унинг ташқи қиёфасидаги мутлақ сокинлик, турли истаклар, изланишлар, эҳтиёжмандликдан холи хотиржамликдан, ундаги нур ва осудалиқдан таниши мумкин эди.

– Бугун биз унинг суҳбатидан баҳраманд бўламиз, – деди Говинда.

Сиддхартха жавоб бермади. У кўпда ўзига ҳам, Говиндага ҳам маълум бўлган, одамлар лоф уриб гапирётган бу таълимотга қизиқмас, ҳатто бу илм унга янги нарса беришига ҳам ишонмасди. Лекин у Говутаманинг боши, елкалари, оёқлари, ҳаракатсиз кўлларига диққат билан қараркан, унинг ҳар бир бўғимларида, бармоқларида, кўлларида буюк бир илм борлигини, ҳақиқатнинг муаттар нафаси таралиб турганини ҳис этарди. Бу инсон, бу Будда бошидан оёқ ҳақиқатга чўмганди, бу инсон, дарҳақиқат, авлиё эди. Сиддхартха ҳеч кимни ҳеч қачон бу қадар ҳурмат қилмаган ва ҳеч кимни бу қадар севмаганди.

Йигитлар Буддани шаҳаргача кузатиб, ўзлари жимгина ортга қайтдилар. Чунки улар бугун ўзларини овқатдан тийгандилар. Улар Говутамани ортга қайтганини, гарчи емаги бир қушни тўйдирмаси ҳам, шогирдларининг даврасида овқатланаётганини, сўнгра унинг мангозорларнинг соясига кириб кетганлигини кўришди. Улар кеч кириб жазираманинг ҳовури бир оз тинган, Жатавана ўрмони жонланиб, ҳамма Будда сари юзланган вақт унинг овозини эшитди. Унинг овози ўшандай тиниқ, осуда ва хотиржамликка тўла эди. Говутама азоб, укубат ҳақида, азобнинг пайдо бўлиши ва уни енгишнинг йўллари тўғрисида гапирарди. Унинг аниқ ва тиниқ овози гўё булоқ каби майин оқарди. Дунё изтиробларга тўла, яшаш оғир, бироқ азоблардан халос бўлишнинг йўли топилган. Халос бўлиш эса Будда йўлидагиларни кутарди. У юмшоқ, лекин қатъий овоз ила тўрт ҳақиқат, саккиз йўл ҳақида таълим берар, у сабр билан керакли мисоллар келтириб, таълимотининг мазмунини баён этар, асосий ўғитларни такрорлар, унинг сокин овози сомеъларнинг боши узра енгил учар, гўё нур, гўё юлдузли осмондек порлаб турарди. Тун ярмига етиб, Говутама ўз сўзини яқунлагач, зиёратчилардан баъзилар олдинга чиқиб, жамоага қабул қилинишни ва маърифат йўлига тайёрликларини айтди. Говутама уларни: “Мана, илмни эшитингиз, мана, у сизларга етди. Келинг, барча изтиробларга чек қўйинг”, – дея қабул этди. Шу вақт бирдан Говинда, мулойимгина, журъатсиз Говинда олдинга чиқди-да деди:

– Мен ҳам улуғ зот ва унинг илмига ўз ихтиёримни топшираман!

Жамоага қабул қилинишни сўради ва қабул қилинди.

Будда дам олиш учун сомеъларни тарк этган заҳоти Говинда Сиддхартхага юзланиб ҳаяжон ичра деди:

– Сиддхартха, сени маломат қилмоқчи эмасман, иккимиз ҳам улуғ зотни тингладик, иккимиз ҳам унинг илмидан баҳраманд бўлдик. Говинда бу илмни эшитиб, ундан ҳаловат топди. Бироқ сен, энг муносиб киши, халос бўлиш йўлидан бормайсанми? Нега пайсалга соляпсан? Ё ҳали ҳам нимадир кутяпсанми?

Сиддхартха Говинданинг сўзларини тингларкан, гўё уйқудан чўчиб тургандай бўлди. У дўстининг юзига узоқ тикилди, сўнгра ғамгин ва майин овозда деди:

– Говинда, дўстим, мана, сен биринчи қадамингни кўйдинг, ўзинг учун тўғри йўлни танладинг. О Говинда, сен мен учун ҳамиша дўст эдинг, мен билан кадамма-қадам бирга юрдинг, мен доим Говинда ўз юрагига қулоқ солиб, мустақил қадам ташлай оладими, дер эдим. Мана, ниҳоят, сен ўзинг учун мустақил йўл танлаб ҳақиқий эркакка айландинг. О дўстим, бу йўлни сўнгигача босиб ўтишингни тилайман, халос бўлишга етишингни тилайман.

Нималар бўлаётганини яхши англамаган Говинда тоқатсизланиб такрор сўради:

– Айтақолсанг-чи, кадрдоним, айт, бошқача бўлиши мумкин эмас, ахир сен ҳам Будда йўлига таслиммисан?

Сиддхартха унинг елкасига кўлини кўйди:

– Сен менинг ўтинчимни эшитмадинг, о Говинда, мен такрор айтаман, бу йўлни сўнгигача босиб ўтишингни истайман. Халос бўлишга етишингни тилайман.

Шу ондаёқ Говинда дўстидан айрилганини англади ва йиғлаб юборди.

– Сиддхартха... – деди у ҳомуш оҳангда.

– Ёдингдан чиқарма, Говинда, энди сен Говутаманинг саманлари сафидасан. – деди Сиддхартха мулойимлик ила. – Сен юртингдан, ота-онангдан, насабингдан, мол-давлатингдан, ихтиёрингдан ва дўстликдан воз кечмоғинг керак, бу йўл шуни талаб қилади, улуғ устоз шуни истайди. Мен эса сени эртагаёқ тарк этаман.

Дўстлар ғамгин ҳолда узоқ вақт ўрмонда дайдиб юрди ва узоқ вақт уларнинг кўзига уйқу келмади. Говинда ёлвориб дўстидан нима учун Будда йўлига кирмаганини, бу таълимотдан қандай нуқсон кўрганини тушунтиришни такрор-такрор сўрарди. Сиддхартха уни тинчлантираркан, жавоб беришдан ўзини тиярди.

– Беговта бўлма, Говинда, бу чиндан ҳам тўғри йўл. Мен кимманки бу йўлдан нуқсон топсам?!

Эртаси куни тонгда Будданинг издоши, кекса руҳонийлардан бири ўрмонга келиб, жамоага янги қабул қилинганларга сариқ либос тарқатди ва уларни жамоада риоя этиладиган талаблар билан таништирди. Говинда титраб кетди, у болалиқдан кадрдон дўстини сўнги бор бағрига босди ва сомеълар жамоасига қўшилди. Сиддхартха эса чуқур хаёлга толганча ўрмон ёкалаб юриб кетди.

Кутилмаганда унинг қаршисида улуғ устоз Говутаманинг ўзи кўринди. Унинг нигоҳлари меҳрибонлик ва хотиржамликка тўла эдики, бундан қаршисидаги йигит завқланди ва дадилланиб ундан сўзларига қулоқ солишини сўради. Улуғ устоз маъқул дегандек бош ирғади. Сиддхартха деди:

– О улуғ зот, кеча мен сенинг хайратомуз илму-маърифатингдан баҳраманд бўлдим. Уни тинглаш учун бу ерга мен дўстим билан узоқлардан келдим. Дўстим сенда ўз ҳақиқатини топди ва у ҳозир сенинг ихлосмандларинг орасида. Мен эса ўз йўлимда давом этмоқчиман.

– Сенга шу маъқул бўлса, майли, – мулойимлик ила деди улуғ Будда.

– Ҳозир айтмоқчи бўлган сўзларим кескин бўлиши мумкин, – сўзида давом этди Сиддхартха. – Бироқ мен бу улуғ зотга ўз сўзимни очиқ ва рост айтмай туриб у билан хайрлашгим йўқ. Шунинг учун бу муҳтарам зотнинг яна бир оз вақтини олсам майлими?

Будда маъқул ишорасини қилиб бош ирғади.

– О муҳтарам устоз, таълимотингдаги фақат бир жиҳат мени бошқаларидан кўра кўпроқ хайратга солди. Унда ҳаммаси очиқ ва ҳаммаси исботланган. Сенинг таълимотингда олам мутлақ узвий занжир каби намоён бўлади. Гўё сабаб оқибатнинг қандайдир мангу изчиллигидек туюлади. Бу узвийлик ҳали бу қадар очиқ, равшан айтилмаган, ҳали бу қадар рад этиб бўлмас ҳолда далилланмаган. Дарҳақиқат, сенинг таълимотинг ила оламни мутлақ узвийликда, бирор нуқсонсиз, биллур каби тиниқ, тасодиф ва маъбудларнинг иродасидан холи кўраркан, ҳар бир брахманнинг қалби шодланмоғи керак. Бу олам яхшими? Ёмонми? Ундаги ҳаёт ташвишлими ёки қувончлими? Майли, бу саволлар жавобсиз қолсин, майли, бу маънисиздек кўринсин, лекин оламнинг яхлитлиги, ундаги ҳодисаларнинг боғлиқлиги, катта-кичик ҳамма нарсени бир оқимга – туғилиш, ўлим, бунёд бўлиш каби сабабият қонунига бўйсунуши – буларнинг барчаси сенинг таълимотингда жуда гўзал ифодаланган, о улуғ устоз. Бироқ сенинг наздингдаги яхлитлик ва мантиқийликда кичик бир узилиш бор. Бу оламга кичик бир туйнукдан аввал ҳам, кейин ҳам исботлаб ҳам, кўрсатиб ҳам бўлмайдиган, янги, бегона оқим кирмоқда. Сенинг дунё ғамларини енгиш, халос бўлиш ҳақидаги қарашларинг кичик бир туйнук, кичик бир тирқиш каби ягона, мангу борлиқ қонуниятининг биносига путур етказмоқда. Сенга қаршилиқ билдиришга журъат этганим учун мени кечир.

Говутама йигитнинг сўзларига жим, ҳаяжонга берилмай қулоқ солди. Мана, ниҳоят, унинг меҳрибон, мулойим ва тиниқ овози янгради:

– Сўзларимни тинглаб, унга диққат берганинг учун сенга хайр бўлсин, эй брахманзода. Сен ундаги заиф ўринни, хатони илғабсан. Закийлигинг маъқул, лекин илмда очкўзликдан, беҳуда баҳс ва муҳокамалардан сақлан. Чунки беҳуда муҳокамалардан наф кам, улар маъноли ёки бемаъни, доно ёки

аҳмоқона бўлиши мумкин, хоҳлаган киши уларни рад этади ёхуд қабул қилади. Сен эшитган илм – бу менинг ҳукмим эмас, унинг мақсади билимдонларга борлиқни тушунтириш ҳам эмас, у бошқа мақсадни кўзлаган, азоб-уқубатлардан халос бўлиш фақат шу. Фақат шундангина Говутама таълим беради. Бошқа нарса эмас.

– Мендан жаҳлинг чиқмасин, о мухтарам устоз! – деди йигит. – Мен бу сўзларни сен ила бахслашиш, талашиниш учун айтганим йўқ. Дарҳақиқат, беҳуда бахсдан наф кам, дея тўғри айтдинг, лекин ижозат берсанг, яна бир сўз айтай. Мен бир он бўлса ҳам, сенга шубҳа қилмадим, бир он бўлса ҳам, сенинг Будда эканлигинга, минглаб брахманлар ва уларнинг болалари етмаган олий мақсадга етганинга шубҳа қилмадим. Сен ўлимдан халос бўлиш йўлини топдинг, сен бу йўлни ўз зуҳдинг, ўз мушоҳаданг, ўз риёзатинг, ўз орифлигинг, ўз йўлинг билан топдинг. У сенга илм билан келмади ва ўйлайманки, ўқиб-ўрганиш ила унга етиб бўлмайди. О улуғ зот, сен бирор кишига ҳақиқатга эришган онингни сўз билан, билим билан англаиб бера олмайсан. Ориф Будданинг йўли ўзида кўп билимларни жамлагандир, у кўп нарсаларга, тўғри яшашга, ёвузликдан қочишга ўргатар, бироқ унда, шу қадар соф ва мукамал бўлишига қарамай, бир нима етишмайди. Бу ҳам бўлса, улуғ устознинг мутлақликка эришган онидаги хис этган сиридир. Мана, сенинг сўзларингни тинглагач, мени ўйга толдирган нарса. Мана, шунинг учун ўз йўлимда давом этмоқчиман, мен бошқа бир яхшироқ маслак излаш мақсадидамас (бундай маслак йўқлигини ҳам яхши биламан), ҳар қандай устозлару-илмларни қўйиб, ўз муродимга ўзим етиш ёхуд ўлиш учун кетмоқчиман. Бироқ, о улуғ устоз, мен ўз кўзларим билан авлиёни кўрган бу кунни ҳар вақт ёдимда тутаман.

Будданинг кўзлари ерга қадалган, унинг сирли ва хотиржам юзида майин нур порларди. У аста сўз бошлади:

– Ақлинг сени янглиштирмасин, илоҳим, мақсадинга етгин. Аммо айтчи, бу йўлни нажот йўли деб топган саманларни – менинг минглаб биродарларимни кўрдингми? Ўйлайсанки, ёш саман, улар бу йўлни тарк этиб, дунё ҳаётининг беҳудаликларига кетсинми?!

– О, мен бундай фикрдан мутлақо йироқман! – деди Сиддхартха. – Улар бу маслакка содиқ бўлсин, улар мақсадига етсин. Мен бошқалар ҳаётини муҳокама этмайман, фақат ўзим учун, ўзим учун қарор қила оламан, ўзим учун рад этиб-тасдиқлайман, о улуғ устоз! Биз саманлар нафсдан халос бўлишни ўрганамиз. Агар мен сенинг издошларингдан бири бўлганимда, о мухтарам зот, мендаги нафснинг маҳв этилиши ёлғон бўларди. Унинг йўқ бўлиши ҳаёлий туюларди, у яшашда, улғайишда давом этарди, чунки бу илм, дўстларим, сенга бўлган муҳаббатим, руҳонийлар жамоаси – буларнинг бари менинг нафсимга айланарди.

Говутама очик чехра ила нотаниш йигитнинг кўзларига кулиб қаради ва у билан сезилар-сезилмас бош ирғаб хайрлашаркан деди:

– Ақлинг бало сени, саман, сўзга ҳам чечан экансан. Бироқ ортиқча билимдан сақлангин!

Будда Сиддхартханинг хотирасига майин қарашини ва ним табассумини бир умрга муҳраб кетди.

– Мен ҳеч қачон бундай кишини учратмаганман, – ўйлади Сиддхартха. – Бу каби қараш, бу каби табассум қиладиган, бу каби ўтириш, бу каби юриш – қани энди, мен ҳам шундай қарасам, шундай кулсам, ўтирсам, қадам ташласам, шундай улуғвор, эркин, оддий, болалардек оддий ва айни пайтда сирли. Дарҳақиқат, ўз Менининг яширин чегараларигача кира олган одамгина бундай кулади, қадам ташлайди. Яхши, унда мен ҳам ўз Менимнинг яширин чегарасига киришга уринаман. Фақат биргина одамни кўрдим, мен қаршисида бошимни эгган ягона кишини учратдим. Бундан буён ҳеч кимнинг қаршисида бош эгишни истамайман. Шу инсоннинг маслағига кирмадимми, бошқа бирор-бир маслак мени ўзига жалб эта олмайди. Будда мендан тортиб олди. – ўйларди Сиддхартха. – Йўқ, у мендан олди, аммо кўпроғини берди. У мени айни пайтда унга содиқ бўлган садоқатли дўстимдан, ҳозир унинг соясига айланган менинг соямдан айирди. Бироқ у Сиддхартхага, яъни менга ўзимни ҳадя этди!

УЙҒОНИШ

Сиддхартха улуғ Будда ва Говинда қолаётган ўрмонни тарк этаркан, бу ерга ўзининг бир парчасини ташлаб кетаётганини ҳис қиларди. У шу ҳислар оғушида кетиб бораркан, унинг хаёллари сабаблар яширинган ҳислар тубига гўё сувга шўнғигандек олиб кетар, бу сабаблар билими унга тафаккур бўлиб кўринар, айнан тафаккур орқали ҳислар ўз моҳиятини тўлиқ намоён этадиган, йўқолмайдиган, мангу барҳаёт билимга айланарди. Сиддхартха ўйларди, у ўрмондан аста-секин узоклашаркан, энди ўспирин Сиддхартха йўқлигини, унинг ўрнида эр киши пайдо бўлганини англади. У гўё илон эски пўстини тарк этгандек, уни ҳам ҳаётининг бир бўлаги, болаликдан ҳеч айрилмас йўлдоши, устоз кўриш ва толиби илм бўлиш истаги тарк этганди. У йўлида учраган сўнгги устоз, улуғ донишманд, авлиё Буддани ҳам тарк этмоғи ва унинг таълимотидан ҳам воз кечмоғи шарт эди.

Сиддхартха хаёллар оғушида аста борарди. У ўз-ўзидан сўради: “У нимаки, илм ва муаллимлар сени ўқитиши керак бўлгану, аммо улар шунчалик олим бўлишларига қарамай, уни сенга уқдира олмаган?” Ниҳоят, у шуни англади: “Мана Мен, мен моҳият ва мазмунига етмоқчи бўлган илм. Мана Мен, мен воз кечиб, енгиб ўтмоқни истаган, бироқ енга олмаган нимарсам. Уни алдаш, ундан қочиш, яшириниш – мана, мени оз бўлса-да, бажара олган ишим. Дарҳақиқат, ер юзида бошқа ҳеч нарса мени бу ўзлимим, бошқалардан алоҳида Сиддхартха эканлигим, бу оламда яшашим, бу сир, бу мўъжиза мени бу қадар йўлга солмаган ва бу оламда менинг энг кам билганим ҳам бу Сиддхартха – менинг ўзимдир!”

У бу фикрга келаркан, ўрнида қотиб қолди. Унинг миясига дастлабки фикрнинг ортидан бошқа янги фикр келди: “Демак, ўзим ҳақимда ҳеч нима билмас эканман, демак, Сиддхартха ҳамон мен учун бегона ва нотаниш экан, бу ҳолнинг сабаби битта: мен ўз-ўзимдан ниҳоятда кўрққанман, мен ўз-ўзимдан қочишга уринганман, мен Атманни изладим, мен брахманни изладим, мен ўзлигимни минг бўлақларга бўлиб, унинг қат-қатларини сидириб ташлаб, унинг тубсизликларидан Атманни, илоҳийликни, ҳаётни, сўнгсиз нимарсани изладим, оқибат, ўз-ўзимни йўқотдим!”

У кўзларини катта очганча атрофга аланглади. Унинг юзида табассум жилваланарди. Узоқ уйқудан уйғонгандек бир ҳис уни бошдан оёқ қамраб олди ва у гўё шошилишч бирор ишни кўзлагандек югуриб кетди. У халлослаб бораркан ўйларди: “О, мен энди Сиддхартханинг мендан кетишига йўл қўймайман, мен энди ўз ақлимни Атман ва дунё изтироблари ила банд этмайман, мен энди яширин хилқат излаб, руҳимни бўлақлаб барбод қилмайман, мен энди зоҳидлардан бошқа бирор кишидан таълим олишни истамайман, менга на ёга-веда, на атхартха-веда, на бошқа илм керакмас, мен энди ўз-ўзимни ўрганаман, ўзим толиб, ўзим муаллим бўламан, Сиддхартханинг асрорига етаман!”

У атрофга гўё борлиқни биринчи бор кўриб тургандек қаради. Борлиқ гўзал, рангоранг, сирли ва ажабтовур эди.

Мана, яшил ранг. Бунда олтин ҳамда зумратранг бор. Осмон мусаффо, дарёлар оқмоқда, ўрмон ва тоғлар мудрамоқда, буларнинг ҳаммаси гўзал, сеҳрли ва сирли эди. Бу ғаройиботлар орасида эндигина уйғонган Сиддхартха ўз мени сари йўл оларди. Буларнинг барчаси унинг қалбига гўё илк бор кириб боргандек бўлди. Ўрмон ва дарёлар, яшиллик ва олтинранг энди Мара жодуси ёки Мая ниқоби эмасди ёхуд яққалик излаётган брахманнинг наздидаги ўткинчи оламнинг турфа хил бемаъни ва беқарор ҳодисотлари каби кўринмасди. Яшиллик яшил, дарё эса дарё эди. Агар Сиддхартха буларда кўринмас илоҳий ибтидонинг борлигини англаган бўлса, дарҳақиқат, буларнинг барида илоҳий моҳият бор эди. Бу илоҳийлик ўрмонда, дарёда, яшилликда қанчалик акс этса, Сиддхартхада ҳам шу қадар тажалли топганди. Нарсаларнинг моҳияти улардан ташқаридамас, айнан уларнинг ўзида эди.

У катта-катта қадам ташлаб бораркан, нақадар нодон ва ҳиссиз бўлган эканман, дея ўйларди.

Илоҳий саҳифаларни ўқувчи кишилар ундаги туб моҳиятни англаш мақсадида ҳарф ва белгиларни инкор этмайдилар, бу белгиларни алдамчи ва чалғитувчи қобиқ деб атамайдилар, аксинча, улар бу саҳифаларни эҳтиром ҳамда муҳаббат ила мутолаа этадилар. Мен эса ҳаёт китобини, ўз мавжудлигимни ўқийман деб, ишора ва белгиларни қандайдир арзимас, аввалдан ўйлаб топилган нарсалар дея писанд этмадим. Мен борлиқни ёлғон ҳодисот дедим, ўз кўзим ва ўз тилимни ҳеч нимага қор келмайдиган

чалғитувчи нарсалар дея атадим. Йўқ, энди сира бундай бўлмайди. Мен уйғондим, дарҳақиқат, кўзим очилди. Мен эндигина ҳаётга келдим!

Сиддхартха буларни ўйларкан, гўё йўлидан илон чиққан одамдек қотиб қолди. У, ҳақиқатдан ҳам, ўз-ўзига худди уйқудан уйғонгандек, қайта туғилгандек кўринар, энди ҳаётини бошидан, янгитдан бошламоғи шарт эди.

У ўрмондан, улуғ устоз даргоҳидан кетган, ўзини англаб, ўзи сари йўл олган бу тонг зоҳидлик ҳаётидан кетиб, отасининг ҳузурига бориш унга энг тўғри йўл бўлиб кўринди. Гўё унинг йўлидан илон чиққандек туюлган айни шу онда идрокини туманлаштираётган яна бир ҳақиқатни кашф этишга ҳалал бераётган уйқу қолдиқларини сўнгигача ўзидан улоқтирди.

– Ахир мен энди бошқа одамман, ахир мен энди на зоҳид, на руҳоний ва на брахманман. Отам ҳузурида нима қиламан?! Яна илм, қурбонликлар, зикр этаманми?! Ахир бу нарсаларга барҳам бердим-ку, ахир булар менинг йўлимдан буткул холи-ку!

Сиддхартха қимир этмади. Бир лаҳза, бир оннинг ичида унинг кўксидаги юраги худди куш ёки қаровсиз ҳайвон боласидек совуққотди. Шунда у ҳадсиз, худудсиз ёлғиз эканлигини англади. Кўп йиллардан буён у ватансиз эди ва буни ҳис этмасди ҳам. Энди эса у буни ҳис этди. У ҳар вақт, ҳатто ўз руҳига сайр этиб зикр қилган онда ҳам, отасининг ўғли, икки бор туғилган дея аталувчи олий табақа брахманзода эди. У чуқур хўрсиниб, совуқдан жунжукди. Ҳозир оламда у каби ёлғиз йўқ эди. На олий зотлар, на ҳунармандлар орасида бу каби ёлғиз одам йўқ эди. Зотан улар ўзларига ўхшаш кишилардан нажот топар, бирга ҳаёт кечирар, бир тилда сўзлашарди. Ягона табақага бирлашган брахманлар орасида ҳам, биродарлари орасида нажот топаётган саманлар ичида ҳам бу каби ёлғиз банда йўқ эди. Ҳатто ўрмондаги ёлғиз зоҳид ҳам бу қадар ёлғиз эмасди. Чунки унинг бошпанаси, ўзи каби биродарлари бор эди. Говинда руҳоний бўлиб, бир хил либос кийиб, бир хил эътиқод ва бир тилда сўзлашувчи минглаб биродарларга эга бўлди. У, Сиддхартха-чи, қайси табақага мансуб? Унинг ҳаёти кимнинг ҳаёти? Унинг тили кимнинг тили бўлади?

Бу совуқ ва оний лаҳзада гўё олам ундан юз ўгираркан, у ўз ёлғизлиги билан тунги самодаги якка юлдузга ўхшар, шафқатсиз хаёллар уни ўз домига тортаркан, Сиддхартха мутлақ бошқа одамга айланганди. У мустаҳкам қобиққа ўралиб, ўзини ўз Менига жуда яқин туярди. У буларнинг ҳаммаси уйғонишнинг сўнгги жунжукиши, туш ва уйғоқлик орасидаги сўнгги чегара, туғилишнинг сўнгги титроғи эканлигини англади. У олдинга қараб шошилганча тоқатсизланиб юриб кетди. Энди унинг мақсади Жатавана ўрмонида қолган аввалги ҳаётидан қанча узоқ бўлса, отаси ва қадрдон уйидан ҳам шунча узоқ эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Камала

Сиддхартхага ҳар қадамда мўъжиза дуч келар, олам унинг қалбини сеҳрлаб қўйгандек эди. У ўрмон қоплаган тоғларнинг ортидан қуёшнинг чиқишини, унинг олис соҳил бўйида ўсган палмазорларнинг учида қизариб ботишини кузатарди. У юлдузлар сочилган тунги осмон бўйлаб ойнинг сузишини, дарахтларни, юлдузларни, булутларни, камалакни, қояларни, ўт-ўланларни, гулларни, дарё ва жилғаларни, буталарни қоплаган тонгги шабнамларнинг нур сочишини, олисдаги мовий тоғларни томоша қиларди. Қушлар сайраб, асаларилар визиллар, шамол шолизорларга кумушранг сепар, бу минг бир қиёфа, минг бир ранг доим бор эди. Қуёш ва ой доим нур сочган, дарёлар шовуллаб, асаларилар визиллаганди, аммо олдин буларнинг ҳаммаси Сиддхартханинг ишончсиз нигоҳларида ўтиб бўлмас тўсиқ, алдамчи ва қуюқ парда, ақл кучи билан тарқатилиши лозим бўлган туман эди, холос. Чунки унинг муддаоси зоҳир нарсаларнинг ортидаги моҳият эди. Энди унинг уйғоқ кўзлари яна қадрдон яқин нарсаларга тикиларди. У ўзига аён бўлган борлиққа ютоқиб қараркан, уни англашни, бу ерни ўзига макон этишни истар, турли йўлларни излашни, бошқа бегона оламларни унутганди. Уни ўраб турган борлиқ бирор нима кашф этишни, очишни қўйиб, шунчаки бола кўзи билан боққанда жуда гўзал эди. Ой ва юлдузлар, дарё ва соҳиллар, қоя ва ўрмонлар, кўзилар ва қўнғизлар, гуллар ва капалаклар – барча-барчаси ниҳоятда гўзал эди. Йўлингда учраган нарсага кўксингни очиб, болалардек беғубор, тетик, шунчаки ерда қадам ташлаш бағоят соз ва қувончли эди. Қуёш ҳам бошинг узра ўзгача нур сочар, ўрмон ҳавоси ҳам бошқача, банан ва ковокнинг таъми ҳам аввалгиларга ўхшамас, дарё ва кўзадаги ёмғир сувлари ҳам ўзгача туюларди. Кунлар ҳамда тунлар қисқарган, ҳар дақиқа, ҳар он худди хазина тўлдирилган кеманинг елканлари каби бахтиёр учиб борарди.

Сиддхартха ўрмон дарахтларининг баланд шохларида шовқин кўтарган маймунлар галасини кўрди, уларнинг ёввойи қичқирикқа тўла қўшиқларини тинглади. У совлиқ ортидан чопаетган қўчқорни, болалаётган қўйларни кўрди. У кунботарда қамишлар ўсган қўл устида шиддат ила сузаётган балиқлар галасининг шафақ нурида ялтираб сув узра қалқиганини, ўйноқлаётган йирткич балиқларнинг изидан кўпик ҳосил этиб чайқалаётган сувни кўрди. Буларнинг ҳаммаси азалдан бор эди, аммо олдин унинг кўзлари ҳеч нимани кўрмаган ва у гўё бу ерларни узоқ вақт тарк этгандек эди. Бирок у яна шу борлиққа қайтиб, унинг бир бўлагига айланган, нур ва сояга менгзаган, кўксини ой ва юлдузларга очганди.

Сиддхартха йўлда бораркан, Жатавана боғида нималар бўлганини, илоҳий Будда ва унинг таълимотини, Говинда билан видолашувни, улуғ устознинг суҳбатини, ўзининг унга айтган ҳамма сўзларини ўйлади ҳамда ўзи моҳиятан мутлақо билмаган нарсалар ҳақида сўзлаганини ҳайрат ила эслади. У Говутамага орифлик, яширин қалб жавҳари, унинг сири илм эмаслигини, бу қандайдир тушунтириб бўлмас ҳол эканлигини, олий ҳақиқатга етиш онийлигини эслади ва Сиддхартха айнан шу ҳолни излаб қачонлардир йўлга

отланганини ҳамда унга эришмоқчи бўлганини кўнглидан ўтказди. Энди эса у ўз ҳақиқатига етмоғи керак. Ҳа, у аввалданок ўз илоҳий Мени Брахман ва Атманнинг мангу тажассуми эканлигини биларди. Бироқ унинг илоҳий Менни излашга бўлган уринишлари ҳамиша беҳуда бўлди. Чунки у бу ҳолни ақл тўри ила овламоқчи бўларди. Албатта, илоҳий Мен жисм ёки ҳислар ўйини эмасди, бироқ афсуски, у тафаккур, ақл, донишмандлик ёрдамида эгалланадиган илм ёки олинган билимлар ипидан фикр тўрини тўқишни машқ этадиган санъат ҳам эмасди. Йўқ, бу жамики ғоялар олами унга илоҳий олам йўлларини очмас, у ўзининг нафсини ўлдираркан, бошқа мақсадларга олиб бормас, чунки у ҳамон ўз нафсини илм ва фикрлар билан тўйғизарди. Уларнинг ҳар иккиси: илм ва ҳиссийлик ҳам жозибатор нарсалар эди. Унисиди ҳам, бунисиди ҳам ғараз яширинган, унисини ҳам, бунисини ҳам тинглаш, писанда этиш, кадрлаш ҳамда ҳар икковида ҳам яширин зотнинг овозини эшитиш, у билан бирга ўйнашиш мумкин эди. Бундан буён унга шу овозгина ҳоким бўлади, у энди шу овоз буюрган йўлдангина юради. Ахир нега Будда кунларнинг бирида, муқаддас, энг муқаддас лаҳзада Ботха дарахтининг остига чўкди ва у нурланди, чунки у ўз қалбининг овозига қулоқ солди, унга бўйсуниб ҳордиқ учун шу дарахт остини танлади ва шу овоз остиди у барча риёзатларини, қурбонликларини, покланишу-ибодатларини, емак ва ичмакни, туш ва унутишни ёдидан кўтарди. Ўз қалбининг овозига бундай мутеълик, унинг иродасига шайлик – бу олий эзгулик ва заруриятдир.

Тун чоғи қайиқчининг дарё бўйидаги похол кулбаси ёнида Сиддхартха туш кўрди. Унинг қаршисиди зоҳидларнинг сариқ либосини кийиб Говинди турар, унинг юзи қайғули, сўзлари ундан-да ғамли эди:

– Нега мени ташлаб кетдинг?

У Говиндани бағрига босиб, уни ўпди. Энди Говинди аёлга айланган, унинг кўйлаклари бурмасидан ярим яланғоч кўкраклари кўриниб турар ва Сиддхартха аёлнинг кўксига лаб босиб, ундан тўйиб қонар, сут эса тотли ҳамда куч бахш этарди. Бу аёл ва эркак жисмининг, қуёш ва ўрмон нафасининг таъми бўлиб, ер юзидаги барча гиёҳлару-мевалардан тайёрланган бир оби ҳаёт эди, у кишини маст этиб, ақлдан оздирарди. Сиддхартха уйғонди. Кулба ёнида дарё оқариб кўринарди. Ўрмон ичкарасидан эшитилган бойкушнинг майин куйи дарёнинг шовуллашига кўшилиб кетди.

Тонг отгач, Сиддхартха кулба хўжайинидан уни дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиб кўйишини сўради. Қайиқчи ўзининг бамбукдан ясалган қайиғида у билан бирга дарёнинг нариги қирғоғига сузди. Дарёнинг кенг ойнадек тиниқ сувида тонгнинг қизғиш шафақи сўниб борарди.

– Гўзал дарё, – деди Сиддхартха шеригига.

– Ҳа, бу жуда гўзал дарё, – жавоб берди қайиқчи. – Мен бу дарёни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ яхши кўраман. Мен унинг овозини тез-тез

эшитиб тураман, кўзларига қараб, ундан кўп нарсаларни ўрганаман. Ҳа, дарёдан кўп нарса ўрганиш мумкин.

– Сендан миннатдорман, – деди Сиддхартха қирғоққа чиқаркан. – Менда сенга беришга на пулим, на бир совғам бор, кадрдон дўстим. Мен брахман ўғли мусофир бир саманман.

– Кўриб турибман, – деди қайиқчи.

– Шунинг учун сендан на совға, на тўлов тама этмайман. Ёнимга бошқа сафар совға билан келарсан.

– Сен бунга ишонасанми? – деди Сиддхартха унга кулиб.

– Албатта, ҳамма нарса қайтувчидир. Буни ҳам менга дарё ўргатган. Барча нарса қайтади ва сен ҳам, саман, яхши бор. Дўстлигинг мен учун тўлов бўла қолсин. Худоларга қурбонлик келтираётганингда мени ҳам ёдингдан чиқарма!

Улар хайрлаша туриб бир-бирларига кулиб қўйишди. Сиддхартха кулибгина йўлида давом этаркан, кўнгли очик, хушмуомала бу қайиқчи тўғрисида ўйлар ва у билан дўстлашганидан қувонарди. “Бу одам Говиндага жуда ўхшаркан. – ўйларди у жилмайиб. – Йўлимда учраган ҳамма Говиндага ўхшайди. Ҳамма мендан меҳрибонлик кутмаган ҳолда менга меҳрибонлик қилади. Ҳамма менга дўстона қўл чўзади, менинг ихтиёримга бош эгади ва ортиқча ўйлар билан ўзини қийнамайди. Уларнинг ҳаммаси гўдакларга ўхшайди”.

Пешин чоғи у кичик бир қишлоққа келди. Пахса деворларнинг ёнида болалар кўча чангитиб ўйнарди. Улар қовоқ пўсти, ошиқ ўйнар, шовқин солар, муштлашарди, бироқ бегона саманни кўргач, кўчада уларнинг изи ҳам қолмади. Қишлоқ четидаги йўл дарё бўйига олиб борарди. Дарё бўйида эса ёш бир жувон чўк тушиб, кир юварди. Сиддхартха жувонга салом бергач, жувон бошини кўтариб кулди ва оҳу кўзларини йигитга тикди. У мусофир саманлар одатига кўра, баланд овозда дуо ўқиди ва шаҳарга бориш йўлини сўради. Жувон ўрнидан туриб унинг ёнига борди. Унинг ёш чехрасидаги кулиб турган лаблари чиройли ва дил тортарди. У йигитнинг ҳазиломуз сўзларига ҳазил ила жавоб қилар, очикқанми-йўқми сўрар ва ўрмон саманлари кечалари ёлғиз ухлашию-уларнинг уйланмаслиги ҳақидаги гаплар ростми-ёлғонми бунга қизиқарди. Жувон чап оёғи билан унинг ўнг оёғини босиб, одатда эркакларни ишқий ўйинларга тортувчи ва китобларда “дарахтга чиқиш” дея аталган қичик бир ҳаракат қилди. Сиддхартха томирларидаги қон аста ловиллаётганлигини ҳис этди. У кўрган тушини эслади ва эгилиб аёлнинг кўкрагига лаб босиб, ундан бўса олди. У бошини кўтаргач, жувоннинг сузилган кўзларида шиддатли бир истак ва ёлворишни уқди. Унинг танасида ҳам эҳтирос жунбушга келди. У умрида илк бор аёл хароратини ҳис этаркан, қўли лаззатли ўлжада бўлса-да, негадир бир он

ўзини босди. Шу лаҳзада у қалбидаги ички овоздан титраб кетди. Бу овоз ботиний эди ва овоз “Йўқ!” деди. Шу ондаёқ кулиб турган аёл юзидаги сеҳру-жоду ўз жозибасини йўқотди, у энди қаршисида жилмайиб турган ишратпараст моданинг намчил кўзларини кўрарди, холос. У аёлнинг юзини шунчаки силаб қўйди ва унинг ҳафсаласи пир бўлганига қарамай, бамбукзорлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Шу куни оқшом чоғи у каттакон шаҳарга кириб келди, унинг юраги қувончдан ҳапқирар, сабаби у одамларни жуда соғинганди. У узлат чекиб ўрмонда узоқ яшади, кеча оқшомни ўтказган қайиқчининг похол кулбаси эса саман бўлгандан буён унинг илк бошпанаси эди. У шаҳар четидаги тўсик билан ўралган серсоя боғда мевалар тўлдирилган сават кўтарган кўпгина хизматкорларни учратди. Бу ерда тўртта хизматкор кўтарган серҳашам тахтиравон устида гулдор бахмал ёстиқларга суяниб гўзал бир хоним ўтирарди. Сиддхартха боғ йўлагига кириб, сават кўтарган одамларга, тахтиравон ва унда ўтирган хонимга қаради. У ҳашамдор тож остида мрамардек оқ, бағоят хушсурат ва бағоят ақлли чехрани кўрди. Фарқ пишган гилосдек қирмизи лаблар, камондек тортилган қошлар, ақлли ва зийрак тим қора кўзлар, яшил ва тилларанг либос узра тик кўтарилганоппоқ чиройли бўйин, билакларига олтин билакузуклар тақилган оппоқ нозик кўллар...Сиддхартха унинг беқиёс гўзаллигини кўриб, юраги шодликдан ҳапқирди. Тахтиравон унинг қаршисига келгач, Сиддхартха аёлга эгилиб таъзим этди ва бошини кўтариб, унинг нозик ҳамда ақлли юзига қаради. У камон қошлар остидаги тим қора кўзларни китоб янглиғ ўқиркан, шу оний лаҳзада димоғига нотаниш бир хушбўй ифор енгил урилди. Гўзал аёл хиёл жилмайиб, унинг таъзимига сезилар-сезилмас бош ирғади ва боғ ичкарисига кириб кетди. Унинг ортидан хизматкорлари ҳам кўздан ғойиб бўлди.

“Бу шаҳар менга қандай мўъжизаларни учратмоқда! – ўйлади Сиддхартха. – У менга хайрли аломатларни кўрсатди”.

У шу ондаёқ боғга киришни истади, бироқ ўзини босди. У аёлнинг хизматкорлари унга нафрат билан қараганини, уларнинг маънодор нигоҳларида шубҳа ва ғазаб акс этганини эслади.

“Мен ҳали ҳам саманман, – ўйларди у. – Ҳали ҳам қашшоқ бир зоҳидман. Агар бу боққа киришни истасам, мен бутунлай бошқа одамга айланмоғим керак.

У кулиб юборди. Шу вақт йўлдан ўтиб кетаётган киши, Сиддхартханинг: “Бу боғнинг эгаси ким? Бояги аёлнинг исми нима?” деган сўроғигажавобанбу боғнинг эгаси машҳур куртизанка Камала исмли аёл эканини, бу ердаги боғдан ташқари, унинг шаҳарда яна серҳашам уйи ҳам борлигини айтди. Бу суҳбатдан сўнг Сиддхартха шаҳарга кирди, энди унинг мақсади тайин эди.

У мақсади сари одим ташларкан, шаҳарга сингиб кетишни истар, кўча шовқини узра хотиржам сузиб борар, шаҳар майдонини тик туриб кузатар, дарёга элтувчи тош зиналарда дам оларди. У кечга бориб сартарош шогирди билан танишиб қолди. Шогирд кундузи устозининг салқин хужрасида ишлар, окшом пайти эса Вишну ибодатхонасида ибодат қиларди. У Сиддхартхага Вишну ва Лакшми тарихидан қизиқарли нарсаларни гапириб берди.

Сиддхартхатунни қайиқлар орасида ўтказди. Тонгда эса каллайи саҳарлаб кечаги танишининг хужрасига келди. Сартарош унинг соқолини олиб, сочларини тартибга келтирди ва сочига хушбўй мойлардан суриб қўйди. Сўнгра у ювиниш учун дарёга жўнади.

Кун кечга оғиб, гўзал Камала ўз тахтиравонида шаҳар четидаги боғига етиб келганида, Сиддхартха уни боғ йўлагида кутиб турарди. У салом берди ва куртизанка ҳам унинг саломига алик олди. Сиддхартха боққа кириб кетаётган хизматкорлардан бирини тўхтатиб, хонимга у билан ёш бир брахман сўзлашмоқчи эканини айтишини буюрди. Орадан бир неча вақт ўтгач, хизматкор қайтиб келди. У нотаниш йигитни хоним дам олиб ётган шийпонгача кузатиб, ўзи нари кетди.

– Кеча йўлакда туриб менга таъзим қилган сен эмасмидинг? – сўради Камала.

– Тўғри, янглишмадинг, кеча мен сени кўрдим ва таъзим қилдим.

– Бироқ адашмасам, кеча чанг-тўзонга ботган соч-соқолда эдинг?

– Тўғри, ҳаммаси сен айтгандек эди. Зийрак кўзларингдан ҳеч нарса четда қолмабди. Ҳа, у зоҳид бўлиш мақсадида ватанини тарк этган брахманзода Сиддхартхаэди ва у роса уч йил ўрмонда зоҳидлар орасида яшади. Энди мен саманлар йўлини тарк этиб, шаҳарга келдим ва бу ерда биринчи учратган кишим сенсан. Мен сенга шуни айтмоқчи эдимки, о Камала, Сиддхартха кўзига тик қараб сўзлашган биринчи аёл сенсан ва бундан буён гўзалларни учратарканман, ҳеч бирининг олдида бош эгмай кўзига тик боқиб сўзлашаман.

Камала жилмайиб товус патидан бўлган елпиғичини ўйнаб деди:

– Сиддхартха менинг хузуримга фақат шу сўзларни айтгани келдими?

– Ҳа, шу сўзларни айтгани ва Камалага соҳибжамол бўлгани учун миннатдорчилик билдиргани. Яна агар у ижозат берса, дўсти ва муриди бўлгани келдим. Чунки сен моҳир бўлган бу шевани мен мутлақо билмайман.

Камала қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Ҳали ҳеч қачон дайди бир саман менинг хузуримга мурид бўлиш учун келмаган. Ҳали ҳеч қачон менинг уйимда соч-соқоли ўсган, белидаги увада лунгиси базўр авратини яширган дарбадар саман меҳмон бўлмаган.

Менинг уйимда бисёр йигитлар меҳмон бўлади, уларнинг кўплари брахманзодалар бўлиб, башанг либосда қимматбаҳо бошмоқларда келади. Уларнинг сочидан хушбўй атирлар ифор сочади, ҳамёнлари эса пулга тўла. Мана, қандай йигитлар менинг меҳмоним бўлади, саман.

Сиддхартха деди:

– Мен сендан кўп нарса ўргана бошладим, ҳатто кечанинг ўзида ўргана бошладим. Қара, энди менинг соқолларим йўқ. Сочларим таралиб, қимматбаҳо мой сурилган. Фақат озгина нарса етишмаяпти: чиройли кийим, чиройли бошмоқ ва пул. Шунинг билгинки, Сиддхартха бу каби майда нарсалардан кўра баланд марраларни кўзлаб, уларга эришган. Энди эса қандай қилиб, сенга ҳеш бўлишга ҳамда ишқ қувончига етишмай?! Ҳали кўрасан, сен менга ўргатмоқчи бўлган ҳамма нарсани тез ва осон ўрганаман, чунки кўп донишмандликлар ҳақида ўрганганман. Демак, Сиддхартха сенга сочлари таралган, бироқ кийимсиз, бошмоқсиз ва пулсиз шу ҳолича ёқмайди?

Камала кулиб деди:

– Йўқ, қадрдоним, ҳозирча ёқмайди. Сиддхартхага либослар керак – чиройли либослар, оёқларига бошмоқлар керак – чиройли бошмоқлар ва Камалага совға-салом учун кўпгина ақча керак. Тушундингми, ўрмон самани, буларни ёдингдан чиқармадингми?

– Мен буларни эслаб қолдим, – жавоб берди Сиддхартха. – Қандай қилиб бу лаблар айтган сўзларни ёдимдан чиқарай?! Сенинг лабларинг ғарқ пишган гилосдай, о Камала ва менинг лабларим ҳам сенга ярашгудек қирмизидир ҳали бунга амин бўласан. Лекин айт-чи менга, о Камала, ёнингга муҳаббат илмини ўргангани ўрмондан келган ёввойи самандан кўрқмайсанми?

– Тавба, шоқолдан бошқа нарса кўрмаган, ҳали аёл ҳароратининг нима эканлигини билмаган аҳмоқ бир саманнинг нимасидан кўрқишим керак?!

– О, ахир у бақувват ва кучга тўла! У сени ўзига мутеъ қилиши мумкин, о гўзал қиз! У сени ўғирлаб кетиши ёки зўрлик қилиши мумкин!

– Йўқ, саман, мен булардан сира ҳам кўрқмайман. Ахир зоҳид ёки брахман унинг илмини, тақвосини, ақлини биров зўрлик билан тортиб олишидан кўрқмайди-ку, чунки бу нарсалар фақатгина унга тегишли бўлиб, у истаган кишиларинигина булардан баҳраманд этаолади, зеро ишқий лаззат ва Камала ҳам шу кабидир. Ҳа, Камаланинг қирмизи лаблари асал кабидир, бироқ сен у лабларга унинг ихтиёрисиз эришмоқчи бўлсанг, бу лаззат ўз мазасини буткул йўқотади. Агар Сиддхартха толиби ишқ бўлмоқчи бўлса, буларни ёдда тутсин. Муҳаббатни тилаб олиш, сотиб олиш, совғалар эвазига олиш, кўчадан топиш мумкин, аммо уни зўрлик билан тортиб олиш, ўғирлаш мумкин эмас. Йўқ, сен нотўғри йўлни танладинг. Дарҳақиқат, сендек хушрўй йигит бу каби аҳмоқлик қилса, жуда хунук бўларди.

Сиддхартха жилмайиб таъзим қилди:

– Афсус, о Камала! Афсуски, тўғри сўзни айтдинг. Йўқ, майли, ҳеч қачон менинг лабларим сенинглабларингни, сенинг лабларинг эса менинг лабимнинг тотини йўқотмасин. Сен айтгандек бўлсин. Сиддхартха ўзига камлик қилаётган кийим, бошмоқ, пул топгач, албатта келади. Бироқ айт-чи, гўзалим, менга яна бир кичик маслаҳат бераоласанми?

– Маслаҳат? Бажонидил! Шоқолдан бошқа бирор нима кўрмаган, дайди, қашшоқ бир ўрмон саманига маслаҳат беришдан осон иш борми?

– Азизам, Камала! Ҳалиги уч нарсага тезроқ эга бўлиш учун қаерга боришим керак?

– Қадрдоним, буни билишни ҳамма ҳам истайди. Қўлингдан келадиган бирор хунар кўрсат ва эвазига кўйлақ, бошмоқ, пул сўра. Камбағал кишига пул топишнинг бундан бошқа йўли йўқ. Қўлингдан нима иш келади?

– Мен ўйлай оламан, кута оламан, нафсимни тия оламан. Қўлимдан бошқа бирор нима келмайди. Ҳа, айтгандай, шеър ҳам ёза оламан. Сенга шеър ўқисам, ҳадясига битта бўса бераоласанми?

– Агар у менга ёкса. Шеърингнинг номи қандай?

Сиддхартха бир зум сукут сақлаб, сўнгра деди:

Серсоя боғдан соҳибжамол Камала чиқди.

Боғ йўлагида у қора танли саманникўрди.

Соҳибжамолга таъзим қилган саман унинг лабидаги табассумдан бахтиёр бўлди.

Маъбудларга қурбонлик қилмоғим нечун?

Ундан кўра, соҳибжамолга қурбон бўламан ўзим!

Камала олтин билақузукларини жаранглатиб қарсак чалди.

– Шеърларинг кайфимни чоғ этди, қора танли саман! Агар бунинг учун сенга бир бўса ҳадя этсам, камиб қолмайман.

Аёл уни имлаб ёнига чақирди, у мутеъларча келиб, аёлнинг чиройли юзига эгилди ва ғарқ пишган гилосдек лабларига лаб босди. Камаланинг бўсаси узоқ давом этар, Сиддхартха унинг бу бўса билан унга ҳукм қилиб, гоҳ итариб, гоҳ ўзига тортиб, ишқдан сабоқ бераётганини ҳис этар, бу бўса олдинда уни кутаётган, бир-бирига ярашиб, унга ҳузур берадиган, умидли бўсалар занжирининг биринчисилигини биларди. У ўзига нотаниш бўлган билимнинг тўла қийматини англаган бола каби чуқур нафас оларкан, аста ўзига келди.

– Шеърларинг кайфимни чоғ этди! – такрорлади Камала.– Агар бадавлат бўлганимда, сенга тилла тангалар ҳадя этган бўлардим. Бирок шоирлик қилиб кўп пул топишинг даргумон. Камаланинг хуштори бўлишинг учун эса сенга кўпгина пул керак.

– Ўпишни қойиллатаркансан, Камала! – деди Сиддхартха каловланиб.

– Ҳа, мен бу ишни қойиллатаман. Шунинг учун ҳам кийим-кечаклару қимматбаҳо майда-чуйда нарсаларнинг фарқига кўпда боравермайман. Бирок сенинг ҳолинг нима кечади? Наҳотки ўйлаш, кутиш, шоирликдан бошқа нарсани билмасанг?

– Мен қурбонлик қўшиқларини ҳам биламан, – жавоб берди Сиддхартха. – Лекин уларни куйлашни бошқа истамайман. Яна афсун ўқиш қўлимдан келади, аммо уни ҳам ўқишни бошқа истамайман. Мен турли китоблар ўқиганман.

– Шошма, – деб унинг сўзини бўлди Камала. – Сен ўқиш, ёзишни биласанми?!

– Албатта, буни ҳамма билади.

– Йўқ, кўпчилик буни билмайди, ҳатто мен ҳам. Жуда яхши, ўқиш ва ёзишни билганинг жуда яхши. Афсунлар ҳам сенга керак бўлиши мумкин.

Бу вақт чўри қиз келиб, аёлнинг қулоғига нимадир деб пичирлади.

– Ҳузуримга меҳмон келмоқда, – сўз қотди Камала. – Шошил, Сиддхартха, ёдингда тут, сени бу ерда ҳеч ким кўрмаслиги керак. Эртага яна учрашамиз.

У чўрисига такводор саман учун оқ либос беришини буюрди. Чўри қиз Сиддхартханинг қўлидан ушлаб, қаергадир судраб кетди. У эсини йиғиб улгурмаган ҳам эдики, қиз уни орқа йўл билан олиб келган ўрмон ичкарисидаги кичик бир уйча ёнида турарди. Қиз қаёқдандир унинг қўлига бир ўрам латта тутди ва буталар оралаб боғ четига олиб кетаркан, тезроқ бу ердан чиқиб кетишини сўради.

Мамнун бўлган Сиддхартха буюрилган барча ишни адо этди. Ўрмон ҳаётига ўргангани учун товуш чиқармай аста тўсиқ олдига келиб, уни ошиб ўтди ва бир зумда боғдан чиқиб кетди. У кўйлак ўрамини қўлтиғига қистириб, мамнун ҳолда шаҳарга қайтди. Йўл четидаги мусофирхонанинг эшигида туриб, ичкарига индамайгина қўл чўзди ва унга эҳсон қилиб бир бўлак зоғара нон узатишди.

“Эртагаёқ ҳеч кимдан бошқа эҳсон тиламайман!” – хаёлидан ўтказди у.

Бирдан унинг кўксида мағрурлик уйғонди. У энди саман эмасди, у энди садақа тиланишни бошқа истамади. У қўлидаги нонни кўчадаги итга ташлади ва ўзи емаклик истамади.

– Дунё ишлари жуда оддий.– дея уйларди Сиддхартха. – У мушкулотлардан холи. Саманлар орасидаги ҳаётим оғир, машаққатли, омадсиз ва умидсиз эди. Энди эса ҳаммаси осон, Камала берган севги сабоғидек осон. Менга башанг кийим ҳамда пул керак. Бошқаси чикора. Булар қийматсиз ва майда нарсалар бўлиб, мени уйқудан халос этмайди.

У Камаланинг шаҳардаги уйи қаердалигини осон билиб олди ва эртаси куни яна унинг хузурига борди.

– Суюнчи бер! – дея қичқирди саломлашиш ўрнига Камала. – Сени шаҳардаги энг бадавлат савдогар Камасвами кутмоқда. Агар сен унга ёқиб қолсанг, хизматига олади. Хушёр бўлгин, қоратанли саман. Мен унга сен ҳақингда бошқалартилидан хабар бердим. У билан хушмуомалада бўл, чунки у жуда нуфузли зот. Ортиқча вазминлик ҳам қилма, сабаби унинг хизматкоридек бўлишингни ҳам истамайман. Сен унга баробар киши бўлмоғинг керак, йўқса, Камала сендан мамнун бўлмайди. Камасвами қариб, ишёқмас бўлиб қолган, агар сен унинг кўнглини топсанг, мутлақ ишончига киришинг мумкин.

Сиддхартха аёлга кулиб миннатдорчилик билдирди. Аёл унинг икки кундан буён туз тотмаганлигини билиб, унга мева ҳамда нон келтиришларини буюрди. Ва уни меҳмонқилди. У хайрлаша туриб Сиддхартхага деди:

– Омад сенга кулиб боқмоқда. Имконият эшиклари қаршингда биринкетин очилмоқда. Нега бундай бўляпти? Балки сен афсунгардирсан?

Сиддхартха жавоб берди:

– Кеча мен сенга ўйлашни, кутишни ва нафсимни тийишни биламан, деган эдим. Сен эса буларни кераксиз нарсалар дегандинг. Сен янглишяпсан, о Камала ва тез кунда бунга амин бўласан. Сен тез кунда “нодон” саманлар ўрмонда кўп ажойиботларни ўрганишига ҳамда сизлар бажара олмайдиган анча-мунча ишларни қилаолишига гувоҳ бўлсан. Кечагина мен қашшоқ бир жулдирвоқи эдим, бироқ кеча мен Камаладан бўса олишга муяссар бўлдим. Эртага эса мен савдогар бўламан ва сен қадрлаган барча нарсаларга эгалик қиламан.

– Худди шундай бўлсин! – маъқуллади аёл. – Лекин айт-чи, менсиз холинг не кечарди? Агар Камала сенга ёрдам бермаганда, ким бўлардинг?

– Азизам Камала! –деди Сиддхартха ўрнидан тураркан бошини баланд кўтариб. – Мен сенинг боғингга кирган вақтдаёқ биринчи кадамни қўйдим. Менинг мақсадим бу дилбар аёлдан ишқ таълимини олиш эди. Бу қарорга

келган онимдаёқ мақсадимга эришишимни билардим. Мен сенинг ёрдам беришингни билардим, боғ йўлагида кўрганимдаёқ кўзларинг буни айтиб турарди.

– Агар мен сенга ёрдам беришни истамаганимда-чи?

– Лекин сен истадинг. Биласанми, гўзалим, агар тошни сувга отсанг, у тезлик билан сув тубига интилади. Сиддхартханинг истаги ҳам худди шундай. Сиддхартха бирор чора кўрмайди – у ўйлайди, кутади ва эришади. Бироқ у йўлида учраган нарсаларга гўё сувга отилмаган тошдек, интилмай, қимир этмай, ҳаракат қилмай жим турди. Агар у мисоли тошдек сувга отилса, бахтдан сармаст бўлиб, пастга мақсад сари интилади. Уни мақсаднинг ўзи оҳанрабодек тортади, у мисоли сув тубига тушаётган тошдек йўлида учраган тўсиқларга парво этмай, ҳаракатсиз мақсадга етади. Мана, Сиддхартха саманлардан нималарни ўрганган. Бу ишни нодонлар гўё иблис амри билан бажариладиган афсунгарлик деб атайди. Ҳеч бир иш иблис изни ила бўлмайди, чунки иблиснинг ўзи мавжуд эмас. Ҳар бир одам, агар у ўйлашни билса, кутишни билса, эришишни билса, афсун қилиши, истаган мақсадига етиши мумкин.

Камала уни диққат билан тинглади. Аёл унинг овозини, кўзларини севиб қолди.

– Балки, ҳаммаси сен айтгандайдир, азизим, – деди у секингина. – Балки, буларнинг сабаби Сиддхартха барно йигит бўлгани учундир. Балки, унинг кўзлари чиройли ва аёлларга ёққани учун омад уни доим қаршилар?

Сиддхартха уни ўпди ва хайрлашиш олдидан деди:

– Майли, сен айтгандек бўлсин, қадрдон Камала, майли, кўзларим ҳамиша сенга суюкли бўлсин. Ҳамиша сен ҳадя этган бахт мени қаршиласин!

Одамлар орасида

Сиддхартха савдогар Камасваманикига йўл олди. Унинг қаршисидаги уйдан, дарҳақиқат, ҳашамдорлик тараларди. Хизматкорлар меҳмонни қимматбаҳо гиламлар тўшалган хобхонага кузатиб қўйишди. Сиддхартха уй соҳибини шу ерда кутиши керак эди. Хонага Камасвами кириб келди. У очик юзли, оппоқ сочлари пахмайган, нигоҳи зийрак ва эҳтиёткор, лаблари қимтилган жиккак бир киши эди. Меҳмон ва уй соҳиби тавозеъ ила саломлашишди.

– Айтишларича, – дея гап бошлади савдогар, – брахман, олим киши бўлсанг-да, савдогар хизматига ёнланмоқчи эмишсан? Сени қандай эҳтиёжмандлик менинг ҳузуримга етаклаб келди, брахман?

– Мени эҳтиёжмандлик етаклаб келгани йўқ! – жавоб берди Сиддхартха. – Мен ҳеч қачон бирор нарсага эҳтиёжманд бўлмаганман. Шуни билгинки, мен ўрмонда саманлар орасида узоқ вақт яшаганман.

– Агар саманлар орасида яшаган бўлсанг, қандай қилиб эҳтиёжманд бўлмаслигинг мумкин? Ахир саман фақир бир киши-ку? Бу унинг эҳтиёжмандлигини англатади.

– Ҳа, агар сен айтганча бўлса, мени фақир дейиш мумкин, – жавоб берди Сиддхартха. – Ҳа, мен мол-дунёга эга эмасман, бироқ мен бу йўлни ўз ихтиёрим ила танлаганман. Демак, мени фақир деб бўлмайди!

– Лекин ҳеч вақога эга бўлмай қандай яшамоқчисан?

– Уч йилдан буён мол-дунёсизман, аммо қандай яшашимни ҳали ўйлаб кўрганим йўқ, соҳиб.

– Демак, сен бировларнинг ҳисобига кун кўргансан?

– Балки, шундайдир. Бироқ савдогар ҳам бировларнинг ҳисобига кун кўради.

– Жуда маъқул гап, лекин савдогар сўрамайди, аксинча, беради, олганларининг ўрнига эса маҳсулот қайтаради.

– Балки, шундайдир. Кимдир беради, кимдир олади. Ҳаётнинг ўзи олди-бердилардан иборат!

– Бироқ айт-чи, агар сенда ҳеч вақо бўлмаса, сен нима берасан?

– Ҳар ким ўзида бор нарсани бера олади: ҳарбий киши куч, савдогар маҳсулот, олим киши билим, деҳқон гуруч, балиқчи эса балиқ беради.

– Бағоят соз, айт-чи, демак, сен нима бера оласан? Саманлардан нималарни ўргандинг-у кўлингдан нима иш келади?

– Мен ўйлашни биламан, кутишни биламан, нафсимни жиловлашни биламан!

– Шу холосми?

– Ўйлашимча, шулар холос.

– Бу ишлардан қандай наф бор? Масалан, нафсни тийиш. Бунинг нимаси фойдали?

– Бунинг фойдаси жуда кўп, соҳиб! Агар кишининг емакка ҳеч нимаси бўлмаса, унинг учун энг маъқули рўзадир. Агар Сиддхартха нафсни жиловлаш билан узоқ банд бўлмаганда эди, бугун у емак илинжида сенингми ёки бошқанингми, истаган юмушини бажаришга тайёр бўларди. Чунки очлик кўп нарсага мажбур этади. Аммо Сиддхартха хотиржам кутиши, сабр

килиши мумкин, у бетоқатликни, эҳтиёжмандликни билмайди. У очликнинг ҳар қандай шиддатига хотиржам сабр этаолади. Мана, нафсни тийишнинг катта фойдаси, соҳиб.

– Сен ҳақсан, саман, қани бир оз кутиб тур-чи!

Камасвами хонадан чиқиб кетди ва бироз ўтмай, кўлида қоғоз ўрамини кўтариб кирди-да, уни меҳмонга узатаркан, деди:

– Сен буни ўқий оласанми?

Сиддхартха қоғоз ўрамини олди. Унда қандайдир савдо шартномаси битилганди. У қоғозни диққат билан кўздан кечирди, сўнгра овоз чиқариб ўқиди.

– Ажойиб! – деди Камасвами.– Бу қоғозга бирор нима ёзиб бераоласанми?

Камасвами меҳмонга қоғоз ва қалам тутди. Сиддхартха ушбу талабни ҳам бажо келтирди. Камасвами қуйидагиларни ўқиди: “Ёзмоқ яхши, ўйламоқ ундан-да яхши. Ақл яхши, сабр ундан-да яхши.”

– Ёзишни қойил қиларкансан! – дея уни мақтади савдогар. –Ҳали кўп нарсаларни бирга суҳбатлашамиз. Бугун эса сендан менинг меҳмоним бўлишингни сўрайман. Агар истасанг, менинг уйим сенга бошпана бўлсин!

Сиддхартха миннатдорчилик билдирди ва савдогарнинг илтимосини қабул этиб, унинг уйида яшаб қолди.

Унга янги кийим ва бошмоқ келтиришди. Хизматкорлар ҳар куни ювиниш учун унга сув ҳозирлар, кунда икки маҳал тўйимли овқатлар келтирарди. Аммо Сиддхартха кунда бир маҳал овқатланар, унда ҳам гўшт ва майдан ўзини тиярди.

Камасвами унга ўзининг савдо ишларини гапириб берар, унга келтирилган молларни, омборларни ва юритилаётган ҳисоб-китоб ишларини кўрсатарди. Сиддхартха кўп нарсаларни ўрганар, кўп эшитар, бироқ кам гапирарди. У Камаланинг сўзларини эсга оларкан, савдогарга ўзини камситтирмасликка, уни ўзига тенг, ҳатто юқори билиб сўзлашишга мажбур этарди.

Камасвами ўз ишларини иштиёқ ва шавқ ила олиб борарди. Сиддхартха учун эса уларнинг бари ўзлаштириш керак бўлган, маъноси пуч ўйин эди, холос.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Сиддхартха савдогарга ёрдамчи бўлди. Бироқ у кўп вақтини соҳибжамол Камаланинг ёнида ўтказар, қимматбаҳо либосда, чиройли бошмоқлар кийиб келар, унинг учун совға-саломлар келтирарди. Камаланинг ақиқ лаблари Сиддхартхага кўп нарсани ўргатди.

Унинг оппоқ нозик қўллари ҳам йигитга ишқ сабоғини берди. Ишқ лаззатининг туб-тубларига қайта-қайта шўнғувчи унингдек укувсиз йигитга Камала вазминлик ила ўз сирларини ошкор этарди. У лаззатга лаззат бермай эришаолмасликни, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир тўқнашув, ҳар бир нигоҳ, тананинг ҳар бир нуқтаси чексиз қувонч бахш этадиган сирга эга эканини ўргатарди. У ошиқ-маъшуқлар севги базмидан сўнг бир-бирларига дил изҳор этмай, бир-бирларига ғолиб ва мағлуб бўлмай айрилмаслигини сабоқ берар, уларнинг ҳар иккиси ҳам суюклисидан таҳқирлангандек ёхуд ишқдан тўла қонгандек бўлмаслигини кўрсатарди. Сиддхартха бу соҳибжамол афсунгарнинг ёнида ҳузурбахш онларни ўтказар, унинг муҳибига, маҳбубига, дўстига айланганди. Унинг сафо кунлари Камаланинг оғушида ёхуд Камасвамининг дўқонида ўтарди.

Савдогар унинг зиммасига барча хатлар, келишувларни юритишни юклар, у билан муҳим савдо ишларини маслаҳатлашарди. У тез орада гарчи Сиддхартха жун, гуруч каби савдо молларининг фарқига бормаса-да, ҳунармандчилик ва олди-сотди ишларини яхши тушунмаса-да, унинг омадли эканини Сиддхартха сабрда, вазминликда, одамларни тинглаш ва уларнинг кўнглига йўл топишда ўзидан кўра афзаллигини билди.

– Бу брахман ҳеч қачон асл савдогар бўлаолмайди! – деди у кунларнинг бирида ўз дўстига. – У ҳеч қачон савдо ишларини завқ-шавқ билан бажармаган, бироқ у омади чопганлардан бирилигига ҳеч шубҳа йўқ. Балки бу тақдир юлдузидир, балки афсун, балки саманларнинг берган таълимидир. У ҳамиша ишларни ўз ҳукмига олиб, уларни бир ўйин каби бажаради. У омадсизликдан сира кўркмайди ва зарардан, хонавайронликдан сира чўчимайди.

Дўсти савдогарга маслаҳат берди.

– Унга мол-дунёингдан бир қисм бериб, улушига ҳам, зарарига ҳам тенг шерик қил. Шунда у тиришқоқлик ила жидду-жаҳд қилиб ишлайди.

Камасвами дўстининг маслаҳатига қулоқ солди. Бироқ бу улуш Сиддхартхани кўпда банд этмади. У фойда келган вақтда бепарвогина ўз улушини олар, зарар кўрган пайтларда эса кулиб, бу сафар омадимиз келмади, дер эди.

Дарҳақиқат, савдогарлик уни сира қизиқтирмасди. Кунларнинг бирида у гуруч сотиб олиш учун чекка бир қишлоққа борди. У қишлоққа етиб борган вақтда гуруч бошқа бир савдогарга сотиб юборилганди. Аммо Сиддхартха қишлоқда бир неча кун қолиб, деҳқонларни меҳмон қилди, болаларга тангалар улашди, тўй-базмларда яйраб, димоғи чоғ бўлиб, сафардан мамнун ортга қайтди. Камасвами уни беҳуда пул сарфлаб, вақтни бекор ўтказгани учун маломат этди. Сиддхартха бу ёзғиришларга шундай жавоб берди:

– Дўстим, беҳудага ёзғирма. Ҳеч ким ҳали ёзғиришлардан бирор наф кўрган эмас. Агар биз фойда кўрмаган бўлсак, майли, бу зарарни менинг улушимдан қопла. Мен бу сафардан хурсандчилик ила қайтдим. Кўп одамлар билан танишдим, ҳатто бир брахман билан дўст тутиндим, болаларни тиззамга олиб эркаладим, деҳқонлар менга ўз экинзорларини кўрсатди, бирор зот менинг савдогарлигимга ишонмади.

– Ҳа, жуда соз иш бўлибди! – деди Камасвами ғижиниб.– Билишимча, ростдан ҳам савдогармисан ёки кўнгилхушлик учунгина у ерга бордингми?

– Албатта! – деди Сиддхартха кулганча.– Албатта, мен у ерга кўнгилхушлик учун бордим. Яна қандай сабаб бўлиши мумкин?! Мен янги жойлар, янги одамлар билан танишдим. Мен уларнинг меҳмондўстлигидан, самимийлигидан қувондим. Мен самимийлик топдим. Биласанми, кадрдоним, агар мен Камасвами бўлганимда, бошқалар мендан кўра олғирроқ бўлганидан ғазабланиб, дарҳол ортга қайтган бўлардим ва пулни ҳам, вақтни ҳам беҳуда исроф қилмаган бўлардим. Мен эса вақтимни чоғлаб, ўргандим, қувондим, ўзимнинг бесабрлигим ва қаҳру-ғазабим билан ҳеч кимга озор етказмадим. Агар келгуси ҳосилдами ёки бирор юмуш биланми, яна ўша жойларда бўлсам, самимий одамлар мени очикчеҳра билан қарши олади, шунда мен,хайриятки, аввал бу кишиларнинг кўнглига ўз қайсарлигим ва бетоқатлигим ила озор бермаган эканман, дея мақтанаман. Шунинг учун, дўстим, жиғибийронлик билан ўзингга зарар қилма. Агар кун келиб,Сиддхартха менга зиён келтирмоқда, деб ўйласанг, буни юзимга айт ва Сиддхартха, албатта, кетади. Шунда бир-биримиздан гина қилмаймиз.

Савдогар Сиддхартхага менинг ҳисобимга кун кўряпсан, дея уқтирмоқчи бўлди. Сиддхартха ўз нонини ўзи ер, зотан уларнинг иккови ҳам бировларнинг нонини ер эди.

СиддхартхаКамасвамининг ишларига бепарво қарар, бироқ савдогарнинг ишлари бошидан ошганди. Келгуси ишлар самарасиз бўлмайдими? Моллар яроқсиз эмасми? Қарздорлар вақтни ортга сурмаяптими? Шу каби ташвишлар савдогарнинг хаёлини банд этганди. Камасвами ўз ёрдамчисига на ғазабли, на фойдали, на қайғули ёлворишлар билан, на уйқусизлигию ва на оғириқли ўйлар билан таъсир кўрсата олмади.

Кунларнинг бирида Камасвами Сиддхартхага ҳамма нарсани мендан ўргангансан, деган иддаосига шундай жавоб олди:

– Аҳмоқларга қиладиган бундай ҳазилдан сақлан! Сендан фақат бир нарсани: бир сават балиқ нечи пул туришинию қарздорлардан қанча фойиз олишни ўргандим. Мана, сендан нима ўргандим! Ўйлашни эса сендан ўрганганим йўқ, азизим Камасвами. Бу илмни сен мендан ўргансанг, яхши бўларди!

Унинг қалби, чиндан ҳам, савдо ишларига бегона эди. Савдогарлик унга фақат Камаланинг муҳаббатини қозониш учунгина асқотар ва унга ўйлаганидан кўра кўпроқ сармоя келтирарди. Сиддхартханинг қизиқиши ва хайрихоҳлиги эса кишиларнинг унга авваллари жуда бегона бўлган хунарлари, ишлари, ташвишлари, қувончлари, нодонликларини кузатишда кўринарди. У уларнинг барига хайрихоҳ бўлмасин, жавоб қайтаришга уринмасин, ўрганмасин, барибир бу одамлар билан ўзининг зуваласи бир жойдан олинмаганини, улар билан ўзининг ўртасида нимадир соя ташлаб турганини биларди. Бу соя унинг қалбида ҳамон яшовчи саманлик илми эди. У уларнинг ўзи айни пайтда севиб, айни пайтда нафрат ила боқадиган ҳайвонлар ёхуд болаларникидек беғам-беташвиш ҳаётини кузатар, у уларнинг ўзи арзимас дея ҳисоблаган мол-дунё, майда мансаблар, пулларнинг кетидан чопа-чоп этиб қувишига, арзимас ташвишлар ва майда истакларни деб сочларига оқ тушиб ўлиб кетишига гувоҳ бўларди. У уларнинг бир-бирларини сўкиб, ҳақорат этишларига, саманларнинг кулгисинигина қистатадиган оғриқлардан шикоят этишларига, саманларнинг парвосига ҳам келмайдиган айриликлардан дод солишларига жимгина қараб турарди. Унинг ҳузурига бу одамлар не мақсадда келишидан қатъи назар, у уларнинг сўзларига бажонидил қулоқ соларди. Унга ҳашамдор чодири билан мақтанаётган савдогар ҳам, ақча сўраб келган қарздор ҳам, саманлардан икки қарра бойлигига қарамай, ўзининг қашшоқлигидан уззукун нолиётган камбағал ҳам баробар эди. У бадавлат савдогарга ҳам, соқолини олаётган хизматкорга ҳам ёхуд уни бозорда икки тангага чув туширмоқчи бўлган банан сотувчисига ҳам бирдек муомала қиларди. Агар унинг ёнига Камасвами ўзининг қойишлари, ташвишлари, маломатлари билан келса, Сиддхартха уни кулиб тинглар, ҳайрон бўлар, уни тушунишга уринар, имкон борича унга ён берар ва ўзига кўпроқ эҳтиёжманд бўлган бошқа суҳбатдоши томонга ўгирилиб оларди. Унинг ҳузурига эса жуда кўплар интилар, бировлар у билан савдолашгани, бировлар эса уни алдагани, бировлар шунчаки қизиқишдан, бировлар эса арз қилиб, яна бировлар маслаҳат сўраб келарди. У уларга маслаҳат берар, инъом қилар, хайрихоҳлик билдирар, ўзини лаққиллатишларига йўл қўйиб берарди. Бу одамлар унга бераётган ўйин, иштиёқ – буларнинг ҳаммаси қачонлардир унинг қалбини банд этган маъбудлару-брахманлар каби эди.

У вақт ўтиб кўксида ниманингдир заифона инграётганини, нимадандир арз этаётганини илғади. Кейинчалик бир он, балки бир лаҳза у ғалати бир ҳаётда яшаётганини ҳис этар, гарчанд шод-хуррам бўлса-да, буларнинг ҳаммаси ўйин эканини, ҳақиқий ҳаёт ундан узокда дарё каби оқаётганини сезарди. У гўё моҳир бир қиличбоздек ўз ҳаётини ўйнар, атрофидагиларни кузатар, улар билан бирга қувонар, аммо қалбан улардан жуда узокда эди. Олис-олисларда бу ўйинларга бегона унинг қалб булоғи шивирлаб-шивирлаб оқарди. Баъзан гўдақларникидек бу ғала-ғовур, одатий суронлар унинг бутун борлигини ларзага солар, чўчитар, гўё томошабиндек четда турмай, ҳақиқатан яшашни, ҳақиқатан лаззатланишни истарди.

Сиддхартха аввалгидай соҳибжамол Камалани йўқлар, ишқ ҳадисини олар, олмоқ ҳам, бермоқ ҳам баробар бўлган лаззатпарастлик тимсолига айланар, у билан суҳбатлашар, ундан таълим олар, маслаҳатлар берар ва унинг ҳам маслаҳатларига қулоқ соларди. У Сиддхартхани худди Говинда сингари англари ва чиндан ҳам Говиндага ўхшарди.

Кунларнинг бирида Сиддхартха унга деди:

– Сен худди менинг ўзимга ўхшайсан. Сен бошқаларга ўхшамайсан. Сен фақат Камаласан! Бошқа нарса эмас. Худди мендек сенинг ҳам қалбининг тўрида сирли бир жой бўлиб, истаган вақтингда ўзинг у ерда ҳаловат топасан. Бу жуда озчиликка насиб этган ҳаловат бўлиб, агар истасалар, бошқалар ҳам бунга эришишлари мумкин эди.

– Ҳамма ҳам доно эмас! – жавоб берди Камала.

– Йўқ, сабаби бунда эмас! – деди Сиддхартха. – Камасвами ҳам худди мен каби ақлли, бироқ унинг қалбида ўзи учун нажот топадиган ҳилват гўшаси йўқ. Ақли паст ёш болаларга ўхшаган кишиларда ҳам худди шундай. Камала, кўпчилик гўё шамол учирган япроқларга ўхшайди. Улар тўзонда гир айланиб, титраб ерга тушадилар. Бошқача одамлар эса (улар жуда оз бўлади) йўлчи юлдуз каби ўз йўлида собит бўлади: уларга шамол хавф соломмайди, уларнинг қонун-қондаси ҳам, йўли ҳам, иродаси ҳам ўзлари билан. Кўпгина зоҳидлар ва орифлар орасида ўша танланганлардан бири – мутлақликка эришган бир зот бор эди. Мен ҳеч қачон уни ёдимдан чиқармайман. Бу ўша таълимот йўлбошчиси Говутама эди. Унинг минглаб сомеълари ҳар куни унинг сўзларини тинглайдилар, ўғитларини ёдда тутиб, унга амал этадилар, бироқ уларнинг ҳаммаси бояги шамол япроқларидир. Чунки уларнинг иродаси ўзида эмас. Чунки бу маслак уларнинг қалбига муҳрланмаган.

Камала унга кулиб қаради ва деди:

– Сен яна у ҳақида гапиряпсан. Хаёлингда яна зоҳидона ўйлар.

Сиддхартха индамади ва улар Камалага ўттиз ёки қирқ карра аён бўлган ишқ ўйинига берилишди. Унинг ҳаракатлари қоплонникидек эпчил, танаси эса гўё овчининг камонидек таранг эди. Ундан ишқ дарсини олаётган толибга кўп нарсалар кашф этилган, лаззатнинг кўп сирлари аён бўлганди. У Сиддхартха билан узоқ шакаргуфторлик қиларкан, унга ноз-ишва қилар, камситар, яна ўзига жалб этар, оғушига олар, то йигит мағлуб бўлиб, чарчаб, унинг ёнида чўзилиб қолмагунча унинг эпчиллигидан роҳатланарди. Гетера йигитнинг ҳориган кўзларига, юзига узоқ термулди.

– Сен менинг хушторларим орасида энг аълосисан! – деди у ўйчангина. – Сен бошқалардан кўра эпчил, кучли ва менга тобесан. Сен менинг илмимни яхши ўргандинг, Сиддхартха. Қачондир ёшлигим мени тарк этса, сендан фарзанд кўришни истардим. Азизим, сен мени севмай, барибир саманлигингча қолдинг. Сен ҳеч кимни ҳеч қачон севмагансан, тўғрими?

– Балки, тўғридир... – деди Сиддхартха ҳорғин оҳангда. – Мен худди сен кабиман. Ахир сен ҳам ҳеч кимни севмайсан-ку? Йўқса, бу ишқ ўйинини санъат этармидинг?! Менимча, сену-менга ўхшаш кишилар севишга қобил бўлмайди. Фақат болага ўхшаган одамларгина чиндан сева олади. Уларнинг сири ҳам шунда.

Сансара

Сиддхартха айшу-ишрат ва лаззатга тўла ҳаётда узоқ вақт яшади, бироқ барибир унинг кўнгли бу ҳаётга бегона эди. Унинг зоҳидлик пайтида ўлдирилган ҳислари яна уйғонди. У мол-дунёнинг таъмини тотди, ҳукмфармонлик қилди, зино ботқоғига ботди, бироқ шунда ҳам донишнамо Камала айтганидек, у қалбан саман бўлиб қолаверди. Худди аввалгидек тафаккур, сабр ва рўза унинг ҳаётидаги учта асосий маслак бўлиб қолаверди. Худди аввалгидек гўдаксимон одамлар унга бегона, у ҳам уларнинг оламига бегона бўлиб қолаверди.

Орадан йиллар ўтди. Сиддхартха тақдир қучоғида аллаланиб, умри ўтганини пайқамади. У бой-бадавлат бўлди, ўз уйи, ўз хизматкорлари ва дарё ёқасидаги катта боғига эга бўлди. Одамлар уни севар, хузурига эҳсон, маслаҳат сўраб келар, лекин Камаладан бўлак ҳеч бир киши унинг қалбига яқин эмасди. Говиндадан айрилиб, Говутаманинг суҳбатидан баҳраманд бўлган кезлардаги, ёшлигининг энг етук чоғида қалбини банд этган руҳни сергак этувчи ўша илоҳий сезим, ҳар қандай илм ва муаллимлардан узилган ўша мағрурлик, ўз қалбидаги илоҳий овозга бўйин эгувчи ўша тобелик, вақт ўтган сари хотиротга айланиб, ўз боқийлигини йўқотгандек эди. Қачонлардир унинг ёнгинасида, унинг ўзида оққан илоҳий чашма, энди олис-олислардан базўр қулоққа чалинади. Тўғри, унда отаси брахмандан, саманлардан ўрганган илми, Говутама суҳбатидан кашф этганлари: қаноат қилиб яшаш, тафаккур завқи, зикр онлари, жисм ҳам, онг ҳам бўлмаган боқий Менинг яширин сирига етиш ҳали сақланиб қолганди. Сақланиб қолгандию, аммо тоборо уларнинг бари қаергадир йўқликка фарқ бўлиб, хотирот ва унутулиш тўзонига кўмилгандек эди. Худди тегирмон чархи тўхташдан олдин оғир, секин ҳаракатланганидек, Сиддхартхада зоҳидлик, илм, маърифат ғилдираги тўхташ истагида аста-секин айланарди. Сиддхартханинг қалбига иллатлар ўрмалаб кирди, унинг руҳи ялқовлашди, оғирлашди, уйқуга чўмди. Намчил ерда ётган дарахт шохи ҳам худди шундай шишиб чириydi. Лекин унинг туйғулари тирик эди: улар кўп нарсаларни кўрди, кўп нарсаларни ўрганди. Сиддхартха савдогарликнинг, буйруқ беришнинг, аёллар билан ишрат этишнинг ҳадисини олди. У башанг либосларни кийишни, хизматкорларга иш буюришни, хушбўй сувларда ювинишни ўрганди. У ҳафсала билан пиширилган лаззатли таомлардан: балиқ, гўшт, қуш гўшти, ширинлик ва бошқа мазали емаклардан хузур қилишга одатланди. У маст ва хумор этувчи майларни ичишга одатланди. У шошқол ва шатранж ўйнашни, аёллар билан ишрат қилишни, тахтиравонларда чайқалиб, юмшоқ ўринларда ухлашни ўрганди.

Бироқ у ҳамон ўзини бошқаларга ўхшамаган деб билар, ўзини бошқалардан устун кўрар, уларга – фоний нарсаларга нафрат, истехзо ила қаровчи саман нигоҳи билан қарарди. Камасвами хасталаниб, хуноби ортиб, ғазабланган пайтларда ҳам, ниҳоят, уни савдо ташвишлари ҳолдан тойдирган вақтларда ҳам Сиддхартха унга қараб шунчаки истехзоли жилмайиб кўярди.

Орадан кўп ўтмай, ҳосиллар мавсуми ёмғирлар мавсумига айланаркан, унинг мағрурона истехзолари аста-секин сўна бошлади. Бошқалардан устунлик, афзаллик туйғулари ўлиб борарди. Сиддхартха кундан кун тўлиб-тошиб бораётган мол-давлати ичра қоларкан, ўзи ҳам гўдаксимон одамларга ўхшаб борар, улардаги тентаклик, жиззакилик унинг феълида ҳам кўриниб қоларди. Бироқ Сиддхартха бу одамларга ҳасад қилар, уларга қанчалик ўхшаб борган сари шунча ҳасади ортарди. Бу ҳасад ёлғиз ундагина йўқ, аммо бошқаларда бор туйғу бўлиб, бу туйғу уларнинг ҳаёти учун зарурат, кўрқув ва қувонч берувчи эҳтирос эди. У одамларнинг заиф, лекин тотли сева олишдек мангу бахтига ҳасад қиларди. Бу одамлар ўзларини, аёлларини, болаларини, мансабларини, пулларини, орзуларини, умидларини – ҳамиша нималарнидир севардилар. У одамлардан болаларча қувонишни, болаларча тентакликни ўрганмаган, аксинча, аввал ўзи уларда нимани қусур деб билса, шуларни ўрганганди.

У ҳар гал хушвақт ўтказилаган тунлардан сўнг тонг чоғи тўшагида зерикиб, толиқиб ётаркан, ўзини жуда нотовон ҳис этарди. Шикоятлари билан келиб, уни хуноб қилган Камасвамига ҳам зарда ила бетоқатлик қиларди. У шатранж ўйинида ютқазса, алаמידан ҳоҳолаб қуларди. Унинг юзи бошқаларникига қараганда илҳомбахш, донишнамо кўринса-да, аввалгидек қувноқ кўринмас, бадавлат кишиларникидек норози, заиф, хафакон, кўримсиз тус оларди. Уни бойларнинг қалб хасталиги аста ўради, гўё бир парда, қуюқ бир туман каби хорғинлик Сиддхартханинг елкасидан соат сайин хиралашиб, йил сайин оғирлашиб босиб борарди. Гўё янги бир либоснинг вақт ўтган сари ранги униқиб, ғижим, доғ бўлиб, осилиб, йиртилиб эскирганидек, Сиддхартханинг ҳам Говинда билан видолашгандан сўнг бошлаган янги ҳаёти йиллар ўтиб аввалги чиройи ва рангини йўқотган, ажин ва доғ босганди. Баъзан бужмайган афтини кўз-кўз этиб қаердадир унинг ёнгинасида нафрат ва алам кутиб ётарди.

Сиддхартха буни илғамасди. У фақат олис ва энг яхши вақтларда унинг йўлчи юлдузи бўлиб, қалбининг туб-тубида янграган илоҳий овозни аллақачонлар тинганини биларди. Дунё ишлари уни қул қилди. У истакларининг, ҳисларининг асирига айланди. У қачонлардир ўзи разил иллат деб билган очкўзликнинг қулига айланди. Ҳукмфармонлик, молу-давлат, бойлик, ниҳоят, унинг ҳукмдори бўлди. Аввалари ўйин деб билгани эндиликда оёғига тушов, қўлига кишан урди. Ғалати ва ҳийла бир йўл уни энг тубан майл – қиморга ўргатди. У қалбан саманликни ҳам унутиб, аввалари ўзи улғайган гўдакларнинг одатий ўйини деб билган қиморга пул ва қимматбаҳо буюмларни тикиб, шавку-шиддат билан берилганди. У жуда

хавфли ўйинчи бўлиб, у билан бирор киши юрак ютиб баҳслаша олмас, чунки унинг шартлари жуда баланд ва фитнакор эди. У ўзининг очкўз қалбини таҳқирлаб, умидсизларча қимор ўйнар, ютқазиш, пулни ҳавога созуриш унга аччиқ лаззат берар, чунки у бойликка, мол-дунё санамига бўлган ўз нафратини бошқа йўл билан ошкор эта олмасди. У сурбетларча, бешафқат равишда, ўз-ўзига нафрат, ўз-ўзига жирканчлик ила қимор ўйнар, ютиб олган минглаб ақчаларини яна ютқазиш учун тўплар, уйини, қимматбаҳо буюмларини, пулларини ютқазар, ютиб олар ва яна қайтадан ютқазарди. У шошқол тошларини ташлаётганда ўйинга тикилган ҳар бир буюмни йўқотиш кўрқувидан, ўша юракларни музлатиб юборадиган даҳшатли кўрқувдан лаззатланишни севарди. У бу туйғуни чиндан ҳам севар, унинг ўткир таъмини йўқотишни истамас, уни қайта-қайта уйғотиб, унга ҳарорат берар, чунки шу ҳис оғушида у ўзини бахтли кўрар, бу ҳис унга атрофини туссиз, илиқ чиринди ботқоқ қоплаган кичик бир фаровон оролдаги ҳақиқий ҳаёт, ҳақиқий шавқ бўлиб туюларди. У ҳар бир катта ютқазишлардан сўнг бойлик орттиришни ўйлар, жон-жаҳди ила савдогарлик қилар, яна пулни ҳавога созуриш учун, яна бойликка нафратини изҳор этиш учун қарздорларини излаб топарди. Сиддхартхани қачонлардир зарар ва омадсизликларни писанд этмайдиган вазминлиги, қарздорларни кутиб турувчи сабри, камбағалларга бўлган саховати тарк этди. У энди ким бўлмасин, ҳеч кимга қарз беришни истамас, кулибгина ўн минглаб ақчаларни ҳавога созурувчи Сиддхартха ҳасис ва майда одамга айланганди. У ҳатто тушларида ҳам тилло тангаларни кўрарди. У ҳар гал бу иллатларни ўзидан улоқтиришга уринаркан, ойнадаги ўз акси унга қаримсиқ ва ёқимсиз кўринар, юраги уят ва аламдан увишар, у яна бу ҳислардан қочиш учун ўйинга бериларди. Яна ўзини жисмоний лаззат ва май билан аврар, яна очкўзлик асирига айланар, яна ҳасислик ва қимор домига тушарди. У олам чархпалагида ёшлиги, куч-қувватини сарф этаркан, ўзини заиф бир хастадек кўрарди.

Кунларнинг бирида у башоратнамо туш кўрди.

Ўша кунни оқшом чоғи у Камала билан бирга унинг серҳашам боғида эди. Улар дарахтларнинг соясида суҳбатлашиб ўтирардилар. Камала ўйчанлик ила сўз бошлади. Унинг сўзларида ҳорғинлик ва ғам яширин эди. У Сиддхартхадан қайта-қайта Говутама ҳақида сўрар, унинг тоза нигоҳлари, пок ва самимий сўзлари, меҳрга тўла табассуми, улуғвор ва вазмин юришлари ҳақида билгиси келарди. Сиддхартха улуғ Будда ҳақида узок гапирди. Камала чуқур хўрсиниб деди:

– Бир кунмас-бир кун, балки тез орада мен ҳам ўша Буддага эргашаман. Мен унга ўз боғимни тортиқ этаман ва муридларидан бирига айланаман!

Аёл шу сўзларни айтаркан, йигитда тийиқсиз бир майл уйғотди ва уни сўнгсиз ишқ ўйинларига чорлади. У аламли ва азобли эхтиросга тўйиб қонар, кўз ёшларию-бўсалари билан беқарор, ўткинчи шодликнинг сўнгги лаззатли

томчисини сиқиб чиқармоқчидек бўларди. Сиддхартха ҳали ҳеч қачон бу қадар мубҳам ва бу қадар аниқлик билан ўлим ва шаҳват шунчалик бири-бирига яқин ҳамда ўхшашлигини билмаганди.

У Камала билан ёнма-ён ётарди. Аёлнинг юзи Сиддхартхага шу қадар яқин эдики, йигит илк бор унинг кўз ости ва лабининг бурчакларида енгил ажинларни илғади. Нозик чизиклар – ажинлар умр кузагининг аччиқ белгилари бўлиб, ўзининг ҳам қирққа етмай сочларига оқ оралаганини билдирарди. Сиддхартха Камаланинг гўзал юзида ҳорғинлик чизгиларини ўқир, бу ҳорғинлик умидсиз, мақсадсиз йўлдош, бу ҳорғинлик сўнишнинг илк излари эди. Бу ҳорғинлик яширин, ҳали айтилмаган, балки ҳали англалмаган ҳавотир бўлиб, куз, кексалик ва ўлим қаршисидаги кўрқув ҳам эди.

У оғир хўрсиниб, Камала билан хайрлашди. Унинг қалби ўкинч ва яширин ҳавотирга тўла эди.

Сиддхартха туннинг қолган қисмини ўз уйида мусиқа, май, раққосалар ила ўтказаркан, кўлидан кетган дабдабаю-ҳашамдорлигини меҳмонларга, савдогарларга кўз-кўз қилишга уринди, тинмай май ичди, фақат тун ярмига оққандагина ўз ётоғига йўл олди. Бироқ унинг кўзларига уйқу келмасди. Унинг руҳи оғриқ ва беҳузурликдан қакшар, оғриқ ва беҳузурлик унга чидаб бўлмас азоб берар, у илиқ, кўнгил айнитгудек майдан ичган, ҳаддан зиёд ёқимли ширакайф мусиқа эшитган, раққослаларнинг ҳаддан зиёд эркаловчи кулгиларинию-ҳаддан зиёд маст этувчи хушбўй сочлари ва кўкракларидан сархуш бўлганди. Бироқ унинг кучли нафрати ўз-ўзидан бўлиб, атир таратаётган сочлари, оғзидан келаётган шароб ҳиди, ўлгудек толиққан танаси – буларнинг ҳаммаси унга жирканч бўлиб кўринарди. Гўё бўкиб еб, ичган киши қайт қилиб енгил тортганидек, Сиддхартха ҳам бу лаззатдан, бу иллатлардан, бемаъни ҳаётдан, ўз-ўзидан батамом ҳалос бўлгиси келарди.

Фақат тонгга яқин Сиддхартханинг кўчасида янги кун шовқин-сурони жонлангандагина унинг кўзи уйқуга кетди. У ярим уйқу ичида борлигини унутди. Шу унутилишнинг оний лаҳзасида, унинг тушига Камаланинг уйида қафасдаги кичик қушча кирди. Недандир ҳар тонг куйловчи бу қушча жимиб қолганмиш. У қафас ёнига келиб унга қаради. Не кўз билан кўрсинки, митти қушча ўлиб ётарди. У қушнинг совуқ жасадини қафасдан олди, бирмунча вақт унга термулди, сўнг дераза ойнасидан кўчага улоқтириб юборди. У шу ондаёқ кўрқувдан музлаб кетди, унинг юраги санчди, оғриди. У гўё шу ўлик қушча билан бирга ўзидаги энг муқаддас, энг қадрдон нарсани улоқтириб юборгандек бўлди.

У титраб кетди ва чуқур изтироб ичра уйғонди. Унинг ҳаёти ўзига беҳуда, бемаъни бўлиб туюлди, унда бирор нарсага арзирли, бирор қадрли, бирор ҳаётбахш ҳис қолмаганди. У кимсасиз ва ёлғиз, гўё тўфонга учраган денгизчидек барбод бўлган ҳаёти қаршисида турарди.

Сиддхартха ғамгин ҳолда тасарруфидаги боғлардан бирига отланди. У боғ эшигини ичкаридан танбалади, манго дарахтининг остига чўкди ва ўз юрагининг ўлим зарбини даҳшат ила эшитди. У кўксида нимадир сўнаётганини, нимадир аста-секин ўлаётганини, нимадир тугаб бораётганини хис қилиб ўтирарди.

Секин-аста унинг хаёли ўзига қайтди. Босиб ўтган ҳаёт йўли унинг кўз олдида гавдаланар, ёдидаги илк кундан то сўнгги кунларигача хотирасида тикланарди. У қачон ўзини бахтли хис этди? Қачон ҳақиқий фаровонликни билди? О, бу ҳол жуда оз бўлган. Узоқ болалик йилларида, у донишмандлар суҳбатида, муқаддас кўшиқларни ёд олишда ёхуд қурбонлик маросимларида барча тенгдошлари орасида зукколиги билан ажралиб турар ва брахманларнинг мақтовига нойил бўларди. Бу вақт унинг юраги “Сенинг тақдиринг юксакларда: сени маъбудлар чорламоқда”, дер эди. Ўсмирлик чоғида унинг барча ўйлари олис осмоний мақсад сари интилганда, бу яккаш интилиш уни оиласидан айириб, ўзига жалб этганда, у азоблар ичра Брахман моҳиятига эришишга уринганда, олинган ҳар бир билим унда янги ташналик уйғотганда, у азоб ва ташналик ичра яна ўша “Олдинга, олдинга! Сени маъбудлар танлаган!” деган овозни эшитарди. У юртини тарк этиб, саманлар ҳаётини танлаганда ҳам, олий зот билан учрашиб, сўнгра уни тарк этганда ҳам, ўзига ноаён тарафларга йўл олганда ҳам, ўша қалбидаги овозга қулоқ солганди. У узоқ вақт бу овозни эшитмади, у узоқ вақт юксакликларга интилмади. Унинг улуғ мақсадларсиз, юксакларга интилмасдан, ташналикни хис этмай, майда шодликларга ўралашиб, ҳаловат топмай узоқ йиллар кечирган умри равон ва қувончсиз эди. Бироқ шу узоқ йиллар у ўзи ҳам сезмай, ўша гўдаксимон одамларга ўхшашга интилиб, уларга қалбан боғланиб қолганди. Аммо унинг ҳаёти уларникидан кўра ғариб ва туссиз эди, чунки у уларнинг қуёнчақлиги ва мақсадларини бирга баҳам кўра олмасди. Унинг учун бу камасвамирларнинг дунёси четда туриб томоша қилинадиган ўйин, комедия, рақс эди. Фақат Камалагина унинг кўнглига йўл топа олар, бироқ у ҳам кеча. Бугун-чи, унга бугун Камала керакми? Камалага у-чи? Ахир улар ниҳоясиз ишқ ўйинини ўйнамадиларми?! Ахир бу яшаш учун зарурат эмасмиди?! Йўқ, бу зарурат эмас эди! Йўқ, бу сансара эди! Бу ўзига қизиқтирувчи болалар ўйини эди! Бу ўйинни бир марта, икки марта, ўн марта ўйнаш мумкин, лекин бир умр ўйнаб бўладими?!

Сиддхартха бу ўйин ниҳояланганини, энди бошқа ўйнай олмаслигини англади. Унинг бадани жимираб кетди, қалбида эса ниманингдир ўлганини хис этди.

У кун бўйи манго дарахти остида отасини, Говиндани, Буддани ўйлаб ўтирди. Наҳотки у ўз яқинларини Камасвами бўлиш учун тарк этди?! У тун чўмганда ҳам шу кўйи ўтирарди. Тунги юлдузларга қараб Сиддхартха шуларни ўйлади.

– Мана, мен ўз боғимда манго дарахти остида ўтирибман.

У астагина жилмайиб қўйди. Наҳотки буларнинг ҳаммаси зарурат бўлса?! Наҳотки бу дарахт, бу боғнинг уники эканлиги аҳмоқона бир ўйин эмас, айна ҳақиқат бўлса?! Ниҳоят, ҳаммаси тугади! Ниҳоят, ҳамма истаклари ўлди!

У ўрнидан турди. Дарахти, боғи билан хайрлашди. У кун бўйи туз тотмаганлигидан қорни очганини ҳис қилди. У шаҳардаги уйини, хобхонасини, тўшагини, таомлар ила тўлдирилган дастурхонини эслади. У ҳорғин жилмайди, бироз жунжикди ва энди унга сира ҳам кераги бўлмайдиган нарсалар билан хайрлашди.

Сиддхартха ўша тунда, ўша ондаёқ ўз боғини, шаҳарни тарк этди ва бу ерларга бошқа ҳеч қачон қайтиб келмади. Камасвамининг хизматкорлари Сиддхартхани қароқчиларнинг қўлида нобуд бўлдимикан, дея узоқ излади. Камала эса ўз хизматкорларини ортиқча уринтирмади. У Сиддхартханинг ғойиб бўлганидан ҳайрон ҳам бўлмади. Ахир у бу айрилиқни ҳамиша кутмаганмиди?! Ахир Сиддхартха беватан жаҳонгашта саман эмасмиди?! У, айниқса, буни сўнгги учрашувда англади ва ўша сўнгги онда ҳам унга шиддат билан интилганини эслаб қувонаркан, унга шу қадар қовушиб, шу қадар сингиб кетганини эслади. Унинг қулоғига Сиддхартханинг ғойиб бўлганлиги хабари етган онда у қафас ёнига келиб, унинг эшигини очди ва кушчани аста олиб, уни самога учуриб юборди. У самода парвоз этаётган кушнинг ортидан узоқ термулиб қолди.

Шу кундан буён у ҳеч кимни ҳузурига қўймади, унинг эшиги меҳмонлар учун бир умрга ёпилди. Орадан кўп ўтмай у Сиддхартхадан хомиладор эканлигини сизди.

Дарё бўйида

Сиддхартха шаҳардан анча олисдаги ўрмонда тентиб юраркан, у энди ортга йўл йўқлигини, ўзи узоқ йиллар яшаб, сўнгги томчиси қолгунча сипқориб, қайт қилгудек даражада тўйган ҳаётнинг батамом тугаганлигидан бошқа нарсани ўйламасди. Тушига кирган сайроқи митти қушча нобуд бўлганди: қалбининг қушчаси нобуд бўлганди! Сансаранинг ўргимчак тўрлари уни маҳкам ўраб олган, иллатлар ва ўлим гўё сувни шимаётган пахтадек унинг руҳини шимиб олганди. Унинг қалби беҳузурликнинг аччиқ аламига, тафаккурининг қашшоқлигига, ўлимга тўла эди. Оламда уни ҳалос этувчи, унга нажот ва шодлик берувчи ҳеч нарса қолмаганди. У нутилишни, ҳаловат топишни, ўлишни жон деб истарди. Қани эди, шу онда чакмоқ чақиб уни маҳв этса! Қани эди, бирдан йўлбарс чиқиб, уни бурда-бурда этса! Қани эди, бирор шаробми, захарми бўлсаю, азобларни унуттириб, сархуш этса, ҳеч қачон уйғонмас уйқуга чўмдирса! Оламда у ботмаган балчиқ қолдимиди?! У қилмаган бирор гуноҳ, бирор телбалик қолдимиди?! Унинг руҳи азобланмаган бирор уқубат бормиди?! У яна аввалгидек яшашда давом этадимиди?! Аввалгидек ҳавони тўлдириб нафас ола биладимиди?! Аввалгидек очқаб, аввалгидек қорин тўйдирадими, аввалгидек ухлаб, аввалгидек хотинлар билан ётадимиди?! Ахир

бу олам чархпалаги ортда қолмадими?! Ахир буларнинг бари батамом тугамадими?!

Сиддхартханинг йўлини дарё тўсди. Бу кенг ўрмон дарёси бўлиб, ундан Сиддхартха қачонлардир йигитлик чоғида Говутама билан видолашгач, қайиқчининг бамбукдан ясалган қайиғида сузиб ўтганди. Мана, ўша дарё яна унинг қаршисидан чиқди. У журъатсизгина қирғоқ бўйига борди. Ҳорғинлик ва очлик уни толиқтирганди. Дарёни кесиб ўтиб нима ҳам қиларди?! Қай мақсадда, қаерга ҳам борарди?! Йўқ, унинг, чиндан ҳам, ҳеч қандай мақсади йўқ эди. Йўқ, унда, чиндан ҳам, шу ярамас тушдан халос бўлиш, шу айниган шароб қолдиғидан қутилиш, чиркин, тубан, жирканч бир мавжудотни йўқ қилишдан бўлак улуғ нияти йўқ эди...

Қирғоқ бўйида шохларини сувга эгиб какос дарахти ўсиб турарди. Сиддхартха дарахт шохига эгилиб, уни қўллари билан маҳкам ушлади ва остидаги ўз-ўзича тиним билмай оқаётган мовий дарёга қаради. У дарёга боқаркан, шохни қўйиб юбориб, шу дарёда мангу йўқ бўлиб кетишни ўйлади. Оёқлари остида машъум бир бўшлиқ уни қаршилаётгандек туюлар, қалбида эса бундан-да ваҳимали бўшлиқ ҳайқирарди. Ҳа, бу – сўнгги нуқта эди. Унинг ғойиб бўлишдан, йўқлик қаърига сингишдан, ўзининг бу ҳаётдан маъни топмаган тасқара қиёфасини мажақлаш, қаҳқаҳа ураётган маъбудлар оёғининг остига улоқтиришдан бошқа чораси йўқ эди. Шу лаънати қиёфани йўқ қилиш, ўлдириш – бу унинг энг буюк истаги эди! Майли, Сиддхартха номли бу итваччани, бу телбани, бу нопок танани, бу хароб бўлган ва таҳқирланган руҳни балиқлар, тимсоҳлар есин, иблислар бурда-бурда қилсин!

У бир зум оғриқдан бурушиб кетган юзи билан сувдаги ўз аксидан кўз узмади ва унга туфлади. Ниҳоят, толиққан қўллари дарахт шохини аста қўйиб юбормоққа урунди. Тезроқ ўлим топиш қасдида, сувга тикка тушиш учун қадини ростлади. У кўзларини юмиб, ўлим сари юзланди. Бирдан унинг қалбининг олис учмоқларидан, кексайган умрининг аллақандай олис, бегона ҳудудларидан унга бир овоз келди. Хира бўғиқ товушда айтилган бир сўз келди. Сўзки, барча брахман ибодатларининг аввали ва охири. Сўзки, мутлақлик ёхуд ниҳояланганлик маънисини англаувчи калом. Бу калом муқаддас Аум эди. Бу сўз унинг қулоғига етган лаҳзадаёқ унинг сўнаётган идроки ўзига қайтди ва у жуда аҳмоқона иш кўраётганини англади. Уни даҳшат чулғади. Ҳа, аҳволи, чиндан ҳам, оғир эди. Мана, у йўлдан адашиб қаерларга кетди, ўз ҳақиқатларини қандай бой берди! Ҳозиргина у ўлимни истарди. Бу болаларча истак, ўз жисмини, ўз борлигини йўқ қилиш истаги унинг ақлини хиралаштирди. Беҳуда деб билган фаровон йиллари, нафрати, умидсизликлари унинг ақлига муқаддас Аум келган шу оний фурсатни келтирди. Сиддхартхага ўз ғариб, мажруҳлигининг тубсиз чоҳлари, ўз йўлининг хатоликлари кўринди.

– Аум... – деб пичирлади у. – Аум...

Шунда унинг ёдига ҳаётнинг сўнмаслиги, хотиротнинг илоҳийлиги тушди. Бироқ булар гўё чакмоқ каби бир оний лаҳза эди.

Сиддхартха какос дарахтининг остига чўкди, бошини дарахт илдизига кўйиб, чуқур уйқуга кетди.

У тиниқиб ухларди. У ҳеч қандай туш кўрмай тиниқиб ухларди. У анчадан буён бундай мириқиб ухламаганди. Орадан бир неча соат ўтгач унга гўё ўн йиллар ўтиб кетгандек туюлди. У дарёнинг шилдирашини эшитиб ётаркан, не сабабдан бу ерга келиб қолганини эшлашга уринди. Ниҳоят, кўзини очиб, тепасидаги осмон ва дарахтларга хайрат ила боқаркан, ўтмиш гўё парда янглиғ кўтарилиб, олисларга кетганини, ниҳоятда олис, ниҳоятда зерикарли, ниҳоятда бегона тарафларга кетганини ҳис этди. У аввалги ҳаётини тарк этганинигина эсларди. (Дастлаб уйғонгандаёқ унга олдинги ҳаёти туғилишдан аввалги узоқ ҳодиса бўлиб туюлди). У руҳан мажруҳлигини англаб, бундан жирканиб, ҳаётдан воз кечмоқчи бўлганини, бирдан шу дарё бўйидаги какос дарахтининг шохига осилиб, муқаддас Аумни айтиб ўзига келганини, сўнгра уйқуга кетганини эслади. Мана, у уйғониб, дунёни яна янги туғилган инсоннинг кўзлари билан кўрарди. У уйқуга кетганда пичирлаб айтган Аум каломи худди бениҳоя уйқу ичра, фикрни бир жойга жамлаб, Аум дегандек, мутлақ ва сўзсиз Аумнинг моҳиятига сингиб унга қўшилиб кетгандек бўлиб кўринди.

О, бу қандай роҳатбахш туш эди. Ҳали ҳеч қандай туш уни бу қадар поклаб, янгилаб, ёшартирмаганди. Балки, у чиндан ҳам ўлиб, янги шакл касб этгандир. Йўқ, ундай эмас! Унга бу қўл, бу оёқлар, ётган ўрни, ўз вужуди, бу қайсар ва телбанамо Сиддхартха яхши таниш эди. Лекин бу Сиддхартха қайтадан туғилгандек ёшарганди, бағоят қувноқ, бағоят қизиқувчан кишига айланганди.

Сиддхартха ўрnidан турди. Унинг кўзи бирдан қаршисида ўтирган нотаниш кишига тушди. Нотаниш киши сочи қириб олинган, руҳонийларнинг сариқ либосида бўлиб, донишмандлардек ўйга толиб жим ўтирарди. Сиддхартха соч-соқоли қирилган руҳонийга тикилиб қаради. Бироқ бу руҳоний либосидаги кишига узоқ термулишга ҳожат қолмади. Сиддхартха улуғ устоз Будданинг даргоҳидан паноҳ топган, болаликдаги дўсти Говиндани таниди. Говинда ҳам кексайганди. Лекин унинг юзидаги аввалги тиришқоқлик, садоқат, мулойимлик, ўйчанлик ҳамон сақланиб қолганди. Говинда ўзига қадалган кўзларни сезиб бошини кўтарди ва Сиддхартхага қаради. Сиддхартха эса Говинда уни танимаганлигини англади. Говинда унинг уйғонганлигидан севинди. У нотаниш кишининг уйғонишини кутиб узоқ вақт ўтирганлиги кўриниб турарди.

– Ухлаб қолибман,– деди Сиддхартха. – Сен бу ерга қаердан келиб қолдинг?

– Сен ухлаётгандинг, – жавоб қайтарди Говинда. – Илонлар ва йиртқич хайвонлар бўладиган жойда ухлаш хатарлидир. Мен, соҳиб, Шакия-муни қабиласининг олий устози улуғ Будданинг сомеълариданман. Бир неча биродарларим билан бу ердан ўтиб кетаётган эдим. Бирдан хавfli жойда ухлаб ётганингни кўриб қолдим. Мен сени уйғотишга уриниб кўрдим, соҳиб, бироқ сен жуда қаттиқ ухлаётгандинг. Биродарларим олдинлаб кетди. Мен эса сени кўриқлаб қолдим, аммо сени кўриқлайман, деб ўзимнинг ҳам кўзим уйқуга кетибди. Бурчимни тўла бажара олмадим. Чарчаб қолибман, шекилли. Мана, сен уйқудан уйғондинг. Энди ижозат берсанг, мен борай, чунки биродарларимга етиб олмоғим керак.

– Мени кўриқлаб ўтирганинг учун сенга раҳмат айтаман, саман! – деди Сиддхартха. – Сиз Говутаманинг шогирдлари жуда меҳрибон кишиларсиз. Албатта, шошилмоғинг керак.

– Мен кетяпман, соҳиб. Соҳиб доим омонликда бўлсин!

– Сендан миннатдорман, саман!

Говинда у билан қўл силкиб хайрлашаркан, яхши қол, деди.

– Яхши қол, Говинда! – деди Сиддхартха.

Руҳоний тўхтади.

– Рухсат этгайсан, соҳиб, менинг исмимни қаердан биласан?

Сиддхартха кулди.

– Мен исмингни анчадан буён биламан. Отангинг кулбаси, биз борган брахманлар мактаби қурбонгоҳларда қурбонлик қилганда ҳам, саманлар билан бирга яшаганимизда ҳам, Жатавана ўрмонида улуғ Будданинг даргоҳидан паноҳ топган вақтларда ҳам мен бу исмни фаромуш этмаганман.

– Сен Сиддхартхасан! – қичқирди Говинда. – Ҳа, танидим. Нега сени дарров танимадим-а?! Сенга саломлар бўлсин, Сиддхартха! Кўришганимиздан бошим осмонга етди!

– Мен ҳам сен билан яна кўришганимиздан хурсандман! Гарчи эҳтиёжманд бўлмасам-да, сен менинг оромимни кўрдинг. Сенга яна бир бор раҳмат айтаман. Сир бўлмаса, қаерга йўл олдинг, о дўстим?

– Ҳеч қаерга! Биз руҳонийлар ҳамиша йўлдамиз. Ёмғирлар мавсуми келмагунча шаҳарлардан шаҳарларга, қишлоқлардан қишлоқларга юриб, тартиб бўйича ҳаёт кечирамиз, илм тарқатамиз, назру-ниёзлар сўраймиз, яна олисларга йўл оламиз. Умримиз шу тарзда ўтади. Бироқ, Сиддхартха, сен қаёққа йўл олдинг?

Сиддхартха жавоб берди:

– Мен ҳам, айтганингдек, ҳеч қайққа отланганим йўқ. Шунчаки бир йўловчиман. Шунчаки бир жаҳонгаштаман...

Говинда сўз қотди:

– Сен жаҳонгаштаман, десанг, мен бунга ишонаман. Бироқ, о Сиддхартха, густоҳлигим учун мени кечир, сен жаҳонгаштага ўхшамайсан. Бадавлат кишилардек кийиниб олгансан, чўнтагинг ҳам пулга тўла. Атир ифорини таратаётган сочларинг ҳам жаҳонгашталиқ қилаётган саманнинг сочларига ўхшамайди.

– Ҳа, қадрдоним, ҳаммаси худди сен айтгандек. Зийрак нигоҳингдан ҳеч нарса четда қолмабди. Бироқ мен сенга саманман демадим. Мен жаҳонгашталиқ қилипман дедим ва бу ҳақиқатдан ҳам шундай.

– Майли, жаҳонгашта экансан, – маъқуллади Говинда. – Бироқ ҳамма бундай жаҳонгашта эмас-да. Ҳамма бундай кийимда, бошмоқларда, бундай кўринишда юрт кезмайди-да. Узоқ йиллар юрт кезиб ҳали бундай йўловчини кўрмагаман.

– Сенга ишонаман, о менинг Говиндам. Бироқ мана бугун шундай кийимда, шундай бошмоқ кийган йўловчини учратдинг. Бироқ, унутма, азизим, бу оламга келувчи ҳамма нарса: бизнинг сочларимиз ҳам, кийимларимиз ҳам ўзгарувчан шаклдир. Сен тўғри айтдинг. Мен давлатманд одамларнинг кийимини кийиб олганман. Чунки мен, дарҳақиқат, бадавлат эдим. Тўғри, сочларим ҳам мазахўрак бойларнинг урфига солинган. Чунки мен, чиндан ҳам, ўшалардан бири эдим.

– Ҳозир-чи, ҳозир сен кимсан, Сиддхартха?

– Мен буни билмайман. Худди сен каби бундан менинг хабарим йўқ. Мен ҳозир йўлдаман. Кеча мен бадавлат киши эдим, эртага ким бўлишимни билмайман.

– Сен мол-давлатингни бой бердингми?

– Ҳа, мен уни бой бердим. Балки, у мени бой бергандир. Хуллас, биз бир-биримиздан халос бўлдик. Олам чархпалаги жуда тез айланади, Говинда. Брахман Сиддхартха қани? Зоҳид Сиддхартха қани? Бадавлат Ситхатха қани? Вақт ҳукмидаги ҳамма нарса ўзгарувчандир. О Говинда, буни яхши биласан-ку!

Говинда шубҳа ила болаликдаги дўстининг кўзларига узоқ тикилиб турди. Ниҳоят, у нуфузли кишиларга кўрсатиладиган тавозеъ ила эҳтиром билан таъзим қилди-да, жимгина хайрлашиб, ўз йўлида давом этди.

Сиддхартха лабларида табассум билан унинг ортидан кузатиб қолди. У ҳамон Говинданинг мулойим ва итоаткор қалбини севарди. Муқаддас калом Аумга тўла мўъжизакор тушдан сўнг шу онда, шу бетакрор лаҳзада у

кимнидир ёхуд ниманидир севмаслиги мумкин эмасди. Аум калимасининг оқибатида кўрган тушининг мўъжизаси ҳам шунда эди. У кўзига кўринган ҳамма нарсани севар, қалби муҳаббат қувончига тўла эди. Унга фориг бўлган хасталигининг сабаби ҳам шунда кўриндики, у авваллари ҳеч кимни, ҳеч нарсани севмасди. Сиддхартха лабларида табассум билан кетаётган руҳонийнинг ортидан қараб турарди.

Уйқу унга тетиклик бахш этганди, фақатгина очлик ҳисси унга тинчлик бермас, чунки уч кундан буён туз тотмаганди. Авваллари очликка бардош берган пайтлари эса аллақачонлар ўтиб кетганди. У лабида кулги, кўкси эса ҳасратга тўлиб, хотирот оламига чўмди. Қачонлардир у Камалага уч нарса ҳақида, учта қудратли ва улуғ донишмандлик ҳақида мақтанарди. Булар рўза, сабр ва тафаккур эди. Мана шулар унинг бойлиги, кучи, ҳукмронлиги, фаровонликлардан бутунлай холи, метиндек ёшлик йилларининг умидбахш таянчи эди. У саманлардан шу уч донишмандликдан бошқа ҳеч нарсани ўрганмаганди. Эндиликда уни шу уч фазилат ҳам тарк этган, уларнинг бирортаси: на очликни енгиш, на сабр, на тафаккур этиш фазилати унда қолмаганди. У уларни дунёдаги энг тубан, ўткинчи нарсаларга, ҳиссий лаззатларга, дунёвий фаровонликка, мол-дунё эвазига алишганди. Такдир гўё унга қалтис ҳазил қилганди. Энди эса у чиндан ҳам гўдаксимон одамлардан бирига айланганди.

Сиддхартха ўз аҳволияти ҳақида бош қотирарди, бу иш унга оғир келар, зотан у ўйлашни истамас, бироқ бунга ўзини мажбур этарди.

– На чора, – ўйларди у, – вақт ҳукмидаги ўткинчи бу нарсалар кўлимдан кетаркан, мен яна аввалгидек болалигимда шу қуёш остида, шу замин устида қандай турган бўлсам, шундайлигимча қолдим. Мен бу оламдаги ҳеч нарсани меники, ўзимники деб айтолмайман, мен жуда ожизман, кўлимдан ҳеч иш келмайди, ҳеч нарсага уқувим йўқ. Ажабо! Йигитлигим ортда қолган, сочимга оқ оралаган, белимдан қувват кетган бир вақтда ҳаммасини яна қайтадан бошласам. Яна қайтадан болага айлансам...

У негадир қувониб кетди. Ҳа, начора, унинг чекига шундай қисмат тушган экан. Унинг ишлари ўнгидан келмаган, такдир йўли пастга қараб оғган, мана, у аввалгидек ҳеч вақосиз, гўл, аҳмоқ эди. Бироқ ғамгин эмасди, аксинча, кулгиси қистар, ўз-ўзидан, бу бемаъни дунё ишларидан қаҳ-қаҳ уриб кулгиси келарди.

– Ишларинг чаток, – деди у ўзига-ўзи. – Умр йўлинг пастга қараб кетмоқда.

У қувноқлик билан кулди. У шу сўзларни айтаркан, дарёга қаради. Дарё ҳам пастга қараб интилар, у ҳамиша пастга оқарди ва бундан тўлиб-тошиб бахтиёр шовулларди. Бу Сиддхартхани севинтирди ва у дарёга жилмайиб қараб қолди. Наҳотки, бу қачонлардир – бундан юз йилча олдин у чўкиб ўлишни истаган ўша дарё бўлса, балки бу унинг тушида бўлгандир?!

– Дарҳақиқат, ҳаёт жуда ғаройиб, – кўнглидан ўтказди у. – Ҳа, тақдир менга атаган айланма йўллар жуда ғалати. Болалигимда фақат маъбудлару-қурбонликлар билан машғул бўлдим. Ўсмирлигимда риёзат, тафаккур, зикр ила банд бўлдим, Браҳманни изладим, Атманга эътиқод қилдим. Вояга етганимда эса тавба қилган гуноҳкорлар изидан кетдим, ўрмонда яшаб, жазирамага, совуққа чидамли бўлишни, очликни енгишни, танамнинг истакларини ўлдиришни ўргандим. Сўнгра менга улуғ Будданинг таълимотида ҳақиқат оламининг бир бутунлиги мўъжизадек ошкор бўлди. Назаримда, у менинг жисмимга кириб, томирларимда қон каби оқарди. Аммо улуғ Будда билан ҳам, унинг олий ҳақиқати билан ҳам айрилмоғим шарт эди. Мен уни бошқа кўп нарсаларни ўрганиш мақсадида тарк этдим, мен Камаладан муҳаббатни ўргандим, Камасваמידан савдогарликни касб этдим, мол-дунё тўпладим, уни сарф этдим. Қурсоғимни тўйдиришни, хисларимга эрк беришни ўргандим. Кўп йиллар мен ақлдан фориғ бўлиш, тафаккур этмаслик, ягоналикни унутиш билан банд бўлдим. Ахир менинг аста-секин айланма йўллар билан ортга қайтганим, эр кишидан болага, донишманддан аҳмоқ бир гўдакка айланганим тўғри эмасми? Мен учун барибир бу йўл ёқимли, чунки ҳали кўксимдаги ўша сайроқи қушим ўлгани йўқ. О, қанчалик оғир йўл эди бу йўл. Мен бу йўлдан қанча адашишлар, қанча янглишишлар, қанча қусурлар, қанча жирканчликлар, ёлғонлар ва қийноқлар билан ўтдим. Буларнинг ҳаммаси яна гўдакка айланиб, яна бошидан бошлашим учун экан-да. Бироқ қалбим менга “Шундай бўлиши керак эди!” деб айтмоқда, кўзларимдаги севинч ҳам шуни кўрсатмоқда. Мен ўз раҳм-шафқатимни топиш учун, яна Аум каломини эшитиш учун, яна ҳаловат билан ухлаб, ҳаловат ила уйғониш учун умидсизликнинг аламли азобини тотишим, энг тубан ҳаёл: ўз-ўзимни ўлдириш ҳаёлига бормоғим керак эди. Мен ўзимда қайтадан Атманни топмоғим учун нокас бўлмоғим шарт эди. Мен қайтадан покланиш учун гуноҳкор бўлмоғим керак эди. Худди қуёнга ўхшаш тутқич бермас бу йўл, бу аҳмоқона йўл мени яна қаерларга бошларкин?! Балки, у мени яна айланма йўллардан олиб ўтар. Майли, қаердан олиб ўтса ўтсин, мен бунга тайёрман!

У кўксига ўйноқи бир шодлик ўрмалаётганини ҳис этди.

Сиддхартха ўз қалбидан бу севинч, бу шодлик қаердан пайдо бўлди дея сўрарди.

Балки, бунинг сабаби менга шу қадар ором берган ҳаётбахш уйқудир ёхуд Аум калимасидир?! Балки, бу уқубатлардан қочиб, яна аввалгидек, болаликдагидек, шу осмон остида эркин нафас олаётганимдир?! О, ҳалос бўлиш, яна озодликка эришиш нақадар ёқимли! Бу ернинг ҳавоси нақадар мусаффо, нафас олиш нақадар енгил! Мен ортга қарамай қочган еримда эса атир, май, зираворларнинг ҳиди, сархушлик ва эринчоқликнинг иси анқирди. Нақадар жирканч эди бу молпарастлар, исрофгарлар, қиморбозлар олами! Нақадар жирканч менинг бу даҳшатли оламда узоқ вақт фаҳшга ботиб ётишим! Мен ўзимни қанчалар хўрладим, азобладим, таҳқирладим, талон-

тарож этдим, қанчалар кексайдим, нақадар ёвузлашдим! Йўқ! Мен бундан буён зинҳор Сиддхартхани ўзини аввалгидек донишманд деб ўйлашига йўл қўймайман! Аммо-лекин у ҳозир ақлли иш қилди, ҳозир у менинг кўзимга авлиёдек кўринди, ҳозир у мақтовга лойиқ. Чунки у ўзидаги ёвузликни маҳв этди! Бу телбанамо, хувиллаган, туссиз, бемаъни ҳаётга нуқта қўйди! Яшавор, о Сиддхартха! Шунча йилдан буён жоҳил эдинг, мана, оқибат яна ақлинг кирди. Сен донолик қилиб кўксингдаги сайроқи қушга қулоқ солдинг ва шу овоз сари қадам қўйдинг!

У шу зайил ўз-ўзига тасанно айтди, ўз-ўзидан қувонди, очликдан норози бўлиб кулдираётган қурсоғига кулиб қулоқ солди. У сўнгги йилларда, сўнгги кунларда қисматига тушган ўша қийноқларни, ўша уқубатларни ҳис этди, уларнинг таъмини, мазасини тотди, тўла бошидан кечирди ва қайт қилгунча, жонидан тўйдиргунча, ўлдиргунча беҳузур қилган сарҳушликни, чиркинликни ўзидан улоқтирди. Чунки бу зарурат эди. У очкўзлардек пулни ямлаб, пулни ҳавога совуриб, катта қурсоғини тўйдириб, руҳини эса азоблаб, Камасвамининг ёнида узоқ қолиши мумкин эди. У узоқ вақт жаҳаннамий парку болишлар ва юмшоқ гиламлар орасида яшайверарди, агар ўша умидсизлик, чорасизлик лаҳзалари келмаганда. Агар ўша тезоб дарё соҳилида дарахтга осилиб, ўз-ўзини ўлдириш онлари бўлмаганда эди, у аввалги ҳаётида яшайверарди. У бу умидсизликларни, бу жирканчликларни туб-тубигача ҳис этди, аммо уларнинг чирик уфунатида ҳалок бўлмади. Кўксидаги митти қушча, қалбидаги нурли чашма, бу ҳаётбахш овоз ўлмай қолганди. У ҳамон тирик эди! Мана шунинг учун у севинач, кулгисининг, қувончининг сабаби ҳам шунда, сочиға оқ оралаган юзидаги нуронийликнинг боиси ҳам шу эди.

– Билишим керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзим ҳис этганим яхши бўлди, – дея ўйларди у. – Мен мол-дунё, бойлик ёвузликнинг уруғи эканлигини болалигимдаёқ билардим, бироқ буни эндигина ҳис этдим. Мен буларни энди чиндан ақл билан эмас, кўзларим, юрагим, нафсим билан биламан. Сиддхартха, буларни билишга қодир бўлганинг учун мамнун бўл!

У ўзининг эврилишлари ҳақида ўйларкан, кўксида шодон сайраётган қушчанинг овозини эшитарди. Ахир қачонлардир шу қушча унинг қалбида ўлмаганмиди? Зотан Сиддхартха кунларнинг бирида унинг ўлимини ҳис этмаганмиди? Йўқ, бу аввалдан ўлимга маҳкум бўлган бошқа бир нарса эди. Балки, бу жўшқин зоҳидлик йилларида унинг ўзи ўлдирмоқчи бўлган нафсидир? Балки, бу ҳамиша ўзидан ғолиб келган, узоқ йиллар енгишга интилган, ҳар қанча риёзатдан сўнг ҳам ўзининг борлигини билдирган, унинг қаршисида кўрқиб, шодликни ҳис этмаган, заиф, лекин жуда мағрур унинг Менлиги, нафсидир? Балки, шу нафс бугун бу ўрмонда, бу азим дарё бўйида ўлим топгандир? Балки шу ўлим туфайли бугун у яна гўдакдек ишончга, севиначга тўлиб, кўрқувни ҳис этмаётгандир?

Шунда Сиддхартхага нега у брахман, зоҳид бўлиб нафсни енголмагани аён бўлди. Ҳаддан зиёда билим, ҳаддан зиёда илоҳий кўшиқлар, қурбонлик маросимларининг ҳаддан зиёд кўп қоидалари, зуҳд ва тақвонинг, жидду-жаҳднинг ҳаддан зиёдлиги унинг мақсадга етишига имкон бермаган. У ҳамиша такаббур, ҳаммадан ақлли, ҳаммадан тиришқоқ, ҳаммадан бир қадам олдинда, ҳамиша ҳозиржавоб, ҳамиша руҳни поклаш билан банд, ҳамиша қоҳин, ҳамиша олим эди. Бу олимлик, бу мағрурлик унинг нафсини қондирган, унинг нафси бу ниқобларга ўралиб, у рўза ва тавба ила машғул бўлган чоғларда нафси ҳам улғайиб борганди.

У энди бу ҳақиқатни англади, у унинг қалб овози ҳақ бўлганини англади. Дунёдаги ҳеч бир муаллим уни бу нафсдан фориғ эта олмасди. Шунинг учун у дунё ишларига шўнғиб, лаззатларга, ҳукмфармонликка, аёлларга, бойликка ружў қўйди. Нафсидаги мағрур қоҳин ва саман ўлмагунча савдогар, қиморбоз, майпараст, исрофгар бўлди. Шунинг учун у даҳшатли йилларнинг чиркин, бад бўйларига, совуқ туркига дош бермоғи, ўзининг мажруҳ ҳаётининг қовжираган, қашшоқликларига, жирканчликларига тоқат қилмоғи, то умидсизликнинг аччиқ шаробини тотмагунча, то ишратпараст ва такаббур Сиддхартханинг ўлим соати етмагунча бу қийноқларни бошидан кечирмоғи керак эди. Ниҳоят, у ўлди. Унинг ўрнига азим дарё соҳилида янги Сиддхартха дунёга келди. Унинг қисматида барча ўткинчи нарсалар каби кексайиш, яна бир бор ўлиш бор эди. Бироқ бу янги Сиддхартха бугун ёш эди. Бугун у мисоли гўдакдек шодликка тўла эди.

Курсоғининг безовта қулдирашига бепарво кулиб қўяркан, у асалариларнинг визиллашини ҳузур ила тинглаб, шуларни ўйлаб ўтирарди. У ёнидан шошиб оқиб ўтаётган сувга қувониб термуларкан, ҳеч бир дарё унга бунчалик ёқимли бўлмаганини ҳис этарди. Оқиб кетаётган бу афсонавий дарё унга ҳеч қачон бу каби улуғвор ва гўзал бўлиб кўринмаганди. Дарё унга гўё у ҳали билмаган, лекин билиши керак бўлган жуда муҳим нарсани айтмоқчидек туюларди. У бу дарёга сингиб кетишни истади. Бугун бу дарёда кексайган, умидсиз, ҳорғин Сиддхартха ҳалок бўлди, ҳозиргина туғилган Сиддхартха эса тинимсиз ўйноқлаб оқаётган тўлқинларни севиб қолганди ва улардан айрилишни сира истамасди.

Қайиқчи

– Мен бу дарё соҳилида қоламан, – дея ўйларди Сиддхартха. – Мен қачонлардир шу дарёни кесиб ўтиб, гўдаксимон одамларнинг ҳаётига йўл олгандим. Ўшанда мени саховатгўй қайиқчи соҳилга олиб ўтиб қўйганди. Мен унинг ёнига бораман. Қачонлардир янги ҳаётга ташланган менинг илк қадамим унинг кулбасидан бошланганди, эндиликда бу ҳаёт кексайиб тамом бўлгач, бошланажак бу янги йўлим ҳам шу кулбадан бўлақолсин. У дарёга меҳр ила боқар, унинг шаффоф зангори тубига термулар, сувнинг биллур жарангини, унинг сирли мусиқасини тингларди. У сув тубидан маржондек ўйноқлаб чиқаётган пуфакчаларни, уларнинг мовий осмон нурида

жилваланиб товланганини кўрди. Дарё унга минглаб мовий, зангори, оқ, шаффоф нигоҳларда қараб турарди. У бу дарёни қанчалар севарди, дарё унинг нигоҳларида товланарди, у бу дарёдан шунчалар миннатдор эди. У қалбида анчадан буён эшитилмаган ўша овозни эшитди. Овоз унга: “Шу дарёни сев! Ундан айрилма! Ундан ўртак ол!” – дер эди. Ҳа, у бу дарёдан ўрганади, унга қулоқ солади. Кимки шу дарёни тушунса, унинг асрорига етса, у кўп нарсаларни билади, кўп сирларни, барча сирларни кашф этади, – дея ўйларди у. Бироқ бугун дарё унинг руҳига ҳайрат солиб, ўзининг кўпгина сирларидан фақат биринигина ошкор этди. Дарё тиним билмай оққани оққан, бироқ ҳеч қачон ўз ўзанини ташлаб кетмас, ҳамиша, ҳар қачон шундай ўзгача ва ани пайтда янги эди. О, бу сирни ким ҳам тушунарди, ким ҳам англаб етарди! Сиддхартха бунга қодир эмасди. Унда фақат бир ҳис уйғониб, хотиротининг олис бурчакларидан илоҳий садонинг жаранги эшитилди, холос.

Сиддхартха ўрнидан турди. Ундаги очлик хисси чидаб бўлмас даражада исён қиларди. У хислар ва ўйлар оғушида, сувнинг шовуллашию-курсоғининг исёнига қулоқ солиб бораркан, оқимга қарши соҳил бўйлаб, дарёнинг бошига олиб борадиган йўлакдан юриб кетди.

У дарё бошига етиб, қирғоқда турган қайиққа кўзи тушди. Қайиқдаги киши қачонлардир ёш саманни дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиб қўйган ўша қайиқчи эди. Қайиқчининг жуда кексайиб қолганига қарамай, Сиддхартха уни дарҳол таниди. Сиддхартха қайиқчидан:

– Мени дарёнинг у соҳилига олиб ўтиб қўя оласанми? – деб сўради. Қайиқчи шундай давлатманд кишининг ёлғиз пиёда сайр қилиб юрганлигидан ажабланиб, уни қайиққа таклиф этди ва эшкаги билан қирғоқни ниқтади.

– Сен ўзингга жуда яхши ҳаёт танлагансан, – дея гап бошлади Сиддхартха. – Дарёнинг ёнида яшаш, ҳар куни уни кўриш, унда чўмилиш жуда мароқли бўлса керак?

Қайиқни чабдастлик билан бошқараётган қайиқчи кулиб жавоб берди:

– Ҳа, соҳиб, ҳаммаси худди сен айтгандек жуда мароқли. Ахир бошқаларнинг ҳаёти, бошқаларнинг касби-кори ҳам шундай мароқли-ку?

– Балки, сен ҳақдирсан, бироқ менга сенинг ҳаётинг, сенинг ҳунаринг ёқади.

– Бу иш тезда сенинг жонингга тегарди. Бу иш башанг кийинган кишилар учун эмас.

Сиддхартха кулди.

– Сен бугун менинг қимматбаҳо кўйлагимдан хайратланган ва шубҳаланган биринчи одамман. Қадрдоним, менга даҳмаза бўлган шу кийимни совға ўрнида оласанми? Чунки сенга берадиган ҳеч вақоим йўқ...

– Соҳиб ҳазиллашяпти, – деди қайиқчи кулиб.

– Мен сира ҳазиллашаётганим йўқ, биродар. Сен қачонлардир мени эвазига ҳақ талаб қилмай қайиғингда қирғоққа элтиб кўйгандинг. Бугун ҳам менга бир саховат қилиб шу кўйлакни ол.

– Балки, соҳиб ялонғоч ҳолда сайр этмоқчидир?

– Ростини айтсам, ҳеч қаёққа боргим ҳам, сайр қилгим ҳам келмаяпти.

– Бажонидил!

– Биродарим қайиқчи, менга бир эски уст-бош берсанг бўлгани. Яна сен билан қолишимга, сенга ёрдамчи, тўғрироғи, шогирд бўлишга рухсат этсанг. Чунки мен аввал қайиқни тўғри бошқаришни ўрганмоқчиман.

Қайиқчи бу бадавлат кишининг юзига унинг сўзларидан бирор яширин маънони англаш учунми ёхуд ниманидир эслашга уринибми, узоқ тикилиб қолди.

– Ҳа, сени энди танидим, – деди ниҳоят у. – Сен қачонлардир, бундан йигирма йил бурунми, менинг кулбамда тунагандинг. Сўнгра мен сени соҳилга олиб ўтгандим ва биз бир-биримиз билан дўстларча хайрашгандик. Ахир ўша пайтларда сен саманмасмидинг? Ҳатто сенинг исмингни ҳам билмайман.

– Менинг исмим Сиддхартха. Ҳа, биз кўришган пайтларда мен саман эдим.

– Шундай қилиб, хуш келибсан, Сиддхартха! Менинг исмим Васудева. Ўйлайманки, сен бугун менинг меҳмоним бўлиб, кулбамда тунаб қолсан ва бу қимматбаҳо кўйлагинг нима учун сенга ортиқча бўлиб қолганини айтиб берсан.

Улар дарёнинг ўртасигача сузиб боришди, Васудева оқимга қарши енг шимариб эшкак эшишга зўр берарди. У ўз ишини хотиржам бажарар, бақувват қўллари эшкак дастасини маҳкам тутган, нигоҳлари эса олдинга – қайиқнинг тумшуғига қараганди. Сиддхартха қайиқда ўтириб уни кузатаркан, қачонлардир зоҳидлик кунларининг сўнгги онларида бу инсонга нисбатан қалбининг туб-тубида муҳаббат уйғонганини эслади. У Васудеванинг таклифини бажонидил қабул этди.

Сиддхартха улар қирғоққа етиб келгач, Васудевага қайиқни қирғоқдаги ёғоч қозикчага боғлашга ёрдам берди. Сўнгра мезбон меҳмонни кулбасига таклиф этиб, уни нон, сув билан меҳмон қилди. Сиддхартха Васудева

келтирган манго меваларини иштаха билан тановвул қилди. Кунботар чоғи улар дарё бўйидаги супачада дам олиб ўтиришди. Шунда Сиддхартха қайиқчига ўзининг оиласи, ўтмиш ҳаётини гапириб берди. У бўлиб ўтган воқеаларни ўша машъум умидсиз онларида қандай тасаввур этган бўлса, шу тарзда айтиб берарди. Унинг ҳикояси тун ярмигача давом этди. Васудева уни камоли диққат ила тингларди. У Сиддхартханинг ота уйи, юрти, болалиги, ёшлиги, қувончи, қайғулари, тинимсиз машғулотию-изланишларининг мағзини чақар, гўё эшитганларининг руҳига сингиб борарди. У энг олийжаноб қайиқчи бўлиб, кўпчилик бажара олмайдиган иш – тинглашни биларди. Гарчанд Васудева бирор сўз айтмаса ҳам, суҳбатдоши унинг сўзларни жим, диққат, сабр, мулойимлик ила бирор сўзни қолдирмай тинглаётганини, қалбига жойлаётганини, кишини маломат қилмай, мақтамай, унга шунчаки қулоқ солаётганлигини биларди. Сиддхартха ўз ҳаётини, хаёлларини, хавотирларини, дардларини шундай суҳбатдошга тўкиб солиш нечоғлик бахтлигини ҳис этди. Сиддхартханинг ҳикояси ниҳоялаб, у дарё бўйидаги воқеаларни, рухий тубанликларини, муқаддас Аум каломини, уйқудан уйғониб, шу азим дарёни севиб қолганини айтганида қайиқчи уни ҳайратдан кўзлари порлаб яна ҳам диққат билан тинглади.

Сиддхартха ҳикоясини тугатди, орага узоқ сукунат чўмди. Бу сукунатни Васудева бузди.

– Ҳаммаси мен ўйлагандек бўлиб чиқди. Дарё сен билан суҳбатлашибди. У сени ўзига яқин олган. У сен билан сўзлашибди. Бу яхши. Бу жуда яхши. Биродарим Сиддхартха, мен билан қол. Қачонлардир менинг хотиним бор эди. Биз бирга яшардик. Унинг ўлганига ҳам анча йиллар бўлди, мен ҳам анча йиллардан буён ёлғиз яшайман. Менинг уйимда қол. Уйим кенг. Овқат ҳам икки кишига етади.

– Миннатдорман! – жавоб берди Ситхартха. – Таклифингни бажонидил қабул қиламан. Мени жон қулоғинг билан тинглаганинг учун ҳам сенга раҳмат айтаман. Мен ҳаётимда инсонларни тинглашни биладиган кишиларни жуда кам учратганман, уларнинг ҳеч бири сендек эмас. Шунинг учун ҳам сенга шогирд тушмоқчиман.

– Сен бу ишни ўрганасан, – деди Васудева. – Менга тинглашни дарё ўргатган. Сен ҳам буни ундан ўрганасан. Бу дарё ҳамма нарсани билади. Ундан ҳамма нарсани ўрганса бўлади. Сен ундан биринчи сабоқни олдинг. Пастга интилмоқ хайрлидир. Чунки излаган нарсангни тубдан – қуйидан топасан. Бадавлат, обрў-эътиборли Сиддхартха оддий бир эшкакчига, донишманд, брахман Сиддхартха эса қайиқчига айланади. Буни ҳам сенга дарё ўргатади. Сен ундан бошқа нарсаларни ҳам ўрганасан.

Бироз сукут сақлаб, Сиддхартха гап бошлади:

– Яна қандай нарсаларни ўрганаман, Васудева?

Васудева ўрнидан турди.

– Кеч бўлди, ухлаш керак, – деди у. – Биродарим, сенга бу илмни тушунтириб бера олмайман. Ўзинг буни яхши биласан. Балки, буни кўнглингдан ўтказиб тургандирсан. Кўриб турганингдек, мен донишманд эмасман. Мен чиройли сўзлашни ҳам, ўйлашни ҳам билмайман. Мен виждонли бўлиш кераклигини ва тинглашни биламан. Бошқа нарсага ўрганмаганман. Агар мен чиройли гапиришни, ўргатишни билганимда, донишманд бўлардим, бироқ мен оддий қайиқчиман. Менинг ишим одамларни дарёдан ўтказиш. Мен жуда кўпчиликни – минглаб кишиларни дарёдан ўтказганман. Бу кишилар учун менинг дарёйим йўлда учраган бир тўсиқдир. Улар ҳамиша мол-дунё, ташвишлар, тўйлар, зиёратлар учун шошадилар ва дарё уларнинг йўлини тўсади. Қайиқчи эса уларни бу ташвишдан халос этиш учун яралган. Бироқ шу юзта, мингта кишилар орасида жуда оз киши – балки учтадир, балки бештадир – учун дарё ғов бўлиб кўринмайди. Улар дарёнинг овозини эшитадилар, унга қулоқ соладилар ва худди мен каби улар учун ҳам дарё муқаддас бўлиб кўринади. Энди ухлайқолайлик, Сиддхартха.

Сиддхартха Васудева билан қолди. У тез орада қайиқ бошқаришни ўрганиб олди. Дарёда иш бўлмаган пайтларда у Васудева билан шолиторларда ишлар, ўрмондаги шох-шаббаларни йиғар, бананзорларда мева терарди. У эшкак созлашни, қайиқ ямашни, сават тўқишни ўрганиб олди. У ўрганган ҳар бир ҳунаридан завқланар, кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаётганини сезмасди. Бироқ унга Васудевадан кўра кўпроқ дарё таълим берарди. У дарёдан ҳамма истаклару-эҳтиросларни сўндириб, барча муҳокамаю-мусохабалардан халос бўлиб, умидли ва очик қалб ила, юракдан тинглашни, эшита олишни ўрганди.

Васудева билан унинг ҳаёти осуда эди. Улар жуда кам суҳбатлашишар, узоқ ўйланиб ҳаёлда кечган бир-икки оғиз сўз билангина кифояланишарди. Васудева жуда камгап киши бўлиб, уни суҳбатга тортиш Сиддхартхага осон эмасди. Кунларнинг бирида у Васудевадан:

– Дарё сенга ҳам вақтнинг ўзгармаслиги ҳақида гапирганми? У сени шу сирга ошно қилганми? – дея сўради.

Васудеванинг юзида табассум жилваланди.

– Ҳа, Сиддхартха, – деди у. – Айтганингдек, вақт ўзгармайди. Бу дегани дарё бир вақтнинг ўзида ирмоқларда, ариқларда, шаршараларда, саёз бўғотларда, тўғонларда, денгизларда, тоғларда – ҳамма жойда бўла олади. Унинг учун шу лаҳза, шу айна ўтаётган оний лаҳзадан бўлак нарса мавжуд эмас.

– Ҳа, мен бу ҳақда айтгандим, – деди Сиддхартха. – Мен бу ҳақиқатни ўз ҳаётимни кузатиб англадим. Менинг ҳаётим ҳам бир дарё мисоли. Гўдак

Сиддхартхани, эркак Сиддхартхани, кекса Сиддхартхани бир-биридан жисмсиз соягина ажратиб туради. Сиддхартханинг олдинги ҳаёти ўтмиш, ўлим топиб брахманга қовушиши эса келажак эмас. Ўтмиш ҳам, келажак ҳам йўқ: фақат шу лаҳза, шу он мавжуддир.

Сиддхартха кашф этган ҳақиқатини берилиб, мароқ билан гапирарди:

– Ахир барча изтиробларнинг сабаби вақт эмасми?! Ахир барча кийноқларнинг, кўрқувнинг сабабчиси шу вақтмасми?! Оламдаги барча азоб-укубатлар шу вақтни енгсак, уни онгимиздан сиқиб чиқарсак, барҳам топмайдими?!.

Сиддхартха шавқ билан сўзлар, Васудева эса маъқул ишорасини қилгандек бош ирғаб унинг сўзларини тасдиқларди. Сўнгра қайиқчи Сиддхартханинг елкасига аста қўлини қўяркан, тўхтаб қолган ишини давом эттиришини сўради.

Орадан кунлар ўтди. Ёмғирлар мавсуми бошланиб, сувга тўлиб-тошган дарё кутириб оққан вақтда Сиддхартха Васудевага деди:

– Биродарим, дарёни жуда кўп – ҳаддан зиёд кўп овозда сўзлашини биласанми? Унда минглаб овозлар: шоҳларнинг, жангчиларнинг овози, буқанинг ўкириги, оқшом қушларининг сайраши, кўзи ёриётган аёлнинг чинқирishi, хаёлпараст кишининг хўрсиниши эшитилади.

– Ҳа, худди шундай, – дея бош ирғади Васудева. – Унда барча заминий овозлар жамланган.

– Биласанми, – дея давом этди Сиддхартха, – мен унда минглаб, юз минглаб овозларни эшитганимда дарё менга нима дейди?

Васудеванинг юзида бахтиёр жилмайиш порлади. У Сиддхартханинг кулоғига муқаддас Аум каломини аста шивирлади. Бу айнан Сиддхартха айтмоқчи бўлган сўз эди.

Сиддхартханинг табассуми кун сайин қайиқчининг кулгисига ўхшаб борар, ўшандай нурли, ўшандай бахтга тўла бўлиб кўринар, ҳар бир майда ажинларидаги майин жилмайиш гўдакнинг, нуроний чолнинг кулгисига ўхшарди. Кўпинча йўловчилар бу икки қайиқчини ака-укалар деб ўйлашарди. Улар кўпинча оқшом чоғлари дарё бўйидаги супага ўтириб, оқаётган дарёни жимгина тинглашар, бу дарё улар учун ҳаётнинг, борлиқнинг, мангу эврилишнинг овози эди. Баъзан улар сувнинг сўзсиз сасига кулоқ солиб, кечаги суҳбатлари ҳақида, чехраси, тақдири уларнинг ёдида қолган бирор йўловчи ҳақида, ўлим ҳақида, болаликлари ҳақида ўйлашарди. Баъзан эса улар кўнгилларидан ўтган бир хил саволга дарёдан бир хил жавоб оларкан, бир-бирларига мамнун жилмайиб қўярдилар.

Бу икки қайиқчининг қандайдир хислати борлигини кечувдан ўтаётган кўпгина йўловчилар савқи табиийлари билан пайқаб қолишарди. Баъзан

қандайдир йўловчи қайиқчилардан бирининг юзига тикилиб қоларди-да, ўзининг ҳаёти, изтиробларидан ҳасрат қилиб, ундан маслаҳат, ёрдам сўрарди. Баъзилар эса улардан ўзлари билан бироз сайр қилишни сўрар, улар билан бирга дарёни тингламоқчи бўларди. Баъзан эса гўё дарё бўйида икки сеҳргар, донишманд ёхуд икки авлиё яшайди, деб қизиқувчи, ғийбатчи кишилар ҳам келиб турарди. Бу қизиқувчан кишилар тинмай саволлар берар, бироқ саволларига жавоб ола олмасдилар. Улар бу ерда ҳеч қандай сеҳргарни ҳам, донишмандни ҳам кўрмас, фақат бироз ғалатиноқ, бироз эси паст икки чолни учратарди, холос. Бу одамлар кишиларнинг беҳуда миш-мишлар тарқатаётганлигидан нолиб, баъзан эса кулиб, ҳафсалалари пир бўлиб қайтишарди.

Орадан вақт ўтиб борар, ўтиб кетаётган йилларнинг ҳисобини ҳеч ким билмасди.

Мана, кунларнинг бирида бу ердан Будда Говутаманинг шогирдлари, жаҳонгашта руҳонийлар ўтиб қолди. Улар қайиқчилардан ўзларини дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиб қўйишларини сўраб, улуғ устозларининг қошига шошилаётганликларини, уларга гўё олий зот Будданинг ўлим тўшагида ётганлиги, руҳи боқий халос бўлиш учун жисмини тарк этаётганининг хабари келганлигини айтишди. Уларнинг ортидан бошқа руҳонийлар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб келар, уларнинг ҳаммаси бир нарса ҳақда – улуғ Будданинг ўлим тўшагида ётганлиги ҳақида гапирарди. Улар худди урушга ёки қиролга тож кийдириш маросимига отлангандек, чумолилар галасидай ҳар тарафдан тўп-тўп бўлиб, қудратли бир кучга бўйсуниб, даҳшатли бир воқеа содир бўладиган: улуғ Будда ўз ўлимини кутаётган, ер юзидаги инсонларнинг энг буюги мутлақликка эришиб, самога қовушаётган тарафга қараб кетарди.

Сиддхартха шу кунларда юз минглаб оламонни жунбушга келтириб, халқ узра чорлаган, ўзига ҳам таниш бўлган овоз ҳақида, ўзи бир вақтлар муҳаббат ила термулган ўша нуроний чехра ҳақида, улуғ устоз, фано топаётган донишманд ҳақида ўйларди. Унинг Будда ҳақидаги хотиралари бағоят ёрқин эди. У ҳаёлан Будданинг камолот йўлини кўрди. Йигитлик чоғида улуғ устозга айтган гапларини эслади. Йиллар ўтгач бу сўзлар унга ақлли эмас, кибрли бўлиб туюлар, у бу хотираларни кулиб эсга оларди. У Будда таълимотини қабул қилмаган, бироқ унда кибр ҳисси аллақачонлар сўниб кетганди. Йўқ, ҳақиқатга чиндан ташна бўлган, уни чиндан излаган кишини ҳеч қандай таълимот бағрига олмайди! Ҳақиқатни топган киши эса барча таълимотларни, барча маслақларни, барча мақсадларни бағрига олади! Уни энди мангуликда илоҳийликни топган кўплаб бошқа зотлар билан ҳеч нарса ажратиб туролмайди.

Барча зиёратчилар вафот этаётган Будда сари шошилаётган кунларнинг бирида унинг қошига бир вақтлар куртизанкаларнинг энг соҳибжамоли бўлган Камала ҳам йўл олди. У аллақачонлар ўзининг олдинги ҳаётидан воз

кечган, хашамдор боғини Будданинг сомеъларига ҳадя этиб, ўзи унинг таълимотидан паноҳ топган, барча дарбадар зоҳидларга дўст ва биродар эди.

У Говутаманинг вафот этаётганлигини эшитиб, фақирона уст-бошда ўғли Кичик Сиддхартхани олиб, пойу-пиёда йўлга чиққанди. Камала ўғилчасини етаклаб, дарё соҳилига келди. Бола тезда чарчар, онасини уйга қайтиб кетишга ундар, қорни очлигини, чарчаганлигини айтиб, ҳархаша қиларди. У барча истакларига ҳархаша билан эришишга одатланганди, шунинг учун Камала йўлда тез-тез тўхтар, уни овқатлантирар, юпатар, дўқ-пўписа қиларди. Бола бу оғир ва зерикарли сафарда нотаниш ерлардан ўтиб, қандайдир ўлим тўшагида ётган авлиёни кўргани кетишаётганликларининг сабабини тушунмасди. Ўша нотаниш киши ўлса ўлавермайдими, унинг нима иши бор?!

Улар Васудеванинг кулбасига яқинлашиб қолгандилар, Сиддхартха одатдаги ҳархашаси билан онасини дам олишга кўндирди. Камаланинг ўзи ҳам толиққанди. Сиддхартха банан ейиш билан овора бўлган пайтда у бироз дам олмоқчи бўлиб ерга ўтирди ва кўзларини юмди. У бирдан қаттиқ чинқириб юборди. Кўрқиб кетган бола онасининг оқариб кетган юзини, унинг кўйлагининг тагидан бир қора илон ўтлар ичига ўрмалаб кетганини кўрди. Камалани илон чаққанди! Улар бирор кишидан ёрдам сўраш учун дарё бошига қараб югуришди, бироқ Камала кучдан қолди. У оғриққа чидолмай ерга йиқилди. Бола эса бор овози билан одамларни ёрдамга чақирар, онасини юз-кўзларидан ўпиб йиғларди. То дарё бошида турган Васудева уларни кўриб қолмагунча, Камала ҳам сўнгги кучи қолгунча ўрнидан туришга уринарди. Васудева шошиб келди. У аёлни кўтариб қайиққа олди ва учовлон тезда Сиддхартха ўчоққа олов қалаётган кулбага етиб келишди. Сиддхартха бошини кўтариб, болага қаради. Унинг юзи шу қадар таниш бўлиб, гўё узок йиллар унутилган кишини ёдга соларди. Сўнгра у Камалани кўрди. У қайиқчининг кўлида беҳуш ётган аёлни шу ондаёқ таниди. Шунда Сиддхартха чехраси шу қадар таниш бўлган бола ўзининг ўғли эканлигини англади ва юраги ҳапқириб кетди.

Гарчанд заҳар ўтиб қорайиб қолган, қорни эса шишиб кетган бўлса-да, Камаланинг ярасини ювишди, оғзига шифобахш дамлама томизишди. Камала кўзини очди. У кулбада Сиддхартханинг ўрнида ётар, қачонлардир уни жонидан ортиқ кўрган Сиддхартханинг ўзи боши узра эгилиб турарди. Камала гўё уни тушида кўраётгандек бўлиб, Сиддхартхага жилмайиб қаради. У аста-секин ўзига келиб, бўлиб ўтган воқеаларни эслади ва ўғлини чақирди.

– Безовта бўлма, у шу ерда, – деди Сиддхартха Камалага.

Камала унинг кўзларига қаради.

– Сен қариб қолибсан, – деди у заҳар таъсирида қотиб қолган лабларини базўр қимирлатиб. – Сочларингга оқ тушибди. Лекин барибир қачонлардир кўйлаксиз, уст-боши чангга ботиб, ялангоёқ ҳолда ҳузуримга

келган ёш саманга ўхшайсан. Ҳозир унга Камасвами ва мени ташлаб кетган кунингдан кўра кўпроқ ўхшайсан. Бу ўхшашлик сенинг кўзларингда, о Сиддхартха! Эҳ... Мен ҳам қаридим, кексайдим... Сен ўзи мени танидингми?

Сиддхартха жилмайди.

– Камала, азизам, мен сени бир кўргандаёқ танидим.

Аёл кўзлари билан болага қараб деди:

– Уни-чи, уни ҳам танидингми? У сенинг ўғлинг!

Унинг нигоҳи хиралашди. Кўзлари юмилди. Буни кўрган бола йиғлаб юборди. Сиддхартха болани тиззасига олиб, унинг сочларини аста силади. У боланинг юзига боқар экан, ёдига ўзи болалигида ўрганган брахманларнинг ибодат қўшиғи тушди. У қўшиқни аста айтаркан, қўшиқ сўзлари унинг олис ўтмишидан, болалик хотираларидан оқиб келарди. Бу оҳангни эшитган бола бир-икки ҳиқиллаб тинчланди ва зум ўтмай ухлаб қолди. Сиддхартха болани ўчоқбошида туриб гуруч қайнатаётган Васудеванинг ўрнига ётқизди. Сиддхартха унга қаради, Васудева эса жавобан кулиб қўйди.

– У ўляпти, – деди Сиддхартха секингина.

Васудева бош ирғади. Ўчоқдаги аланга унинг юзида шуълаланарди. Камала яна хушига келди. Унинг юзи оғриқдан буришиб кетганди. Унинг кийноқлари оқарган ёноқларида, лабларида акс этар, Сиддхартха унинг юзидаги изтироб саҳифаларини диққат билан, ҳасрат билан ўқир, унинг оғриқларини ўз қалбида ҳис этарди. Камала буни сезар, кўзлари билан уни изларди. У Сиддхартхага қараб деди:

– Кўриб турибман, нигоҳларинг бошқача. Қарашларинг бутунлай бошқача бўлиб қолибди. Менга Сиддхартхани яна нима эслатиши мумкин?! Бу сенмисан ёки бошқа?!

Сиддхартха унинг кўзларига қараб ўтираркан, индамади.

– Излаган нарсангни топдингми? – сўзида давом этди Камала. – Ҳаловат топдингми?

Сиддхартха жилмайиб унинг қўлидан тутди.

– Ҳа, кўриб турибман, – дерди Камала. – Насиб бўлса, мен ҳам ҳаловат топаман...

– Сен уни топасан, – дея шивирлади Сиддхартха.

Камала ундан кўз узмай узоқ термулди. У Говутаманинг ёнига бормоқчи, улуғ устознинг нуроний юзини кўрмоқчи, ундан паноҳ топмоқчи бўлганини ўйлар, Сиддхартхани топганини, бу худди Буддани топишдек хайрли бўлганини кўнглидан ўтказарди. У буларни Сиддхартхага айтмоқчи

бўлди, бироқ энди лаблари қимир этмасди. У Сиддхартханинг юзига жимгина боқарди. Сиддхартха эса унинг юзида ҳаёт аксининг сўнаётганини кўриб турарди. Унинг юзида оғриқнинг сўнгги шиддати ўтиб, жисмини сўнгги титроқ тарк этганда Сиддхартханинг қўли унинг кўзларини мангуга юмди.

У жонсиз юзга қараб узоқ термулиб турди. У Камаланинг лабларига қараб узоқ термулди. У бу ҳорғин, ингичка, куруқшаган лабларни ёшлигининг барқ урган йилларида қип-қизил ғарқ пишган гилосга ўхшатишини эслади.

У бу оппоқ юзнинг, бу ҳорғин ажинларнинг сирли маъноларини англаб, бу манзарани қалбига жойлаб, узоқ вақт хаёлга толиб ўтираркан, ўзининг юзини ҳам шундай рангпар, шундай совуқ, шундай сўниқ ҳолда ҳис этарди. У бир вақтнинг ўзида ўзининг ва унинг ёшлик чоғидаги чеҳрасини, қирмизи лабларини, эҳтиросга тўла кўзларини хаёлидан ўтказаркан айни шу онийлик ва мангулик ҳисси уни бошдан оёқ чулғаб олди. У ҳали ҳеч қачон ҳар бир умрнинг абадийлигини, ҳар бир лаҳзанинг чексизлигини бу қадар ҳис этмаганди.

У ўрnidан турган вақтда Васудева қайнатаётган гуруч тайёр бўлганди, бироқ Сиддхартха овқатланмади. Улар оғилхонада ўзларига похолдан жой ҳозирлашди ва Васудева ухлашга ётди. Сиддхартха оғилхонадан чиқиб, тун бўйи кулба ёнида дарёга қулоқ солиб, сокин тўлқинлар ила аччиқ ўтмиш хотираларини чайиб, ўтган йилларининг ҳар бир онини, ҳар бир дақиқасини бор вужуди билан ҳис қилиб ўтирди. У ҳар замонда ўрnidан туриб, бола уйғонмадимикин, деб кулба эшигига қулоқ соларди.

Эрта тонг қуёш уйғонмасдан олдин оғилхонадан Васудева чиқиб келди. У биродарига яқинлашаркан:

– Ухламадингми? – деди.

– Ҳа, Васудева, мен шу ерда ўтириб дарёни тингладим. Мен ундан кўп нарсани ўргандим. У менга саховат ила тасалли бериб ягоналик, яккаю-ягоналик ҳақида гапирди.

– Тўғри, сен қайғуряпсан, Сиддхартха. Бироқ, кўриб турибман, умидсиз эмассан...

– Ҳа, биродарим, тўғри айтасан. Қандай қилиб умидсиз бўлай?! Ахир мен бадавлат ва бахтли эдим, тақдир мени янада бахтиёр ва давлатманд қилди: У менга ўғил берди!

– Сенинг ўғлинг – менинг ҳам қувончим. Бироқ тезда ишга киришмоғимиз керак, Сиддхартха. Қиладиган ишлар кўп. Камала қачонлардир менинг хотиним ўлган тўшақда ўлди. Энди унинг дафн гулхани ҳам хотинимнинг дафн маросими ўтган тепаликда бўлсин.

Улар бола уйғонмай туриб дафн гулханини ҳозирлашди.

Ўғил

Бола онасининг дафн маросимини кўрқув ва йиғи аралаш кузатди. У ўзини унинг отасиман деб танитаётган Сиддхартханинг меҳрибонлик билан айтган сўзларига, бугундан буён Васудеванинг кулбаси унинг ҳам уйи эканлигига ишонқирамай, қовоқларини солиб қулоқ соларди. У ранги ўчиб кун бўйи онасининг қабри ёнида ўтираркан, кўзларини яшириб, юрагини ҳеч кимга очмай, тақдирига кўнмай йиғларди. Ситхатха болага раҳми келиб, дарди арисин, дея уни холи қўйди. Сиддхартха ўз ўғлига бегона эканини, ўғли уни ота деб севмаслигини яхши биларди. У вақт ўтиши билан ўн бир яшарли бу бола серҳашам уйларда улғайган, мазали таомлар, юмшоқ пар тўшакларга ўрганган, хизматкорларга буйруқ бериб ўсган, тантиқ, онасининг эркаси эканлигини билди. Сиддхартха ғам-ҳасрат эзиб ташлаган бу эркатой болани ўз ихтиёри билан бегона жойларга, қашшоқликка кўнмаслигини ҳам тушунарди. У болага зўрлик қилмас, уни боқиш учун бошқа юмушларни ҳам бажарар, унга мазали таомлар келтирар, кун келиб сабр ва яхши сўз билан унинг кўнглини топаман деб ўйларди.

У бола унинг ҳаётига кириб келганда ўзини жуда бахтли ва давлатманд хис этганди. Бироқ вақт ўтиб борар, бола эса ҳамон инжиқ ва одамови эди. Унинг қайсар ва мағрур юрагига ҳамон йўл топиб бўлмас, чолларга кўполлик ва беадаблик қилар, иш ёқмас ва эрка бўлиб, Васудеванинг мевали дарахтларини синдирар, Сиддхартха эса ўғли унга бахт ва хотиржамлик эмас, оғриқ ва хавотир келтирганини аста-секин тушуна борарди. Бироқ у ўғлини севарди, у бераётган оғриқ ва хавотир Сиддхартха учун ўғлисиз топган бахт ва оромдан ёқимлироқ эди.

Кичик Сиддхартха уларнинг кулбасида яшай бошлагандан сўнг қариялар ўз юмушларини ўзаро бўлишиб олдилар. Васудева аввалгидек дарёда қайиқчилик қилар, Сиддхартха эса кўпроқ ўғлининг ёнида бўлиш учун уй ишларига, даладаги экин-тикинга қарарди.

Сиддхартха узоқ кунлар, беҳисоб ойлар давомида ниҳоят ўғли уни тушуниб кўнгили очишини, севгисига фарзандлик муҳаббати ила жавоб қайтаришини кутиб яшади. Васудева ҳам узоқ кунлар, беҳисоб ойлар жимгина кузатар, сабр билан кутарди.

Кунларнинг бирида оқшом чоғи Кичик Сиддхартха навбатдаги қайсарлиги, ҳархашаси билан отасини қийнаб, иккита сопол лаганни синдирган пайтда Васудева биродарини четга тортиб, шундай деди:

– Биродар, мени кечир, бу сўзларни сенга куюнганимдан айтяпман. Ташвишланаётганингни, қийналаётганингни кўриб турибман. Ўғлингнинг ташвиши сенга ҳам, менга ҳам тинчлик бермаяпти. Бу ёш лочин бошқа инда бошқача ҳаётда ўсган. Уни бу ерга сени етаклаб келган бойликдан, тўқликдан

безиш, беҳузур бўлиш ҳисси олиб келмади, у мол-давлатини, шахрини ўз ихтиёри билан ташлаб келмади. Мен дарёга мурожаат қилдим, кадрдоним, мен ундан маслаҳат сўрадим. Бироқ дарё кулмоқда: у сендан, менадан кулмоқда. У бизнинг тентакликларимиздан кулмоқда. Ахир сув сойга қараб оқади, ёш ёшга қараб талпинади. Биз каби икки мункиллаган қашшоқ чоллар билан яшаш ўғлингга бирор наф бермайди. Сен ҳам дарёга кулоқ сол. Сен ҳам ундан сўраб кўр.

Сиддхартха унинг ажинлар билан қопланган қувноқ чеҳрасига қаради.

– Ахир ундан қандай қилиб айрилай?! – деди у оҳиста безовталаниб. – Кадрдоним, яна озроқ сабр қил. Кўряпсан-ку, мен курашяпман, мен унинг кўнглига йўл изляяпман. Мен уни ширин сўзлик билан, сабр билан, меҳр билан забт этаман. Албатта, у ҳам қачондир дарёнинг соҳир овозини эшитади, уни ҳам маъбудлар ярлақайди.

Васудеванинг юзида меҳр товланди.

– Ҳа, албатта, уни маъбудлар ярлақайди, у ҳам мангу ҳаётга эришади. Бироқ унинг қисмати, тақдир йўли, қайғулари, қувончлари на сенга, на менга маълум эмас-ку. Унинг ҳам пешонасида кўпгина азоб-уқубатларни кўриш бор, чунки у такаббур ва тошбағирдир. Тақдир эса бундайларга беҳад изтироб ва қийноқ йўллайди. Улар кўп адолатсизликлар қилади, уларнинг хатолари, гуноҳлари оғир бўлади. Айт-чи, дўстим, сен ўғлингни уриб-сўкиб, жазоламайсанми?

– Йўқ, Васудева, мен бундай қилмайман.

– Биламан, сен уни уриб-сўкиб жазоламайсан. Чунки сен юмшоқ нарса қаттиқ нарсадан, сув тошдан кўра кучли, муҳаббат қаҳрдан кўра қудратли эканлигини яхши биласан. Сиддхартха, сен, дарҳақиқат, мақтовга лойиқсан. Бироқ сен уни жазоламаяпман, унга зўрлик қилмай тўғри иш кўряпман деб янглишмаяпсанми? Балки, сен уни ўз меҳринг билан оёғига тушов бўлаётгандирсан? Балки, сенинг раҳм-шафқатинг, сабр-тоқатинг унга азоб бераётгандир? Балки, сен уни гуручни ҳам лаззатли таом деб биладиган, банан еб кун кўрадиган мункиллаган, ҳароратсиз юраги унинг ёш кўнглига йўл топа олмайдиган, ўй-хаёллари унга тўғри келмайдиган фақир чоллар билан яшашга мажбур этаётгандирсан? Ахир бу зўрликмасми? Ахир бу уни жазолаш эмасми?

Сиддхартха дўстининг маслаҳатларига амал қила олмасди, чунки ўғлидан айрилишга унинг бардоши етмасди. У ўғлининг барча инжиқликларини зорланмай кўтарар, унинг бефарқлигига сабр этар, у индамас, тоқат қилар, ҳар куни раҳм-шафқат ила қуролланиб, сабру-қаноат ила ҳимояланиб, жангга кирарди. Васудева ҳам босиқлик, донишмандлик билан жимгина кутарди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам сабр қилиш бобида тенгсиз эди.

Қайсидир бир кун Сиддхартхага боланинг юзи Камалани эслатган вақтда у тўсатдан ёшлигининг авж пайтлари ўтган кунларининг бирида Камала унга айтган сўзларини эслади:

– Сен ҳеч кимни севмайсан, – деганди Камала унга. У бу гапга қўшилган ва ўзини юлдузларга қиёслаб, гўдаксимон одамларни ҳазон япроқларига ўхшатганди. Ўшанда у Камаланинг сўзларида ўтинч ҳис қилганди, тўғриси. У, чиндан ҳам, ўз қалбини борича севиб, бирор кимсага бера олмасди. У бошқа биров учун ўзини унутишни, бировни севиб, унинг учун тентакликлар қилишни билмасди ҳамда гўдаксимон кишилардан ўзининг энг катта фарқи ҳам ана шу ҳисда, дея ўйларди. Энди унинг ўғли ёнида бўлган вақтда эса унинг ўзи ҳам ўша кишилардан бирига айланди. У бировни деб қайғурар, уни севар, шу севгини деб ақлдан озиб, шу севгини деб телбага айланганди. У, ниҳоят, энди, кечикиб бўлса-да, ҳаётида биринчи марта бошқа барча туйғулардан қудратлироқ бўлган оташин муҳаббатни ҳис этган, уни деб не-не азоб-уқубатларга дош берса ҳам, барибир шижоатли ва бахтиёр эди, чунки у янги бир ҳисни туйиб, ўзини янада бадавлат кўрарди. У ўзининг ўғлига бўлган муҳаббати, кўр-кўрона муҳаббати, инсонга хос бўлган бир эҳтирос, сансара деб аталган лойқа бир чашма, қорамтир бир булоқ эканлигини ҳис этарди. У, шунинг билан бирга, бу эҳтирос қадрли эканлигини, зарурлигини, ўз вужудидан бўлганлигини ҳам биларди. Демак, у нафсининг шу иллатини билиши, шу оғриқларга дош бериши, шу аҳмоқликларни қилиши керак экан-да.

Ўғил эса кундан кун ўз телбаликларини қўймаётган, унинг муҳаббатини қозонишга тиришаётган, унинг барча инжиқликларини хўрлик ила итоат билан бажараётган отасига бепарволик билан қараб турарди. Бу отанинг ҳурмат қиладиган ҳеч нарсаси йўқ эди, у ҳатто шунчаки қўрқув ҳам уйғотмасди. Бу ота жуда меҳрибон одам эди. Жуда меҳрибон, шафқатли, хушмуомала, тақводор, балки авлиё ҳамдир, бироқ бу барча хислатлар билан боланинг кўнглига йўл топиб бўлмасди. Уни ўзининг қашшоқ кулбасида олиб ўтирган бу ота унинг учун зерикарли ва ёқимсиз эди. Энг ёмони, бу қари тулкиларнинг айёрлиги шунда эдики, улар боланинг ҳар бир кўрслигига кулиб, ҳар бир ҳақоратли сўзларига меҳрли қараб, тошбағирлигига эса раҳм-шафқат билан жавоб қайтаришарди. Бундан кўра, унга қаттиққўллик ва шафқатсиз жазо афзал эди.

Мана, ёш Сиддхартханинг сабр косаси тўладиган кун келиб, убор қаҳр-ғазабини отасининг бошига дўлдек ёғдирди:

Ота ўғлига шох-шаббаларни йиғишни буюрди. Бироқ қайсар ўғил жойидан қимир этмади. У кулба ўртасида муштларини тугиб, ер депсиниб тураркан, қаҳру-ғазабдан титраб-қақшаганча юрагидаги бор нафрати, аламини отасининг юзига шартта айтди:

– Ўтинларингни ўзинг тер! – қичқирди у ғазаби қайнаб. – Мен сенга кул эмасман. Биламан, мени ура олмайсан. Сабаби журъатинг етмайди.

Биламан, сен мени ҳамиша ўз раҳм-шафқатинг, итоатгўйлинг билан хўрлагансан, жазолагансан. Сен мени ўзингга ўхшатмоқчи бўласан, сендек тақводор, сендек мулойим, сендек донишманд бўлишимни истайсан. Билибқўй: сенга ўчакишиб ўрмон қароқчиси ёки қотил бўлганим яхшироқ! Мен сенга ўхшагандан кўра жаҳаннамда куйишни афзал кўраман. Мен сени ёмон кўраман! Сен агар онамга ўн қарра ўйнаш бўлган бўлсанг-да, зинҳор менинг отаммассан!

Унинг дарду-хасрати юзага қалқиб, аламли ва шафқатсиз сўзларга айланиб, отасининг бошига дўлдек ёғиларди. Бола шу сўзларни айтиб, кулбадан чиқиб кетди ва тун ярмида уйига қайтди.

Эртаси куни тонгда у ғойиб бўлди. У билан бирга уларнинг қайиқчилик қилиб топганкумуш мис тангалар солинган тўқима саватлари ҳам йўқолганди. Бу ҳам етмагандай, қайиқ ҳам қўлдан кетган бўлиб, Сиддхартха уни нариги қирғоқда кўрди. Бола қочиб кетганди.

– Мен, албатта, унинг ортидан боришим керак, – деди ғамдан бутунлай қадди букилган Сиддхартха. – Бола ўрмонда адашиб қолади. У ҳалок бўлади. Васудева, биз дарёдан ўтиш учун сол ясашимиз керак.

– Биз сол ясаймиз,– деди Васудева. – Бола олиб кетган қайиқни қайтариш учун ҳам уни ясаймиз. Биродар, уни таъқиб қилишнинг эса ҳеч ҳожати йўқ. У энди ёш бола эмас, ўз кунини кўра олади. У шаҳарга йўл олган ва тўғри қилган, буни унутма. У сен унга қилиб бераолмаган ишни ўзи қилди. У ўз тақдирдан норози. У ўз йўлида кетмоқда. ЭҳСиддхартха, қанчалик қийналаётганингни кўриб турибман, бироқ қилаётган ишинг жуда кулгили. Бу ишингдан ўзинг ҳам ҳали кўп куласан.

Сиддхартхажавоб бермади. У болтани олиб, бамбукдан сол ясашга киришди. Васудева ҳам унга ёрдам берди. Улар ўтларнинг ўрамадан тўқилган арқон ёрдамида ёғочларни бир-бирига боғлашди. Ниҳоят, улар нариги қирғоққа сузиб ўтишди. Оқим уларни анча пастга олиб кетганди. Шунинг учун улар солни судраганча, оқимга қарши қирғоқ бўйлаб кечув томонга юриб кетишди.

– Нега болтани ўзинг билан олиб олдинг?– сўради Сиддхартха.

Васудева жавоб берди:

– Балки қайиқнинг эшкаклари йўқолгандир.

Бироқ Сиддхартха дўсти нимани ўйлаганлигини яхши биларди. Васудева бола бирварақайига қасд олиш ва таъқибдан ҳалос бўлиш учун эшкакларни отиб ёхуд синдириб юборган дея ўйлаганди.

Дарҳақиқат, қайиқнинг эшкаклари йўқ эди. Васудева дўстига қайиқнинг тубини кўрсатиб, гўё “Ўғлингнингсенга нима демоқчилигини тушундингми? Ахир ўғлинг уни таъқиб қилишларини истамаётганлигини

кўрмаяпсанми?!” демоқчидай унга кулиб қўйди, лекин у бундай демади. У янги эшкакларни ясашга киришди. Сиддхартха қочоқни излаш учун у билан хайрлашди. Васудева уни тўхтатмади.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Сиддхартха тобора ўрмон ичкарасига кириб борарди. Бирдан унинг ҳаракатлари ўзига бемаъни бўлиб туюлди. “Бола аллақачон шаҳарга етиб олган бўлса керак, – дея ўйларди у. – Агар у ҳали ҳам ўрмонда адашиб юрган бўлса, ўзининг таъқибчисини кўриб ёки унинг овозини эшитиб, яширинишга уринади”.

У буларни ўйлаб бораркан, ўғли учун унчалик ҳам ҳавотирланмаётганлигини ҳис этди. У ич-ичидан боласининг соғ-омонлигини, ўрмонда унга ҳеч қандай ҳатар йўқлигини яхши биларди, бироқ шунга қарамай, у дам олишни ҳам унутиб, йўлида давом этар, ўғлини қутқариш учун эмас, қалбидаги кўр-кўрона истакка, уни кўраман деган сўнгсиз умидга бўйсуниб борарди. Шундай қилиб, у бир нафас дам олмай шаҳаргача етиб келди.

У шаҳар этагидаги катта йўлга чиқаркан, бир вақтлари Камалага тегишли бўлган ва уни илк бор тахтиравонда кўрган ўша кўркам боғнинг қаршисида тўхтади. Ўтмиш хотиротлари унинг қалбида яна жонланди. У яна ўзини ялангоёқ соч-соқоли чангга ботган саман қиёфасида кўрди. Сиддхартха боғнинг очиқ дарвозаси қаршисида тураркан, сариқ жубба кийиб, салқин дарахтлар орасида сайр қилиб юрган руҳонийларни кўрди. У чуқур ўйга толган ҳолда, хаёл кўзларини сассиз олис ўтмишига тикиб, узоқ туриб қолди. У руҳонийларга узоқ тикилиб тураркан, уларнинг ўрнида баланд дарахтлар соясида навқирон Сиддхартха ва ёш Камалани кўрди. У Камаланинг меҳмоннавозлигини, унинг илк бор бўса ҳадя этганларини, ўзининг зоҳидона ўтмишига такаббуруна ва нафрат ила боққанларини, мағрур ва ҳукми фармонлик ила дунё ишларига шўнғиганлигини аниқ кўрди. У Камасвамини, хизматкорларини, базмларни, қиморбозларни, машшоқларни, Камаланинг қафасдаги сайроқи қушчасини кўрди. У буларнинг барини яна бир бор бошидан кечирди, сансара ҳавосидан нафас олди, яна бир бор кексалик ва ҳорғинликни ҳис этди, яна бир бор кўнгли беҳузур бўлиб, ўз-ўзини ўлдирмоқчи бўлди ва яна бир бор муқаддас аум каломидан шифо топди. У боғ дарвозаси ёнида тураркан, уни бу ерга етаклаб келган истак бемаънилигини, ўғлига ёрдам беришга қодир эмаслигини, унинг кўнглига йўл топаолмаганини англади. У ўғлига бўлган муҳаббати бир чуқур яра мисоли эканлигини ва ҳаёт бу ярани уни асраб-авайлаши учун эмас, балки кун келиб, гулдек очилиши, нур сочиши учун берганлигини ҳис этди. Бироқ ўша кун ҳали келмаганди, унинг яраси гулдек очилиб нур сочмас, аксинча, уни ғамга тўлдирганди. Энди унинг қаршисида қочоқ ўғлининг ортидан изма-из келиб уни кўриш истаги ўрнида хувуллаган бўшлиқ турарди. У юрагида ниманингдир ўлганини ҳис қилиб, ерга чўқаркан, хувиллаган бўшлиқни, олдинда ҳеч қандай мақсад, ҳеч қандай овунчоғи йўқлигини англади, хаёллар гирдобига чўмиб ўтирар ва ниманидир кутарди. У

дарёдан фақатгина шуларни кутиш, сабр қилиш ва эшитишни ўрганганди. У тупроқ йўлда ўтираркан, қулоқ соларди. У ўзининг ғамгин ва ҳорғин юрагига қулоқ соларди. У қалб овози унга нима дейишини кутарди.

У шу кўйи чорасизликдан бир, икки, уч соат бўшлиққа, унинг туб тубларига сингиб, қулоқ солиб ўтирарди. Оғриқ азоб бериб, ўзини эслатган вақтда у ичида Аум каломини айтар, қалбини муқаддас Аумга тўлдирарди.

Боғдаги руҳонийлар уни кўриб қолишди. Унинг анчадан буён шу кўйи ўтирганини, чанг-тўзон оппоқ сочларини қоплаганини кўрган руҳонийлардан бири унинг ёнига яқинлашиб, олдига икки дона банан қўйди. Чол буни сезмади. Сиддхартха елкасига теккан қўлдан бехос сесканиб кетди. У шу ондаёқ бу меҳрибон ва мулойим қўлни таниди ва ўзига келди. У ўрнидан туриб, уни деб келган Васудевани қаршилади. У Васудеванинг майда ажинлар билан қопланган очиқ юзига, кулиб турувчи қувноқ кўзларига қараб ўзи ҳам кулиб юборди. У шундагина ерда ётган бананларни кўрди ва уларни олиб, бирини Васудевага берди, иккинчисини эса ўзи олди. Сўнгра у Васудеванинг ортидан ўрмонга, дарё бўйидаги қадрдон кулбасига йўл олди.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам бугунги бўлиб ўтган иш ҳақида оғиз очмади, ҳар иккиси ҳам боланинг исмини тилга олмас, ҳар иккиси ҳам унинг қочиб кетганлиги ҳақида индамас, ҳар иккиси ҳам қалб ярасини тирнамасди.

Сиддхартха кулбага кириб ўз ўрнига ётди. Бир оз ўтиб, Васудева унга қачон сути келтираркан, унинг ухлаётганлигини кўрди.

Аум

Сиддхартханинг қалб яраси узоқ вақт оғриб юрди. У кўпинча ўғилми, қизми, фарзандли йўловчиларни дарёдан олиб ўтар ва ҳар гал уларга қараганда кўнглидаги қора хаёллар унга тинчлик бермасди:

Дунёда юзлаб, минглаб одамлар фарзанд бахтидан сармаст, нега ёлғиз менгина бу бахтдан мосувоман? Ҳатто ёвуз одамларнинг ҳам, ўғри, қароқчиларнинг ҳам боласи бор, улар ўз фарзандларини севади, фарзандларининг севгисидан эса бахтиёр. Ҳамма шундай хушнуд, ёлғиз мен бахтиқароман...

Унинг хаёллари шундай содда ва жўн эди, эндиликда унинг гўдаксимон одамлардан сира фарқи йўқ эди. У энди одамларга аввалгидек эмас, аксинча, мутлақобошқа кўз билан қарарди. Энди унинг нигоҳларида ақл, такаббурлик эмас, илиқлик, қизиқувчанлик, хайрихоҳлик зухур этарди. У дарёдан олиб ўтаётган аёллар, ҳарбийлар, савдогарлар, оддий болаларга ўхшаш одамлар эндиликда унга аввалгидек бегона бўлиб кўринмасди. У бу инсонларни тушунар, уларнинг ақл, тафаккурга эмас, истаклар ва хоҳишлар асосига қурилган ҳаёти унга яқин ва тўғри бўлиб туйилар, назарида ўзи ҳам улардек бўлиб қолганди. Гарчанд босиб ўтаётган йўли охирлаб қолган бўлса-да, қалб ярасининг сўнгги оғриқларига чидаб келаётган эса-да, ўша

гўдаксимон одамлар унга биродардек бўлиб қолган, уларнинг шуҳратпарастликлари, очкўзликлари, нодонликлари унга кулгили туйилмас, уларни тушунар, муҳаббатга, ҳатто ҳурматга лойиқ деб биларди. Онанинг ўз рўзғорига кўр-кўрона муҳаббати, кексайган отанинг ёлғиз ўғилчасига бўлган аҳмоқона кўр-кўрона севгиси, ёш жувоннинг тақинчоқлар ва эркаларнинг назарига ёввойиларча кўр-кўрона интилиши бу барча майллар оддий, аҳмоқона, бироқ ўта кучли ва ҳаётбахш. Енгиб бўлмас истак ва хоҳишлар эндиликда Сиддхартха учун жўнгина болалар ўйини эмасди, чунки одамлар бу истакларни деб яшашини, уларни деб барча тўсиқларни енгиб ўтишини, уларни деб сафарларга чиқишини, урушлар олиб боришини, уларни деб ҳар қандай синовларга, ҳар қандай жудоликларга тайёрликларини кўрганди. У бу одамларни шунинг учун севар, уларнинг ҳар бир интилишида, ҳар бир ҳаракатида ҳаётни, мангу моҳиятни, азалий Брахманни кўрарди. Бу одамлар ўзларининг кўр-кўрона садоқати, кўр-кўрона кучи ва ҳаётбахшлиги билан муҳаббатга, ҳайратга лойиқ эди. Бу одамлар ҳамма нарсага эга эди. Аҳли донишларнинг, мутафаккирларнинг ушоққина билимини, оламнинг яхлитлиги ва ундаги ҳодисаларнинг боғлиқлигини англашини ҳисобга олмаса, бу одамлар билан тенглаб бўлмасди. Бироқ Сиддхартхани шунда ҳам шубҳа-гумонлар ўз домига оларди. Ўзи, чиндан ҳам, ўша билимларнинг, тафаккурнинг кадр-қиймати борми? Балки, булар олимларнинг гўдаксимон кишиларникига ўхшаш инжиқликларидир. Бошқа жиҳатдан эса сансара болалари гўё ёввойи ҳайвонлар табиатда яшаш учун кураш қонунига қатъий, оғишмай амал қилиб, одамлардан кучли бўлганидек, улар ҳам донишмандлардан кўра кучлироқ ва чапдастроқэди.

Сиддхартхада аста-секин тафаккур меваси етилди. Унда ҳақиқат, донишмандликнинг чин маънисини, узоқ йиллар излаган мақсади юз очди. Бу руҳнинг тайёргарлиги, ҳар лаҳза ҳаётнинг қизгин онларида ҳам ягоналик қаърига сингишнинг сирли йўли, ҳар лаҳза ягоналикка чўмиш ва ундан нафас олишдан бўлак нарса эмасди. Бу ҳақиқат унинг қалбида аста-секин куртак очар, гўдаклик ва кексалик барқ урган Васудеванинг юзидаги нур бўлиб уни қарши олар, уйғунлик, олам яхлитлигини англаш, табассум ва ягоналик унда акс этарди.

Бироқ қалб яраси унга оғриқ берар, Сиддхартха қайғу ва хасрат ичра ўғлини қўмсарди. Кўксини азобларга тутиб, қалбини меҳр ва муҳаббат ила овулар, уни деб аҳмоқликлар кетидан аҳмоқликлар қиларди ва унинг юрагидаги бу олов ўз-ўзича сўнмади.

Кунларнинг бирида оғриқ азоби чидаб бўлмас ҳолга етганда Сиддхартха хасрат ичра дарёдан сузиб ўтди-да, қайиқдан тушиб, шаҳарга ўғлини излашга отланмоқчи бўлди. Дарё шу куни сокин ва мулойим оқарди. Ёмғирлар мавсуми аллақачон ўтиб кетганига қарамай, унинг овози бошқача эди. Дарё куларди. У дарёнинг кулганини аниқ эшитди. Дарё кекса қайиқчининг устидан ҳайқириб жарангдор овозда куларди. Сиддхартха тўхтади. У дарёнинг овозини яхшироқ эшитиш учун унинг ирмоқларига

эгилди ва сувда ўз аксини кўрди. Бу акс унга аллақачонлар унутилган кимнидир ёдга соларди. У нигоҳларини ўтмиш қаърига соларкан, қачонлардир ўзи яхши билган, яхши кўрган ва кўрққан кишисини эслади. Унинг юзи ўз отасига– Брахманга жуда ўхшарди. У анча йиллар олдин зоҳидона ҳаёт кечираман дея отасини қийнаганларини, у билан хайрлашганини, ортга қайтмай, уни тарк этганини эслади. Ахир ўшанда отаси ҳам бугун у ўғлини деб чеккан азобларни чекмаганмиди? Ахир у ўғлининг дийдорига тўймай, ёлғизликда вафот этмадимми? Ахир бугун унинг ўзини ҳам шундай қисмат кутмаяптими? Ахир бу ғалати ва аҳмоқона такрорланиш, бу айлана ичра чопиш, бу ёвуз олам чархпалаги комедиянинг ўзи эмасми?

Дарё шовуллаб куларди. Ҳа, ҳаммаси худди шундай эди: ҳамма нарса ортга қайтарди. Бошдан кечирилган барча укубатлар сансара чархпалагида яна ортга қайтар, ўша бир хил азоблар одамларга такрор-такрор йўлланарди. Сиддхартха қайиққа ўтириб, кулбага қайтаркан, отасини, ўғлини хотирлаб, дарёга кулги бўлиб, шашти сўниб, умидсиз бўлиб, наинки ўз-ўзидан, балки бутун дунёдан қаҳ-қаҳ уриб кулгиси келарди. Унинг қалб яраси ҳамон битмаган, юраги ҳамон тақдирига исён қилар, оғриқлари шодлик ва ғолиблик нурларига чайилмаганди. Бироқ унинг қалби ҳали умидвор бўлиб, кулбага қайтганида эшитиш бобида тенгсиз бўлган Васудевага буларнинг ҳаммасини айтгиси, кўнглини очиб сўзлашгиси келганлигини ҳис этди.

Васудева кулбада сават тўкиб ўтирарди. У энди қайиқчилик қилмас, йилдан йилга кўзининг нури кетиб, билаклари ҳам кучдан қолганди. Бироқ унинг юзидаги қувноқлик ўша-ўша, балки хотиржамлик ва ҳалимлик нурлари билан янадаёркинроқ кўринарди. Сиддхартха чолнинг қаршисига ўтирди. Унинг сўзлари аста-секин куйилиб келарди. У авваллари Васудева билан ҳеч қачон гаплашмаган нарсалар тўғрисида: ўзининг шаҳарга бориши, битмаётган қалб яраси, бахтиёр ота-оналарни кўрганда ҳасад қилиши, истакларининг беҳудалигига қарамай, улар билан аёвсиз курашаётганлиги ҳақида сўзларди. У ҳамма нарса ҳақида айтар, ҳаммасини дил ёриб сўзларди. У ичидаги гапларини тўкиб солар, иқрор бўлар, ҳатто уятдан қизарганларини ҳам тан оларди: у қалбини очиб гапирарди. У уялмай, қалб ярасини кўрсатар, бугунги қилмишлари, гўё ўсмир боланинг бебош қилиғидек, шаҳарга бориш истагида дарёни яширинча сузибўтганлиги ва дарёга кулги бўлганлиги ҳақида гапириб берди.

Бу ҳикоя узоқ давом этди. Васудева уни камоли диққат ила тинглар, ҳолбуки Сиддхартха уни бу қадар ўткир зеҳн билан сомеъ бўлганини кўрмаганди. У юрагини кўрқув ва оғриқ аста-секин тарк этиб, қаршисидаги кишининг сокин қалб ирмоғига оқиб кираётганлигини ва яширин умидлари яна ўзига қайтаётганлигини ҳис этди. Бундай сомеъ қаршисида қалб яраларини ошкор қилиш, уни дарё сувларига айлангунча дарёга солиш билан баробар эди. Сиддхартха гапиришда, иқрор бўлишда, тавба қилишда давом этаркан, қаршисида ўтирган зот наинки Васудева, балки инсон

зотиданмаслигини тобора чуқурроқ англаб борарди. Қаршисида қимир этмай ўтириб, унинг тавбаларини гўё ёмғир намлигини шимиб олган дарахтдек шимаётган, уни жимгина тинглаётган кимса дарёнинг ўзи, маъбуднинг ўзи, мангуликнинг ўзи эди. Сиддхартха ўзини, дардларини унутаркан, шу ҳақиқатга, Васудеванинг борлиғига берилар, уни қанчалик кучли ҳис этган сайин, унинг борлиғига шунчалик сингиб борар, Васудева аллақачонлар шундай, балки ҳамиша шундай бўлган-у, Сиддхартха уни тўла англаб етмаганлигига, эндиликда унинг ўзи ҳам Васудевага ўхшаб қолганлигига кўпда ҳайратланмай тушуниб борарди. Уларни бир ҳис чулғаган бўлиб, у кекса Васудевага одамлар маъбудларни қандай кўрса, шундай қараб турарди. Бу ҳолнинг узоқ давом этиши мумкин эмас, зеро у қалбан Васудева билан видолашганди. Бироқ бунга қарамай, унинг ҳикояси давом этарди.

Сиддхартха гапиришдан тўхтагач, Васудева унга меҳр тўла кўзлари билан боқди. Унинг лаблари бирор сўз демас, аммо аввалгидек зийраклигини йўқотиб, заифлашиб қолган кўзларида муҳаббат, ёрқин севинч, ҳамдардлик ва донишмандлик барқ урарди. У Сиддхартхани қўлидан тутиб, қирғоққа олиб борди-да, қирғоқ бўйида ётган ғўлагадўсти билан ёнма-ён ўтириб, дарёга қарабжилмайди.

– Сен унинг кулаётганлигини эшитдингми? – деди у. – Бироқ сен ҳаммасини эшитмагансан. Яхшилаб кулоқ сол, яна кўп нарсаларни эшитасан.

Сиддхартха кулоқ солди. Дарёнинг сероҳанг куйи сокин ва майин эшитиларди. Сиддхартха сувдан кўз узмас, сувнинг сокин оқими узра унинг кўз олдидан шарпалар дам-бадам сузиб ўтарди. У ўғлининг ҳасратида куйган ёлғиз отасини, ёлғиз, оталик муҳаббати ила кишандбанд ҳолда ўзини, худди ўзидек ёлғиз, қайноқ, ёшлик эҳтирослари узра бораётган ўғлини кўрарди. Уларнинг ҳар бири ўз мақсади сари борар, ўз мақсади ила банд, ҳар бири ўз дарди ила ёлғиз эди. Дарё ҳасрат ила куйлар, унинг қўшиғи, мақсади сари интилиши эҳтиросга тўла бўлиб, овози ғамгин жарангларди.

– Тинглаяпсанми?

Васудеванинг сўзсиз нигоҳларида шу савол зухур эди. Сиддхартха бош ирғади.

– Диққат билан эшит, – дея шивирлади Васудева.

Сиддхартха диққат билан тинглашга уринди. Отасининг, ўғлининг, ўзининг қиёфаси қўшилиб оқарди. Камаланинг, Говинданинг қиёфалари ва бошқа шарпалар ялт этиб кўзга ташланиб ўтар, уларнинг бари бир оқимга қўшилиб, азоб-укубатлар қаъридан ўтиб, бетоқат, жидду-жаҳд билан ягона мақсад сари интиларди. Бу дарёнинг овозида худди алангадек ҳасрат бонг урар, қонмас ташналик, аламли азоб жарангларди. Дарё ўз мақсади сари шошарди. Сиддхартха унга яқин ва нотаниш бўлган қиёфалардан, уни кўрган ва у кўрган кишиларнинг ёдидан иборат бўлган бу дарёнинг тинмай

шошаётганини кўрарди. Бу катта-кичик тўлқинлар шошар, азобланар, кўплаб манзилларга интилар, кўллар ва шаршараларга, дарё ва денгизларга талпинар, манзилларига етар ва яна янги манзиллар сари шошарди. Сув буғга айланиб самога кўтарилар, ёмғирларга айланиб ерни савалар, булоқларга, ирмоқларга дўнар, дарёларга айланиб яна шошар, яна ошиқарди. Бироқ унинг эҳтиросли овози ўзгарган, ҳамон ҳасратлилиги ва исёнкорлиги тинмаса-да, унга энди эзгу ва ёвуз, бахтиёр ва ғамгин юзминглаб янги овозлар кўшилганди. Сиддхартха кулоқ соларди. У атроф-борлиқни унутиб, бўшлиққа сингиб, ҳар бир овоз, ҳар бир товушни жон кулоғи билан тингларди. У бу санъатни, ниҳоят, сўнгигача эгаллаганлигини ҳис этди. У буларни кўп марта тинглаганди, бироқ бугун бу юз минглаб овозлар янгича эди. У энди бу овозларни бир-биридан ажратолмас, қувончли ва ингроқли товушларни, кекса ва боланинг овозларини фарқига бормасди. Улар бир-биридан ажралмас бўлиб, хафалик ва ҳасрат, шодлик ва донишмандлик, ғазабли қичқириқ ва ўлим ингроғи – бари кўшилиб, қоришиб ягонатус олганди. Бу барча овозлар, мақсадлар, мавжудлик чанқоғи ва истаклар, укубатлар – буларнинг бари мутлақлик оқими, ҳаёт мусиқаси эди. Сиддхартха шу мусиқадан бўлак бошқа бутун оламини унутиб, дарёнинг турфа хил кўшиғини эшитаркан, кулгими, ингроқми, алоҳида овозни эмас (бу овозларнинг ҳар бири унинг руҳига тушов, нафси учун овлоқ пана жой бўлиши мумкин эди), у буларнинг барини жамланган, яхлит ҳолда тингларкан, турфаранг дарёнинг буюк кўшиғи – ягона калом Аум ниҳояланиш ва мутлақликдан иборат эди.

– Эшитяпсанми? – дея сўзсиз сўради Васудева такрор.

Васудеванинг юзидаги табассум ёрқин жилваланарди. Унинг кулгиси беҳисоб ажинлар босган бу нуроний, донишнамо юзда гўё нур таратаётган булут парчасига ўхшар, дарёнинг беҳисоб овозлари ичра муқаддас Аум каби барқ урарди. Унинг табассуми биродарини кўрганда янада ёрқин жилваланар, Сиддхартханинг юзида ҳам худди шундай табассум порларди. Унинг қалб яраси ниҳоят битган, унинг қалб яраси нур сочар, унинг Мени мутлақликка қовушганди. Унинг ўз тақдири билан кураши, унинг азоб-укубатлари ниҳоя топди. Сиддхартханинг юзида донишмандлик нурлари порлар, бу шундай донишмандликки, камолотга етган, ҳаёт мусиқаси билан ҳамоҳанг бўлган, ҳамдардликка чўмган, барча истакларини енгиб, қисматига бўйсуниб, ягоналикка қовушганди.

Васудева ўрнидан туриб, биродарининг юзида порлаган донишмандлик табассумини кўраркан, у доимгидек эҳтиёткорлик ва мулойимлик ила Сиддхартханинг елкасига аста кўлини қўйиб деди:

– Мен бу кунни узоқ кутгандим. Мана, у келди. Энди мен сени тарк этаман. Мен бу муқаддас лаҳзаларни узоқ кутдим. Мен қайиқчи Васудева бўлиб узоқ яшадим. Энди вақт-соатим келди. Алвидо, кулба! Алвидо, дарё! Алвидо, Сиддхартха!

Сиддхартха унга эгилиб таъзим қилди.

– Мен буни билардим, – деди у секингина. – Сен ўрмонга кетасанми?

– Мен ўрмонга кетаман. Мен ягоналикка кетаман! – деди нуроний Васудева.

У аста-секин узоқлашди. Сиддхартха унинг изидан қараб қолди. У чуқур қувонч ичра, чуқур ҳаёл ичра кетаётган кимсанинг ортидан қараб қолди. Сиддхартха унинг қадам товушларида сокинлик ва осудаликни эшитди, унинг боши узра порлаган алангани, жисми узра ёғилган нурни кўрди.

Говинда

Кунларнинг бирида узоқ йўл босган Говинда руҳонийлар билан куртизанка Камала Говутаманинг сомеъларига инъом этган Жатавана боғида дам олди. У бу ерда биродарларининг биридан, шаҳардан узоқда, ўрмондаги дарё бўйида яшовчи ва кўпчилик авлиё деб билувчи бир қайиқчи ҳақида эшитди. Сафарлари қариб, йўлга отланар чоғда, кекса қайиқчини ўз кўзлари билан кўриш истагида тўлиб-тошган Говинда дарёга олиб борадиган сўқмоқ сари отланди. Унинг ҳаёти гарчанд тартиб-қоидаларга бўйсунган бўлса-да, ёш шогирдлари унинг ёшини, камтарлигини ҳурматлаб, эҳтиром кўрсатса-да, унинг қалбидан хавотир кетмаган, изланишлари ҳамон ниҳоя топмаган эди. У дарёнинг кечув ерига етиб келгач, чолдан дарёнинг нариги томонига олиб ўтиб қўйишни сўради ва қирғоққа етиб келгач сўз бошлади:

– Сен биз руҳонийларга ва бошқа йўловчиларга ҳам жуда улуғ эзгулик қилдинг. Кўпларнинг мушқулини осон қилдинг. Менга айт-чи, қайиқчи, ахир сен ҳам ҳақиқий йўлни излаш билан бандсан-ку.

Сиддхартха нуроний нигоҳи ила кулиб жавоб берди:

– Эй мухтарам зот, елкангда Говутама руҳонийларининг ҳирқаси бўлиб, ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, ҳамон йўл излаш билан бандмисан?

– Тўғри, ёшим бир жойга бориб қолди, – дея сўз бошлади Говинда. – Бироқ мен ҳамон изланишдаман. Турган гапки, бу изланишлар тугамаса керак. Пешонамга ёзилгани шу бўлса керак. Бироқ, фаҳмимча, сен ҳам илми толиб бўлгансан? Бу ҳақда бирор нима дея оласанми?

Сиддхартха деди:

– Сенга нима ҳам дердим, эй ҳурматли зот. Балки, сен қатъий талабчанлик ила излашга берилиб, излаётган нарсангни кўздан қочиргандирсан.

– Бу нима деганинг?– ҳайрон бўлди Говинда.

– Киши бирор нимани изларкан, – сўзида давом этди Сиддхартха. – Унинг нигоҳлари изланаётган нарсаси бор дея ўйлаган жойдан бошқа ерга тушмаслиги мумкин. Оқибат, у ҳеч нарса қилолмайдди, кўнглига ҳам ҳеч нима сиғмайди. Чунки унинг ўй-хаёли изланаётган нарсаси билан банд бўлади. Сабаби, унинг мақсади тайин, сабаби, унинг мақсади қатъий: “Излаш керак!” Мана унинг мақсади! Топиш эса ундан халос бўлиш бўлиб, бу шундай мақсадни кўзламаганлар учун очикдир. Сен, мухтарам зот, чиндан ҳам, ўз мақсадига интилиб, яқинидаги, қаршисидаги излаётган нарсасини кўрмаётган кишига ўхшайсан.

– Мен ҳали ҳам сўзларинг мағзини чақа олмаяпман,– деди Говинда. – Менга очикроқ тушунтир, бу сўзларингда қандай маъно бор?

Сиддхартха деди:

– Кунларнинг бирида, бундан кўп йиллар олдин, эй мухтарамзот, сен шу дарё бўйида бўлгансан. Қирғоқ бўйида ухлаб ётган кишини кўриб, унинг оромини кўриш учун ёнида қолгансан. Ўшанда ҳам, о Говинда, сен уни танимагандинг...

Рухоний гўё мўъжизани кўргандек қайиқчининг юзига тикилиб қолди. Ниҳоят, у журъатсиз овоз билан:

– Сен Сиддхартхамисан?.. – дея сўради. – Мен ҳозир ҳам сени танимадим. О Сиддхартха, сенга омонлик бўлсин. Сени яна учратганимдан қанчалик бахтиёрман! Жуда ўзгариб кетибсан, биродарим. Демак, қайиқчи экансан-да.

Сиддхартха қувониб кулди.

– Ҳа, Говинда, қайиқчиман. Дунёда шундай одамлар борки, касби-корини, шунинг билан бирга, либосини кўп алмаштиради, мен шундайларнинг бириман, қадрдоним. Менинг азиз меҳмоним бўл, Говинда ва бугун менинг кулбам сенга ҳам бошпана бўлсин.

Говинда у билан бирга қолиб, тунни унинг кулбасида, бир вақтлар Васудеванинг ётоғи бўлган ўринда ётиб ўтказди. У болалиқдаги қадрдонидан кўп нарсаларни сўрар, Сиддхартха ҳам унга ўз ҳаётидан кўп нарсаларни хикоя қилиб берарди.

Тонг отиб, хайрлашиш пайти келганда, Говинда бироз журъатсизлик ила шундай деди:

– Хайрлашишдан ва йўлга отланишимдан олдин сенга яна бир савол берсам майлими? Сенинг ўз таълимотинг, эътиқодинг, тақволи яшашда асқотадиган ҳақиқатинг борми?

Сиддхартха жавоб берди:

– Биласан-ку, кадрдоним, мен аллақачонлар йигитлик чоғимдаёқ биз ўша қаттиққўл зоҳидлар орасида, ўрмонда яшаган пайтларимиздаёқ таълимотларга, муаллимларга ишонмай кўйгандим, уларга қизиқишим сўнганди. Мен ҳамон ўзгарганим йўқ. Бироқ шу пайтгача менга кўпчилик устозлик қилди. Бир гўзал куртизанка менга узоқ вақт таълим берди, бир савдогар ҳам, ҳатто киморбозлар ҳам менга илм беришди. Кунларнинг бирида, ҳатто бир муддат бўлса-да, менга Говутама сомеъларидан бир руҳоний устозлик қилган. У йўл азобида толиқиб, ухлаб қолган вақтимда уйғонишимни кутиб ўрмонда менинг ёнимда ўтирганди. Мен ундан ҳам баъзи нарсаларни ўрганганман ва ундан жуда-жуда миннатдорман. Бироқ мен энг кўп илмни шу ерда дарёдан ва устозим қайиқчи Васудевадан ўргандим. У оддий киши эди, у мутафаккир эмасди, бироқ у энг зарур илмни билар, ҳатто Говутамадан қолишмасди. У камолотга эришган эди. У авлиё эди!

Говинда деди:

–Кўриб турганимдек, о Сиддхартха, болалигингдагидек истехзо қилишдан қолмабсан. Менсенга ишонаман. Биламан, сен биргина устоз билан қаноатланмайсан. Бироқ, майли, наинки таълимот, ҳатто бирор фикр, қандайдир ҳақиқат сенинг жисму-жонингга айланиб, яшашингга таянч бўлмадими? Агар бу ҳақида бирор нарса айтиб берсанг, мени жуда қувонтирган бўлардинг.

Сиддхартха жавоб берди:

–Тўғри, мен бундай фикрларни, бундай ҳақиқатни топдим. Баъзан кун бўйи, баъзан эса бир лаҳза мен ўзимда худди юрак зарбида ҳаётни ҳис этганимдек қандайдир илмни ҳис этдим. Бундай фикрлар, бундай ҳақиқат менда кўп бўлган, аммо уларни сенга тасвирлаб бериш бир оз мушкул. Фаҳмлаганингдек, кадрдоним Говинда, мен англаган ҳақиқатлардан бири шундаки, донишмандликни бировга ўргатиб бўлмайди. Донишманднинг бошқаларни доно қилиш учун айтаётган сўзи аҳмоқликка айланади.

– Ҳазиллашяпсанми?– сўради Говинда.

– Ҳазиллашаётганим йўқ. Нимани ҳақиқат деб билсам, шуни айтяпман. Илмни бериш мумкин, бироқ донишмандликни ҳеч қачон бериб бўлмайди. Уни топиш, у ила ҳаёт кечириш, уни ҳаёт елканига айлантириш, у ила мўъжизалар яратиш мумкин, лекин уни панд-насихат билан ўргатиб, таълим бериб бўлмайди. Мен ёшлик чоғларимдаёқ англаган ва мени барча муаллимлардан чалғитган нарса ҳам шу. Мен бир тўхтама келганманки, Говинда – сен уни ҳам ҳазил ёхуд телбалик деб ўйлайсан – ҳар қандай ҳақиқатнинг акси ҳам ҳақиқатдир. Буни бир сўз билан айтганда, билиш ҳақиқатнинг бир томонини англашдир. Ақл фақат бир ёклама ҳақиқатнигина англайди ва уни сўз билан ифодалаш ҳам мумкин. Бироқ у ягоналик, яхлитлик, тугалликдан холи бўлиб, ҳақиқатнинг ярминигина акс эттиради.

Улуғ устоз Говутама ўз таълимоти, борлиқ ҳақида гапираркан, у буларни сансара ва нерванага, янглишиш ва ҳақиқатга, азоб-уқубатлар ва халос бўлишга ажратиб бежиз айтмаган, чунки бошқача бўлиши мумкин эмас. Бошқаларга таълим бермоқчи бўлган кишининг бундан бошқа йўли йўқ. Аммо бу олам, Говинда, биздаги ва бизни ўраб турган бу борлиқ, нарсаларнинг моҳияти икки қутбга эгадир. Инсон ёхуд унинг бирор қилмиши ҳеч қачон мутлақ сансарада ҳам, мутлақ нерванада ҳам эмас, инсон ҳеч қачон мутлақ авлиё ёки мутлақ гуноҳкор бўлмайди. Буларнинг бари бизга шундай туюлади, чунки биз ўз янглишишларимизда вақтни қандайдир мутлақ воқеълик деб биламиз. Бу ундай эмас, Говинда, чунки мен бунга жуда кўп амин бўлганман. Гарчанд вақт мутлақ эмас экан, мангулик ва бизни ўраб турган олам, азоблар ва фаровонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги чегара ҳам ёлғон, янглишдир.

–Бу қандай гап? – дея сўради Говинда.

–Майли, қолган гапни эшит, Говинда. Дикқат билан кулоқ сол. Гуноҳкор, масалан, сенга, менга ўхшаган киши бўлсин – у шунчаки оддий бир гуноҳкордир, холос. Бироқ у кун келиб яна Брахман бўлади, нерванага етишади, Буддага айланади. Бас, шундай экан, Говинда, ўша келадиган кун, ўша вақт ёлғон, янглиш. Гуноҳкор покланиш учун, эзгулик йўлида кетаётган киши эмас, зеро бизнинг ожиз ақл кўзларимизгина уни шу ҳолда кўради. Йўқ, аксинча, ҳар бир гуноҳкорда бугун айна вақтда эртанги Будда бор, унда келажакда юзага чиқадиган барча имкониятлар мавжуд. Сенундаги, мендаги, ўзингдаги келажакда пайдо бўладиган яширин Буддани кўрмоғинг керак. Бу олам, биродарим Говинда, тугалликка, мукамалликка интилаётган олам эмас, аксинча, у ҳамиша мукамал бўлган ва мангу шундай бўлиб қолажак. Ҳар бир гуноҳда тавба яширин, ҳар бир болада кексалик акс этади, ҳар бир чақалоқда ўлим, ҳар бир ўлимда ҳаёт яширин. Инсонларга биродарларининг йўлнинг қай қисмини босиб ўтганлигини кўриш илми берилмаган. Ҳар бир киморбоз, ҳар бир қароқчида Будда яшайди, ҳар бир брахманда эса қароқчи яшайди. Фақат чуқур Ҳол орқалигина вақтни енгиб, ўз ўтмишингга, келажакингга, бугунингга назар солиш имконига эга бўла оласан, шунда уларнинг бари сенга жуда гўзал, мукамал ва брахманнинг ўзи бўлиб кўринади. Шунинг учун менга бу борлиқ жуда гўзал бўлиб кўринади. Мен ўлимда ҳаётни, гуноҳкорликда илоҳийликни, телбаликда эса ақлни кўраман ва буларнинг бари шундай бўлиши керак. Фақат ҳамма нарса менинг ҳайрихоҳлигимга, буларни кўраолишга тайёр эканлигимга, муҳаббат ила розилигимга боғлиқ, шундагина улар менга зиён-заҳмат эмас, балки эзгуликка айланади. Мен борлиқ ҳаётим, жисму-жоним билан шунга иқроор бўлдимки, гуноҳкорлик мен учун зарурат эди, мен ишратпарастликка муҳтож эдим, жаҳолатга, шуҳратпарастликка интилиб, сўнгсиз умидсизликка тушиб, ўзимдаги исёнкорликни енгдим, оламини ўзим тасаввур этгандек, ўзим ўйлаб топгандек мукамал эмас, борича кўришга ўргандим, уни қандай бўлса, шундай ҳис қилдим, унда яшаётганимдан севиндим, қувондим. Ана шунақа, Говинда, мен топган ҳақиқатлар.

Сиддхартха эгилиб ердан тош олди.

–Мана бу тош, – деди укафти узра тошни ўйнаб. –Кун келиб бу тош ерга айланар, ердан ўсимликка, ҳайвонга, балки инсонга ҳам айланар. Авваллари мен бу оддийгина тош, у ҳеч қандай қийматга эгамас, у маъданлар оламига тегишли, деб ўйлардим. Қачонлардир унга эврилиш чархпалагида жон ато бўлиб, одамга айланса, мен уни ҳам қадрлардим. Ҳа, мен авваллари шундай ўйлардим. Бугун эса бошқачароқ ўйлайман. Бу айна пайтда тош, айна пайтда жонзот, айна пайтда маъбуд ва айна пайтда Буддадир. Мен бу тошни қачонлардир бошқа нарсаларга айланиши учун эмас, унда ўша моҳият азалдан мавжудлиги учун севиб-қадрлайман. Айнан у тош бўлганлиги учун, бугун, ҳозир у менинг кўзимга тош бўлиб кўрингани учун мен уни севаман, унинг ҳар битта чизиғида, ҳар битта ёриғида, рангида, қаттиқлигида, қўл билан урганда чиқадиган товушида, сиртидаги қуруқлик ва намликда маъно ва моҳият борлигини кўраман. Худди ёғдек силлик, совундек сирғалувчан тошлар бор, бошқалари эса барғни эслатади, яна бошқалари қумни, уларнинг ҳеч бири бир-бирига ўхшамайди, уларнинг ҳар бири ўзича муқаддас Аум каломини шивирлайди, уларнинг ҳар бирида брахман яширин ва айна пайтда улар силлик ва сирғалувчанёхуд ғадир-будир тош, айнан шунинг учун мен уларни қадрлайман, айнан шунинг учун улар менинг ҳайратимга, муҳаббатимга лойиқдир. Рухсат берсанг, бошқа бу ҳақида гапирмасам. Яширин моҳият сўзда акс этмайди. У гўё ёруғликдан чўчиган зулматга ўхшайди. Бирор нарса ҳақида айтишга уриндингми, у албатта, кўз ўнгимизда ёлгон тасаввур қолдириб, биздан сирғалиб кетади, бизнинг тилимизда қадрсиз сўзларгагина айланади. Бироқ шуниси ҳам яхши, шуниси ҳам гўзал ва менинг кўнглимдагидек, чунки бир киши учун ҳақиқат бўлган нарса бошқалар учун, албатта, аҳмоқликдир.

Говинда унинг сўзларини индамайгина тингларди.

–Нима учун сен тош ҳақида гапирдинг? – деди у ниҳоят Сиддхартха гапиришдан тўхтагач.

–Мен буни атай қилганим йўқ. Балки, мен бу тошни, дарёни, атрофимиздаги кўриб турган ва биз ўрганишимиз мумкин бўлган нарсаларни севганим учун шундай қилгандирман. Мен тошни, дарахтни, илдиз бўлагини севишим мумкин, Говинда, чунки булар нарсалар. Нрсаларни эса севса бўлаверади. Сўзларни эса севишга қодир эмасман, шунинг учун таълимотлар менга бегона. Улар на қаттиқ, на юмшоқ, уларда на чегара, на ранг, на там, на хид бор. Уларда сўздан ортиқ ҳеч нарса йўқ. Балки, айнан шулар, улкан сўзлар уюми ҳаловат топишингда сенга ҳалал бераётгандир, ахир ҳалос бўлиш, эзгулик, сансара, нервана – буларнинг ҳаммаси шунчаки сўзлар, ҳолос. О Говинда, ахир нервана деган нарса йўқ. Неврана деган сўз бор, ҳолос.

Говинда деди:

–Нервана фақатгина сўз эмас, у фикр ҳамдир.

–Майли, сен айтгандек, фикр бўлақолсин, –давом этди Сиддхартха. – Шунинг тан олиб айтиш керакки, фикр билан сўз ўртасида унча ҳам катта фарқ йўқ. Гапнингочиғини айтганда, мен ҳатто фикрларда ҳам мукамаллик кўрмаганман. Мен учун энг муҳими мавжуд нарсалар. Шу ерда дарё ёқасидаги кулбада кўп йиллардан буён фақат дарёгагина эътиқод қилган менинг устозим авлиё бир киши яшарди. У дарёнинг унга айтган сўзларига кулоқ солиб, ундан таълим олган. Бу овоз унга илм берган, ўргатган. Бу дарё унинг учун гўё худодек эди. У кўп йиллар илмсиз яшади. У ҳар бир шамол, ҳар битта булут парчаси, ҳар бир қуш ёки митти қўнғизда ҳам илоҳий илмга тўла, у эътиқод қилган дарё каби ўрганишгамуносиб нарсалар эканлигини билмасди. Бу авлиё зот ўрмонда узлат қилган вақтда, ҳамма нарсани ўрганди, у сандан, мандан ҳам кўра илмли эди. У буларнинг барига фақатгина дарёга ишонганлиги учун на бирор китобсиз, на устозларсиз эришди.

–Бироқ сен айтаётган нарсалар чиндан ҳам воқеъликми? –сўради ундан Говинда.–Ахир булар шунчаки сароб, шарпалар эмасми? Ахир булар ҳийлакор шакл оламининг маҳсули эмасми? Сен айтаётган бу тош, бу дарахт, бу дарё ҳақиқатлар оламига тегишлими?

–Менга буларнинг аҳамияти йўқ, – жавоб берди Сиддхартха. – Агар бу нарсалар моҳиятан шарпа бўлса, демак мен ҳам шарпаман. Демак, мен ва улар бир нарсалармиз. Шунинг учун ҳам мен уларни қадрлайман, уларни эъзозлашга лойиқ деб биламан. Улар менга ўхшайди, шунинг учун ҳам мен уларни севаман. Мана, Говинда, сенга, албатта, кулгили туюлиши мумкин бўлган менинг таълимотим. Мен учун муҳаббат оламдаги энг олий ва энг муҳим нарса бўлиб кўринади. Оламга тафаккур ила боқиш, уни тушунтириш, уни танқид қилишни буюк мутафаккирлар бажараверсин, мени эса ягона бир ҳис шу борлиқни севиш, ундан иллат изламай, ундан нафратланмай, унга ўзимга, борлиқдаги ҳар бир нарсага муҳаббат, ҳайрат, шавқ ила қараш банд қилган.

–Мен буни биламан, –деди Говинда.–Лекин улуғ устоз буларни ҳам ёлғон, сароб дея атаганди. У бизни муҳаббатга эмас, раҳм-шафқат, сабр-қаноат, хайрихоҳликка даъват этганди. У бизни заминий нарсаларга муҳаббат қўйишдан қайтарганди.

–Мен буни биламан, Говинда,– деди Сиддхартха. Унинг кулгиси гўё олтиндек товланарди. –Мен буни яхши биламан,Говинда. Мана, биз фикр чигаллигини ечмоқчи бўлиб сўз ила бахслашяпмиз. Мен муҳаббат ҳақидаги сўзларимнинг гўёки Говутаманинг қарашларига зид бўлиб кўринишини инкор этолмайман. Шунинг учун мен сўзларга ишонмайман, чунки бу зиддиятёлғон, саробдир. Мен Говутама билан ягоналик ришталари ила боғланганимни биламан, ахир инсон табиатининг барча тубанликлария-жоҳилликларини билган, шунга қарамай, уларни севган, машаққатли ва узоқ умрини уларни қутқаришга, таълим беришга бағишлаган шундай буюк зот

муҳаббат нима эканини билмаслиги мумкин эмас. Сенинг улуғ устозингни ҳам мен сўзда эмас, ҳақиқатда буюк деб биламан, менга унинг ҳаёти, фаолияти унинг айтган сўзларидан кўра қадри, унинг хатти-ҳаракатлари муҳокамаларидан кўра афзалдир, мен унинг ҳақиқий буюклигини фикрларида, сўзларида эмас, ҳаётида, қилган ишларида деб биламан.

Кекса дўстлар бир муддат жим бўлиб қолишди. Ниҳоят, Говинда ўрнидан турди. Кетишга шайланиб таъзим қилди ва деди:

– Мен билан суҳбатлашганинг учун, Сиддхартха, сендан миннатдорман. Баъзи сўзларинг менга ғалатидек туюлса-да, баъзиларига тушунмаган эсам-да, барибир сендан миннатдорман. Умринг тинч, осуда ўтсин.

Бироқ у шу сўзларни айтarkan, кўнглидан шундай ўйлар ўтарди: “Бу Сиддхартха жуда ғаройиб одам-да, унинг фикрлари ҳам ғаройиб, қарашлари ҳам ғалати. Улуғ устознинг қарашлари мутлақо бошқача эди. Унинг аниқ, соф ва тушунарли таълимотида кулгили, аҳмоқона, ғализ сўзлар йўқ эди. Менга Сиддхартханинг кўлида, кўзларида, пешонасида, нафасида, кулгисида, чеҳрасида, юришида унинг айтаётган сўзларидек мубҳамлик эмас, бошқа маънолар кўринди. Мен улуғ устоз Говутама нерванага қовушгандан буён бу каби авлиё кишини кўрганим йўқ. Фақат у Сиддхартхагина шундай кишига ўхшайди. Майли, унинг таълимоти менга ғалати, сўзлари эса кулгили бўлиб туюлса ҳам, бироқ унинг нигоҳи, кўллари, танаси, сочлари ўзидан шу қадар осудалик, поклик, хушнудлик таратадики, мен бу қадар ҳалимлик ва илоҳийликни улуғ устоз Будда ўзининг сўнгги ҳаётини яшаб, боқийликка қовушганидан буён кўрмагандим...”

Унинг кўнглини шундай қарама-қарши ҳислар чулғаш баробарида муҳаббат деган туйғу ҳам қамраб оларкан, Говинда ўрнида тик қотиб ўтирган Сиддхартхага яна бир бор эгилиб таъзим қилди.

– Сиддхартха, – деди у, – бизлар қариб қолдик. Бу ҳаётимизда яна кўришамизми-йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Кўриб турибманки, о севиқли биродарим, қалбинг мутлақ ҳаловат топибди. Менга эса бундай ҳол насиб этмади. О муҳтарам биродар, менга ўзим билан олиб кетгани осон ва тушунарли яна бир сўз айт. Кетишим олдидан менга бир сўз ҳадя эт, чунки менинг йўлим ҳали мушкул ва зулматлидир, о Сиддхартха.

Сиддхартха унга ўша мулойим ва хотиржам кулги ила жим қараб турарди. Говинда ҳам қимир этмас, унинг биродарига қараган кўзларида кўрқув ва ҳасрат қотиб қолганди. Изтироблар ва ниҳоясиз изланишлар акс этган бу очиқ китобдан Сиддхартха мангу саргардонликнинг аламли чизгиларини ўқиди.

– Мен томонга эгил, – деди у аста шивирлаб. – Мен томонга яна ҳам пастроқ эгил, яна ҳам пастроқ... Менинг пешонамдан ўп, Говинда...

Говинда ажабланиб, бироқ унинг ихтиёрига бўйсуниб, муҳаббат ва хайрихоҳлик ила Сиддхартханинг бошига эгилиб, лабларини унинг пешонасига теккизаркан, мўъжиза юз берди: унинг хаёли Сиддхартханинг ғайриоддий сўзлари ила банд бўлиб, у ғайриихтиёрий тарзда онгидан вақтни сиқиб чиқаришга жон-жаҳди билан уриниб, нервана ва сансарани яхлит дея ўйлашга тиришаркан, унинг қалбида дўстининг сўзларига нисбатан нафрат ва муҳаббат ўзаро курашаркан, Говинда ўзида ғайритабиий ҳол юз бераётганлигини ҳис этди. Биродари Сиддхартханинг юзи унинг кўз олдида ғойиб бўлди. Унинг ўрнида юзлаб, минглаб чехралар пайдо бўлар ва беҳисоб чехралар улкан, қудратли оқимга бирлашарди. Улар гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолар, аммо бир вақтнинг ўзида шу дарё ўзани узра оқарди. Улар тинимсиз ўзгарар, янгиланар, лекин бари айни вақтда Сиддхартханинг қиёфасида ҳам эди. У ўлаётган балиқ калласини, азобдан оғизларини катта очаётган улкан қисқичбақанинг ялтираган кўзларини кўрди. У янги туғилган чақалоқнинг илк йиғидан қизариб, бужмайиб кетган юзини, кимгадир ҳозиргина тиг урган қотилнинг башарасини, шу қотилнинг кишанбанд ҳолда жаллод кундасида узилган бошини кўрди; у ишқнинг телбавор ўйинларида гўё чирмовикўтдек қовушиб, чирмашиб ётган ялонғоч эркак ва аёлни кўрди; у чангак бўлиб қолган сассиз, совуқ мурдаларни, қушларнинг, ҳайвонларнинг каллаларини, буқаларни, филларни, тимсоҳларни кўрди; у маъбудларни: Кришнани, Агнини кўрди. У бу чехра ва қиёфаларни бир оқимга бирлашган ўзаро муносабатларга киришган ҳолда кўрарди. У уларнинг бир-бирига ёрдам бераётганини, севаётганини, бир-бирини ўлдираётганини, йўқ қилаётганини, айни пайтда бир-бирини пайдо қилаётганини кўрарди. Бу мавжудотларнинг ҳар бири ўлимга ташна бўлар, борлиқнинг беқарор ҳаракатидан укубат чекар, бироқ бутунлай йўқ бўлиб кетмай, чексиз олам чархпалагига бардош бериб, пайдо бўлар, йўқолар ва ҳар бир бунёдлик ҳамда барбодлик орасида вақт деган тушунча йўқ эди. Бу чехралар, бу қиёфалар жимгина мангулик узра оқар, бир-бирини пайдо қилиб, бир-бирига сингиб кетарди. У бу қиёфалар узра нозик бир вужудни кўрдик, бу гўё шаффоф ойна, муз, юпқа парда ёхуд нафис шакл ниқоби каби эди ва бу ниқоб кулиб турарди. Бу ниқоб – Говинда пешонасини ўпаётган Сиддхартханинг чехраси эди! У бу ниқобдаги кулги шакллар оқимидаги яккаш кулги эканлигини, минглаб туғилиш ва ўлимнинг айни бир вақтдалигини англаганини биларди. Сиддхартханинг бу кулгиси мулойим, нозик, донишнамо, етиб бўлмас, балки бироз шафқатли, балки бироз истехзоли, ўша у юз бор ҳайрат ичра таҳаммул этган минг қиёфали Гавутама Будданинг кулгиси эди. У камолотга етган кишигина шундай кула олишини англади.

Вақтнинг бор-йўқлигини ҳам билмай, бу мўъжиза юз йилми ёхуд бир лаҳзами юз берганини англамай, Сиддхартханинг ҳам, Говутаманинг ҳам, бошқа бирор кимсанинг ҳам бор-йўқлигини фаромуш қилиб, сеҳрланиб, гўё борлиққа сингиб, гўё илоҳий пайкондан дилпора бўлиб, қалб ярасининг лаззатли оғриғидан қувонаркан, Говинда ҳозиргина ўзи пешонасидан ўпган ҳамда ҳозиргина худди сеҳрли ойнадагидек барча шакл-шамойилларни,

вужудга келиш синоатларини, олам сирларини кўрган Сиддхартханинг қотиб қолган чехраси қаршида турарди. Бу ойна унинг минг чехрали чоҳлари сўниб, беркилса ҳам, худди аввалгидек ўзгармаганди. Унинг юзасида худди улуғ устоз Говутаманикига ўхшаш мулойим, ҳаракатсиз, нозик, балки бироз меҳрли, балки бироз истехзоли табассум жилваланарди.

Говинда эгилиб таъзим қилди. Унинг кексайиб, ажин босган юзидан ўзи ҳам билмаган ҳолда ёш қуюларди. Унинг кўксини чексиз муҳаббат ва итоатли эҳтиром алангаси чулғаганди. Говинда қимир этмай ўтирган биродари Сиддхартханинг қаршида пешонаси ерга теккунча таъзим қиларкан, Сиддхартханинг кулгиси унга ҳаётида барча кадрли ва муқаддас деб билган нарсаларини эслатарди.

1922 йил.